Сайидирахимова Насиба Сайидмахамадовна

# БОЛАЛАР НУТҚИНИНГ ПСИХОЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Тошкент-2012

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

Сайидирахимова Насиба Сайидмахамадовна

# БОЛАЛАР НУТҚИНИНГ ПСИХОЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

(Монография)

Тошкент-2012

**Монография**
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Илмий кенгаши йиғилишининг 19 апрел, 2012 йилдаги 8-сонли баёнига мувофиқ нашрга тавсия этилган

**Масъул муҳаррир -** филология фанлари доктори, профессор **Абдулхамид Нурмонов.**

**Тақризчилар:** филология фанлари номзоди, доцент **Муяссар Сапарниёзова**

филология фанлари номзоди, доцент **Неъмат Маҳкамов**

Сайидирахимова Н.С.
**Болалар нутқининг психолингвистик хусусиятлари**
(монография ўзбек тилида)

Мазкур монографияда нутқ онтогенезининг психолингвистик муаммоларига доир айрим назарий масалалар хусусида фикр юритилади. Шунингдек, нутқий фаолиятнинг онтогенез аспектида кўриб чиқилиши болалар нутқининг семантик ва грамматик муаммоларига бағишланади ва кенг лингвистик тадқиқ этилади.

Китоб умумий тилшунослик масалалари билан шуғулланувчи мутахассислар: филолог-магистр ва талабалар, руҳшунос ва логопедлар ҳамда умумтаълим мактабларининг ўзбек тили ўқитувчилари ва мактабгача таълим муассасалари мутахассис-мураббийлари учун мўлжалланган.

© Сайидирахимова Н.С., 2012.



# МУНДАРИЖА

**КИРИШ** . . . . . . 4

**БИРИНЧИ ҚИСМ**
**Болалар нутқининг тил онтогенезини ўрганишдаги аҳамияти** . . . . . . 6
1.Болалар нутқининг психологик аспекти . . . . . . 9
2.Болалар нутқининг тилшунослик тарихида ўрганилиши ва навбатдаги вазифалар . . . . . . 19

**ИККИНЧИ ҚИСМ**
**Болалар нутқининг фонологик - фонетик хусусиятлари**
1.Болаларнинг она тили фонологик системасини ўзлаштириш имкониятлари . . 31
2.Унлилар системаси ва унинг вариантланиши . . . . . . 41
3.Ундошлар системаси ва унинг вариантланиши . . . . . . 44

**УЧИНЧИ ҚИСМ**
**Болалар нутқининг грамматик хусусиятлари**
1.Болаларда грамматикани ўзлаштириш имкониятлари . . . . . . 50
2.Морфемани ўзлаштириш ва улардан ўринли фойдаланиш имкониятлари . . . . 56
3.Синтактик имкониятлар. Болалар нутқида гапнинг структур типлари . . . . . . . 72
4.Болалар нутқида гапнинг гапнинг ифодаланиш мақсадига кўра турлари . . . . . 81

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати** . . . . . . 95

# КИРИШ

Ҳозирги кунда нутқ онтогенезининг психолингвистик муаммолари кўплаб олимларнинг қизиқишини уйғотмоқда. Психолингвистикада бу бўлимга қизиқишнинг ўсиши ҳозирги замон тилшунослигида инсон нутқ фаолиятининг муаммолари ва уларни моделлаштириш қонуниятига бўлган эътиборнинг кучайиши билан боғлиқдир. Шу сабабдан ҳам кичик ёшда она тилини эгаллаш жараёнини тадқиқ қилишга бўлган назарий қизиқишнинг ортиши нутқий фаолият назариясини яратишда зарур бир йўналиш ҳисобланиши билан бирга, инсон тафаккури табиатини ва унинг ривожланиш қонуниятини чуқуррoқ ўрганишнинг асосий йўлларидан бири ҳисобланади.

Инсон нутқи онтогенезини ўрганиш анъанавий тилшуносликнинг ички эҳтиёжидан ҳам келиб чиқади. Бу ҳодиса яна шу билан ҳам изоҳланадики, ҳозирги замон лингвистика илмининг ривожланиш даражаси у ёки бу тил муаммоларининг назарий тадқиқинигина эмас, шунингдек, кенг тажрибавий тадқиқотларни ҳам талаб этади. Шу жиҳатдан ҳам, болалар нутқи бу жараёнда кенг кўламли туганмас материал ҳисобланади ва назарий хулосалар учун катта имкониятлар яратади. Болалар нутқи далилларидан фойдаланиш тилшуносликнинг олдига қўйилаётган турли муаммоларни ўрганишда ҳамда ҳозирги замон адабий тилининг айрим структура хусусиятларини аниқлашда кенг имконият яратиб беради. Болаларда маълум турдаги тил ходисаларининг кетма-кет муайян тартибда юзага чиқишини ҳамда болалар нутқининг катталар (тилидан) нутқидан ўзига хос фарқланишини кузатиш тил системасидаги турли элементларнинг табиий гуруҳланиши сабабларини очишда кўплаб далилларни бериши мумкин. Нутқий онтогенез муаммоларини ўрганиш ҳаётдаги кўплаб амалий масалаларни ечиш учун ҳам қизиқиш уйғотади. Болалар нутқи ҳақидаги маълумотлар она тилини ва бошқа чет тилларини ўқитиш усулларининг самарасини ошириш ва уларни такомиллаштириш ҳамда мактабгача муассасаларда дастур методикасини ишлаб чиқиш, шунингдек,



нутқнинг ривожланиш даражасини аниқлаб, белгилаш ва нутқий камчиликларни даволаш учун ҳам зарурдир.

Мазкур рисолада нутқ онтогенезининг бир қанча аспектини тадқиқ қилишда болалар нутқи тадқиқот предмети сифатида ажратиб олинди. Болалар нутқи ходисаларини таҳлил қилишда анъанавий-лингвистик ёндашувга таянган ҳолда иш қўрилди. Бунда предмет сифатида болалар нутқидаги у ёки бу фактлар, уларнинг пайдо бўлиш вақти қайд қилинди. Болалар нутқида тилнинг қайси элементларининг аввал намоён бўлиши, уларнинг функциялари, қўлланилиш частоталари қандайлиги ва болаларнинг тил элементларини эгаллашининг аниқ йўли кузатилади. Болалар нутқининг ривожланишини таҳлил қилишда бундай ёндашув тилнинг ривожланишини тадқиқ қилишнинг бошланғич давридаги ишлар учун характерлидир ва ёлғиз бир болада нутқнинг ривожланишини ўрганишдаги кундалик материали сифатидаги ишлар учун ҳам аҳамиятли саналади, албатта. Бу кичик тадқиқот психолингвистик аспектдаги нутқий онтогенез муаммоси масалаларини ўрганишнинг бошланиши, унга киришдир. Буларнинг барчаси муаллиф мақсад этган ва галдаги вазифалардир.

Ишда айрим камчиликларнинг, мунозарали талқинларнинг бўлиши табиий. Муаллиф бу хусусда эътироф этилажак қимматли фикр ва мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қилади.

# БИРИНЧИ ҚИСМ

## БОЛАЛАР НУТҚИНИНГ ТИЛ ОНТОГЕНЕЗИНИ ЎРГАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Ҳозирги даврда боланинг она тилини ўзлаштиришини ўрганиш, болалар нутқини ўрганишдаги психолингвистик ёндашув билан боғлиқ ва бунда онтогенез боланинг нутқ фаолиятидаги нутқий бойлик ҳамда имконият жараёни сифатида қаралади. Боланинг нутқий ривожланиши унинг фикрлаши ва предметли-амалий фаолияти билан боғлиқ руҳий умумий ривожланиши контекстида тадқиқ этилади ва агар болалар нутқи бўйича қилинган дастлабки ишларнинг аксарият мақсади бола ривожланишининг аниқ бир давридаги нутқини таҳлил этиш натижасида ташқи кўриниш жараёни сифатида тавсифлаш бўлса, ҳозирги тадқиқотлар болаларнинг нутқ фаолиятида аниқ тил фактларига олиб келувчи ички жараён ва механизмларни очиб беришга қаратилганлиги билан характерлидир.

Нутқий фаолиятнинг онтогенез аспектида кўриб чиқилиши болалар нутқининг семантик ва грамматик муаммоларига бағишланади. Ишнинг марказий муаммоларини ҳал этишда тил системасининг категориялари сифатида семантиканинг ва грамматиканинг умумий муаммоларига бевосита ёндашиб ўтамиз. Бунда асосий эътибор онтогенезда нутқий фаолиятдаги семантик бирликнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига қаратилади. Семантикага бўлган бундай ёндашув анъанавий эмас. Чунки нафақат лингвистик, балки психолингвистик йўналишларда ҳам болалар нутқини ўрганишда кўзга кўринарли изланишлар амалда йўқ. Шу сабабдан ҳам ишнинг тажрибавий қисми кичик ёшдаги ўзбек болаларининг тилнинг турли категорияларини миқдор ва семантик жиҳатдан муайян тарзда ўзлаштириши фактлари асосига қурилади. Бу ерда - “маъно” (семема)ни ифодалаш учун хизмат қилувчи ясама сўз, тилнинг грамматик ва лексик-семантик элементлари ёрдамида нутқнинг онтогенезда функцияланиши ва болалар томонидан метафорик маълумотларнинг ўзлаштирилиши қараб чиқилади.



Болалар руҳиятининг структур ва функционал ривожланиши мобайнида улар ўзлаштирган тил категорияларининг маъноси чуқурлаштирилади. Тилни белгилар системаси сифатида тушуниш ва маъновий қиймат муаммолари Ф.де Соссюр тадқиқотлари ва бошқа кўплаб олимлар томонидан ёритилган[1].

Бу муаммо тилнинг марказий белгиловчи муаммоси деб аталади. Шу билан – мазмун тушунчаси тил белгисининг ажралмас қисми сифатида белгиланади. Бу, бизнингча, белги ва мазмун муаммосига қандай ёндашувимизни аниқлаб олишимиз учун жуда муҳим саналади.

Маълумки, нутқ фаолиятининг ривожланиши жараёнида сўз - белги ва предмет ўртасида боғланиш ҳам ривожланади. Худди мана шу боғланиш жараёнида, яъни боланинг когнитив ривожланиш қобилияти чегарасида коммуникатив ҳолатларнинг мураккаблашуви ва кенгайиши ҳамда предметли фаолиятда коммуникация хизмати билан боғланиши кучаяди. Айтилган алоқадаги ривожланиш нутқнинг марказий жараёнда ривожланиши учун асос бўлади ва бу жараён умумий психологик ривожланиш жараёнидан ажралмас саналади. Бир томондан, инсон тил қобилияти – нутқий фаолият генезисини таҳлил қилиш муаммоси – бу нутқий тафаккур ва амалий предмет фаолиятининг муносабати, коммуникатив – когнификатив структуралар ва коммуникатив муносабатлар механизми ва жараёнлар таҳлили муаммосидир. Иккинчидан, бу албатта, семантик муаммолар таҳлилидир, чунки маъно – тафаккур ва нутқ онтогенезининг марказий категорияси - орқали биз фақат маъно генезиси ички қонуниятларининг юзага келиши ва инсон тилининг ривожланишини тушунамиз.

Маънонинг шаклланиши – бу субъект томонидан ижтимоий тушунчалар ва умумлаштирилган ҳаракатлар образи, билимлар жараёни кабиларни эгаллаш демакдир. Бунда, албатта, субъектнинг тўғридан-тўғри тайёр билимлар лойиҳасини тушуниши назарда тутилмайди. Гап индивидуал предмет фаолиятидаги билиш системаси жараёнининг шаклланиши ҳақида кетяпти.

[1] Соссюр Фердинанд де. Труды по языкознанию.- М., 1977.- С.696.

Демак, шуни назарда тутиш лозимки, индивидуал маънолар системасининг қурилиши бу пировард натижада айнан шу хил ўзлаштиришнинг ва шундай лойиҳанинг мақсадидир. Чунки индивидуал система ёки индивидуал маънолар системаси, турли ўлчов даражадаги ва қобилиятлар мажмуасида аста-секин шаклланади.

Боланинг ўсиш жараёни узлуксиз бўлса ҳам, уни айрим босқичларга бўлиш мумкин. Бу босқичлардан бири сифатида мактабгача бўлган ёш давридир. Бу даврда болаларда когнитив (англаш) структураларнинг вужудга келиши ва ривожланишининг интенсивлиги кўринади ва натижада реал дунё (борлиқ), болани ўраб турган предметлар, улар ўртасидаги муносабат ҳақидаги билимларни эгаллаш жараёни кечади. Тил системаси элементлари – ифода воситалари жараёнининг бойиши айнан бу воситалар аҳамиятининг кучайиши ва кенгайишида намоён бўлади. Бундай кенгайиш зарурий, чунки бу тил ходисалари генерализацияси ходисаларидан бевосита ажралмас жараёндир. Генерализация – бу боланинг психик ва нутқий ривожланишининг марказий жараёни саналади. Бу ўринда биз учун нутқий фаолиятнинг ривожланиш жараёнида генерализациянинг асосий ролини таъкидлаш аҳамиятлидир. Чунки айнан мана шу факт нутқий фаолият онтогенези ва инсон тил қобилиятининг ривожланишини ўрганишга ёндашувни белгилаб беради.

Кейинги йилларда нутқий ходисалар тадқиқида борган сари грамматиканинг айрим ходисаларини эмас, балки семантик – грамматик категорияларнинг шаклланиши ҳақидаги умумлашган кўринишларини ўрганиш ҳам назарда тутилмоқда. Сўнгги ҳолат тўғридан-тўғри замонавий лингвистика учун характерли бўлган анъаналар: тил бирликлари маъноларини ўрганиш, синтаксиснинг семантикага мурожаати ва сўзловчи инсонга бўлган мўлжал (ориентация) билан боғлиқ. Бироқ агар семантик-синтактик тушунчалар системасида мустаҳкам методологик база бўлмаганда, замонавий лингвистиканинг бу барча хусусиятлари нутқ ривожланишини тадқиқ қилишга айтарли таъсир этолмасди. Ўтган асрнинг 30-йилларидаёқ Л.С.Выготский



томонидан болалар нутқини таҳлил этишнинг психолингвистик асослари белгилаб берилди[1].

## 1. БОЛАЛАР НУТҚИНИНГ ПСИХОЛОГИК АСПЕКТИ

Боланинг катталар билан мулоқоти жараёнида унинг нутқи шаклланиб, такомиллашиб боради. Бу эса руҳий жараёнларни тубдан қайта қуради. А.Р.Луриянинг таъкидлашича, боланинг ўзини тутишида юзага келувчи мураккаб бошқарув масалаларида нутқ фаолияти асос бўлади[2].

Демак, инсон хатти-ҳаракати бу белгилар хатти-ҳаракатидир. Ўз хатти-ҳаракатини бошқариш, белгилар бошқаруви демакдир. Унинг моҳияти шундаки, бошқарувчилар сифатида тил белгиларидан (психологик қуроллардан) фойдаланилади.

Л.С.Выготскийнинг тушунчаси бўйича, "психологик қурол" - бу шахснинг актив фаолияти ва инсоннинг объектив олам билан бевосита боғланишдир[3]. Тил белгиси, бу ўринда, инсонни объектив олам билан ва фаолияти жараёнида тўпланувчи тажрибаси билан боғловчи восита сифатида тушунилади. Предметлар, уларнинг боғланиши ва ўзаро алоқаси ҳақидаги тушунча тил воситасида намоён бўлади ва боланинг онгида мустаҳкамланади, бунинг натижасида коммуникация жараёни вужудга келади.

Маълумки, тилда ижтимоий-тарихий тажриба акс эттирилади. Бунинг асосида бола нафақат ўз шахсий билимини, балки ижтимоий билимини ҳам мустаҳкамлаб боради. Боланинг борлиқни эгаллаш жараёни борлиқ аъзолари муҳим хусусиятларининг ажратилиши ва мустаҳкамланишини қамраб олади. Ижтимоий индивид сифатида инсон учун белгининг мустаҳкамланиши жамият томонидан ишлаб чиқилган асосий восита – тил ёрдамида амалга оширилади ва белги воситаларининг ўзини эгаллаш жараёни, яъни "сезги табиати орқали"

[1] Выготский Л.С. Мышление и речь // Собр. соч. –М., -Т.2. –С. 60.
[2] Лурия А.Р. Язык и сознание.- М., 1979.-С.53.
[3] Выготский Л.С. Развитие высших психических функций. –М., 1960. –С. 70.

белгиланадиган тил белгиларини эгаллаш борлиқни эгаллашдаги сўнгги жараён саналади.

Тил бирликларининг реал бирликларга муомала ва муносабатга ўтиши боланинг реал бирликларни мувофиқлаштира ола бошлаши ва тил бирликларини айрим материал объектлар сифатидаги ўзаро мувофиқлигини ифодалаш имкониятига эришганлигини кўрсатади. Бунда реал предметлар мувофиқлигини ўрнатиш ва тил бирликларининг "сезги табиати" - тафаккурнинг ривожланиши биз учун асосий босқич саналади.

Фақат ўзининг материал хусусияти ва "сезги табиати" томонидан олинган тил бирликлари идеал-материал ифода эканлигини йўқотмайди (чунки тилнинг шу хусусиятига мос келувчи шундай ифода шакли бўлиши зарур).

Психологик нуқтаи назардан қараганда, конкрет – ҳиссий ифода фаолияти тилнинг бундай акс таъсири бўла олади. Ифода жараёни эса тил бирликларининг ўзаро боғлиқлиги ва "сезги табиати" муносабатининг реал мувофиқлигини кўрсатади. Ҳиссий ифода ёрдамида реал бирликлар ва тил бирликларининг мувофиқлиги (дастлаб субъектив қиёс) аниқланади. Бундай мувофиқликни белгилаш манифестацияси сифатида образли боғланишлар, яъни болалар томонидан предмет ва сўзлар орасида белгиланадиган, юқори босқичда эса – гап ва бутун вазиятлар ўртасидаги ўзаро муносабатнинг эгалланиши назарда тутилади.

Шунингдек, энг аввало, белгиларнинг "функционал борлиғи" уларнинг материал борлиғини қамраб олади, чунки бола белгиларнинг материал хусусиятини эгаллашида бу жуда муҳим.

Предмет фаолияти жараёнида бола предметларнинг дастлаб материал хусусиятларини, сўнг бошқа предметлар билан боғланишини ва ниҳоят, предметларни функционал қўллашни эгаллайди, предмет фаолияти (ҳаракати)нинг ўсиши давомида предметлар ном олади, сўнг сўзли мулоқот юзага келади, бунинг асосида эса тушунча (десигнат) шаклланади. Сўз эгаллашнинг юқори босқичида бу муомала ва мулоқот бирлиги, нутқий



фаолият қуроли ҳамда белги сифатида намоён бўлади. Бироқ, предметнинг номи ҳали сўзни конвенционал (тил белгиси сифатида) қўлланиши дегани эмас. Чунки, тил белгисини квазиобъект сифатида конвенционал қўллашни ўзлаштириш унинг маъносини ўзлаштиргандагина амалга ошади. Бунда мазмун белгига унинг хусусиятларидан бири эканлиги билан тааллуқлидир. Чунки ўз маъносини йўқотган белги - бу моддий оламнинг оддий предметидир ва у моддий хусусиятлари билан ўз функциясини чегаралайди. Шу сабабдан ҳам мазмун (маъно) белгидан ажралмасдир. Мазмун маълум предмет ёки белгининг жамият амалиёти жараёнида тўпланган тажрибасининг қайди саналади. Бир томондан, мазмун сўзлашувчилар тажрибасини шу моддий шаклга боғлайди, иккинчи томондан эса – бу тажриба ўзида авлодлар тажрибасини акс эттиради. Мазмунни А.А.Леонтьев шундай белгилайди: "… мазмун ҳар бир индивиднинг жамият тажрибасини ижтимоий кодлаштирган шаклда ўзлаштиришидир. Мазмунни ўзлаштириш бу индивидуал фаолият билан жамият тажрибасининг мувофиқлигини аниқловчи воситадир"[1].

Бола мазмунни белги шакли ва ифодаланувчини боғловчи восита сифатида ўзлаштиради. Мазмунни эгаллаш берилган маънонинг қиёсий инвариантлиги базасидагина мумкин бўлади. Қандайдир белги (сўз)даги мазмуний майдонни ифодалаш орқали бола ундан маълум тил маъносига ўтиши мумкин. Бошқача айтганда, бола субъектив боғланишлар системасидан объективлик системасига ўтади.

Мазмунни (маънони) эгаллаш эса бу белгининг функционал характеристикасини эгаллашдир. Бу предметларнинг бевосита функционал хусусиятидан фарқланади. Предметлар ўз хусусиятларини белгилар билан моддий боғлиқлиги жараёнида намоён этади. Белгилар эса ўз хусусиятларини кишиларнинг ўзаро муносабати ёки идеал фаолияти

жараёнида ифодалайди. Белги нутқ фаолиятида реал предметнинг ўрнини босувчи сифатида иштирок этади. Предметлар билан бўлган ҳаракат ишоралар

[1] Леонтьев А.А. Исследование грамматики // Основы теории речевой деятельности. -М., 1974.-С.51.

ҳаракати билан алмаша олади ва керакли предметнинг ҳаракатини кўра олишга ёрдам беради. Бу маъно (мазмун)ни идеал образ сифатида белгилаш имконини яратади. Модомики, ишоралар билан бўлган ҳаракат предмет ҳаракатининг ўрнини босар экан, бунинг учун тўла равишда ҳаракатнинг ўзини ўзлаштириш зарур бўлади. Онгда предметли ҳаракатнинг тажрибаси ўринлашади ва предмет ҳаракати шаклида узатилади. Бу тажриба идеал образда акс эттирилади. Идеал образлар тил белгиларида намоён бўлади. Шуни ҳам айтиш керакки, предмет ҳаракатига таяниш лозим, бироқ бу доимий бўлмаслиги зурур. Бола доим катталар билан мулоқотда ва уларнинг таъсирида бўлганлиги сабабли ўз имкониятини четлаб ўтиб айрим билимларни улардан ўзлаштиради.

Бола нутқининг шаклланишида маънонинг юзага келиши мазмуннинг предмет фаолиятида тутган ўрнига боғлиқдир. Белги ифодалаган мазмунда эса бола эгаллаётган ижтимоий тажриба мустаҳкамланади. Бу мустаҳкамланиш ижтимоий кодлаштирилган шаклда кечади. Айнан мана шу жараёнда бири иккинчисига мос келган денотат англанади. Бу денотат актуал онг предметидан субъектнинг актуал онги қай томонга йўналишини белгилайди. Тилни функционал система сифатида ўзлаштириш, нутқ онтогенезининг дастлабки босқичида қандайдир спирал тарзда кечади ва унинг ҳар бир янги ўрамида юқори саналган мураккаб босқич ўз ифодасини топади. Демак, юқоридагилардан ҳам кўринадики, болаларда нутқнинг ривожланиши бевосита унинг психик ривожланиши билан узвий боғланади ҳамда ўзига хос алоҳида бир кўриниш касб этади.

Бола нутқининг шаклланиши миянинг органик ривожланиши, шунингдек, болани қуршаб турган катталарнинг унга бўлган эътибори билан ҳам боғланади. Мактабгача ёшда миянинг ривожланиши жадал ҳолатда юз беради. Янги туғилган чақалоқнинг мияси катталар миясининг 1/4 қисмини, яъни 250 г.ни ташкил этади. 7-ойга бориб, бола мияси икки баробар, 2-3 ёшга борганда эса, уч баробар оғирлашади. Айнан мана шу вақтда миянинг ички



нозик ва мураккаб конструкцияси шакллана бошлайди. Бироқ бу бола психик ривожланиши учун миянинг органик ривожланиши муҳим ходиса дегани эмас.

Н.М.Шчелеванов кўп йиллик тадқиқотлари натижасида шундай хулосага келади: “Мия функцияси мураккаблашувининг, яъни олий асаб системаси фаолиятининг юзага келиши учун миянинг фақат анатомик тайёрланиши кифоя эмас. Мия яримшар пўстлоғининг мураккаб функциялари индивидуал ҳаёт давомида организмни ўраб турган атроф–муҳит, шунингдек, мураккаб ходисалар таъсири ва акс таъсири натижасида юзага келади”[1]. Агар бундай акс таъсир кўринмаса ёки улар камлик қилса, унда гарчи ўз анатомик конструкциясига кўра вазифа бажаришга тайёр бўлган мия пўстлоғининг инсон учун муҳим бўлган барча аъзолари муносабатини ташкилловчи мия яримшарлари фаолиятининг амалга ошиши кечикади. Шу сабабли бола дунёга келган биринчи ойдан бошлаб, пайдо бўлиши мумкин бўлган тўхталишнинг олдини олиш учун, тарбияни ўз вақтида олиб бориш лозим.

Бола тарбияси - унинг психологик ривожанишида, хусусан, нутқнинг ривожланишида асосий фактор саналади. Бироқ, бола ҳаётининг дастлабки биринчи ойидаги тарбия фақат уни парвариш қилиш билангина чегараланиши мумкин эмас. Унда қараш, эшитиш қобилиятини тарбиялаш, шунингдек, боланинг эмоционал доираси – жилмайиш, кулиш ва овоз тонини уйғотиш лозим. Булар ҳаммаси биргаликда нутқнинг ривожланишида жуда муҳим шартлардан саналади.

Болалар нутқининг психологик талқини бўйича кўплаб ишлар қилинган. Айнан руҳшунослар болалар нутқини биринчи бўлиб изчил илмий тадқиқот ўтказиш мақсадида ўргана бошладилар. 40-йилларда О.Моурер кўплаб руҳшунослар ва тилшунослар ҳозир ҳам энг ишончли деб санаётган ўзининг фонологик ривожланиш ҳақидаги назариясини ишлаб чиқди[2].

[1] Щелеванов Н.М., Аксарина Н.М. О воспитании в долях младенцев// Вопросы Материнства и младенчества. - М.,1955.- №3. -С.30.
[2] Mowrer O.N. Speech development in the young child; the autism theory of speech development and some clinical applications. In: Journd of speech and hearing disorders, 1952. –C.17. 263.

Пиаже узоқ вақт мобайнида бола эгаллаган сенсомотор ва когнификатив босқичда биринчи вербал ҳаракатларнинг барча воситалари нутқнинг пайдо бўлишини тайёрлайди ва осонлаштиради, деган фикрни илгари сурди. Бу билан вербал ривожланиш ажралган жараён эмаслиги, у боланинг умумий ривожланиш аспектларидан бири эканлиги аниқланди. Ривожланишнинг ҳар бир босқичи олдинга қараб ҳаракат қилади, бу нутққа яхши таъсир этади ва бусиз унинг шаклланишини тасаввур этиб бўлмайди. Дастлабки ўйин операцияларида (бола, масалан, тошни кичик машина сифатида ўйнай бошлайди) символик чақириқ сифатидаги қийқириқни эгаллаш натижасида ҳосил бўлувчи символик функцияларнинг юзага келиши шундай ҳолатда юз беради. Бу нутқни эгаллашда асосий шартлардан саналади ва символик функциянинг янада аниқроқ ривожланишига олиб келади.

Предметларни асраш ва атрофдаги жисмларни алмаштириш, яъни бола томонидан конкрет вазиятларнинг эгалланиши, кейинчалик эса мавҳум операцияларни ўзлаштирилиши бола томонидан вербал структуралар, грамматик иқтисод ва бу тушунчаларни семантик қўллашга асосланадиган семантизмни тақозо этади. Бунга мисол сифатида тенгдошлар орасидаги, шунингдек, бир жойдаги муносабат ва бир вақтдаги ифодалар қиёсини келтириш мумкин. Боланинг мустақил нутқи унинг иккинчи ёшидан юзага келади. Яхши шароитларда тарбияланган болалар, одатда бир ярим ёшидан гапира бошлайдилар. Бироқ, бу ҳолат кам кузатилади. Агар бу ходиса иккинчи ёшнинг иккинчи ярим йилида кўринса, бола нутқининг ривожланиши индивидуал кўринишга эга эканлиги туфайли ташвишланишга асос бўла олмайди. Чунки, ҳатто, бир оилада тарбияланган болаларнинг нутқи ҳам турли ёш даврларида шаклланиши мумкин. Масалан, таниқли руҳшунос Штерн ўғлининг нутқи биринчи босқичларида икки опасининг нутқига нисбатан кечикканлигини белгилаган[1]. Демак, шундай ҳоллар ҳам учрайдики, бола нутқни яхши тушунгани билан, мустақил нутқи кечикади. Агар бундай

[1] Stern W. Und K. Kindersprache, 4-te Aufl. -Leipzig, 1928.



кечикиш бола ҳаётининг икки ярим - уч ёшигача давом этса, бола инжиқ бўла бошлайди, ўз хоҳиш ва истакларини еткиза олмаётганлиги, катталар уни тушуна олмаётганлиги сабабли тез-тез қичқиради. Психологияда бундай кечикишларни изоҳлашга уринишлар ҳам бўлган. Штерннинг фикрича, ўғил болаларда нутқ 1-босқичда ривожланишига кўра, қиз болаларнинг нутқига нисбатан бир оз кечикади, лекин кейинчалик ўғил болалар бу кечикишнинг ўрнини нафақат тўлдиради, балки уларнинг нутқи қиз болаларнинг нутқидан ҳам анча олдинга ўтиб кетади.

Болалар нутқини тадқиқ этувчилар болада нутқнинг шаклланишида турли босқичларни белгилайдилар ва уларни турлича номлаб, турли ёш чегараларини кўрсатадилар. Масалан, А.Н.Гвоздев болаларда нутқнинг ривожланиш силсиласини, турли нутқ бўлаклари, сўз бирикмалари, гапнинг турли кўринишлари ифодаланишига таяниб, бир қанча босқичларга ажратади[1].

Г.Л.Розенгарт-Пупко дастлабки кичик ёшдаги болалар нутқининг ривожланишини 2 даврга ажратади:

1. Тайёрланув;

2. Мустақил нутқнинг шаклланиши.

Биринчи давр бола дунёга келган биринчи ойдан бошлаб, бир ярим икки ёшига қадар шакллана бошлаган мустақил нутқигача давом этади. Тайёрланув даврини бир қатор босқичларга бўлишимиз мумкин: Биринчи босқич – эмоционал мулоқот – бола ҳаётининг биринчи ярим йиллигида юзага келади.

Эмоционал босқич асосида болада уни ўраб турган нарсаларга нисбатан қизиқиш уйғонади. Иккинчи босқич – ҳаракат, мимика ва ишораларни, сўнг иккинчи ярим йиллик ёшига бориб катталар нутқини тушуниш даври. Бу давр тайёрланув даврининг асосий босқичи саналади. Бундай мулоқот ёрдамида катталар боланинг барча ҳаракатини ташкиллайдилар.

Биз болаларда нутқнинг ривожланишида 3 босқични ажратамиз:

1. Тайёрланув (1ёшдан);

[1] Гвоздев А.Н. Вопросы изучения даетской речи.-М., 1961.-С.56

2.Мактабгача бўлган дастлабки тилни эгаллаш босқичи (3 ёшгача);

3. Мактабгача бўлган давр (7 ёшгача).

Маълумки, бола туғилган кундан бошлаб унда овозга акс таъсир – қийқириқ, йиғлаш пайдо бўла бошлайди. Албатта, ҳали булар инсон нутқидаги товушлардан йироқ. Бироқ, қийқириқ, йиғи нозик ва турли ҳаракатдаги уч бўлимдаги нутқ (нафас, овоз, артикуляция) аппаратларининг ривожланишига асос бўлади.

Икки ҳафтадан сўнг, болада катталар овозидан таъсирланишни кузатиш мумкин: унга мурожаат қилинса, йиғлашдан тўхтайди, қулоқ солади. 2-ойга борганда унда қийқириқ пайдо бўлади ва 3-ойнинг бошларида у ғудрай бошлайди. Ғудраниш бу аниқ артикурлярланмаган товуш бирикмасидир. 5 ойдан бола атрофдагиларнинг лабларидаги ҳаракатларни кўради, товушларни эшитади ва унга тақлид қила бошлайди. 6 ойдан бошлаб эса, бола тақлид йўли орқали алоҳида бўғинларни талаффуз эта бошлайди. Тақлид давомида бола талаффуз этилаётган нутқнинг барча элементларини, фақат фонемаларни эмас, балки тон, темп, ритм, мусиқийлик ва интонацияни ҳам ўзлаштира бошлайди.

Иккинчи ёшда гўдак белгиланган операцияларни, алоҳида товуш бирикмаларини эгаллайди ва уларни предмет ёки ҳаракатлар билан боғлай бошлайди (*чиқ-чиқ, бей-бей, бам* каби). Бироқ бу вақтда у ҳали барча ҳаракатлар комплексидан вазият, интонация ва сўзда таъсирланмайди. Буларнинг барчаси вақтинча боғланишни ифодалашда (сўзларни эслаб қолишда ва уларга бўлган таъсирланишда) ёрдам беради.

Бола 7-9 ойларда катталар билан бирга турли товуш бирикмаларини кетма-кет талаффуз эта бошлайди. 10-11 ойларда болада сўзнинг ўзига (энди ситуация ва сўзловчининг оҳангига боғлиқ бўлмаган) таъсирланишни кўриш мумкин. Биринчи ёшнинг сўнггига бориб, бола нутқида дастлабки сўзлар пайдо бўла бошлайди.



2 – босқич. Бола нутқида актив нутқ даражасига омил бўлувчи дастлабки сўзларнинг пайдо бўлиш босқичи.

Бола нутқида бу сўзлар умумлаштирувчи маъно характерига эга бўлади. Бола ривожланишининг иккинчи ва учинчи ёшлари бола нутқида анчагина сўз захирасининг тўпланиши билан характерланади. Шуни белгилаш лозимки, бир қанча чет эл ва бизнинг руҳшуносларимиз бола нутқий захирасининг ўсиши ҳақида турлича маълумотлар берадилар. Буларнинг ичида болаларда мактабгача бўлган ёшдаги босқичда сўз захирасининг энг юқори ривожланиши бўйича кенг тарқалган сонларни келтирамиз: 1 ёшу 6 ойда 10 – 15 сўз; иккинчи ёшнинг сўнгига бориб 300 (6 ой мобайнида 300 та сўз!); учинчи ёшга борганда тахминан 1000 та сўзни (яъни 1 йил мобайнида 700 та сўзни) эгаллаши белгиланади[1].

3 – босқич (3 ёшдан 7 ёшгача) мактабгача ёш босқичи.

Мактабгача ёшдаги болаларнинг кўпчилигида ҳали ҳам товушларни нотўғри талаффуз этилишининг гувоҳи бўламиз. Уларда айрим ҳолларда шовқинли, титроқ, сонор ундош (р)ини талаффуз этишида нуқсонлар кўзга ташланади. Бу босқичда боланинг сўз захираси жуда тез ўсади. Бу, айниқса, бола актив луғатининг тўртинчи ва олтинчи ёшга борганда 3000 – 4000 сўздан ташкил топишида кўринади ва, натижада, сўз маънолари янада ойдинлаша боради. Бироқ улар ҳали ҳам сўзларнинг маъноларини тўлиқ тушунмайди ва кўп сўзларни анологик тарзда қўллайдилар. Бу даврда бола луғат бойлигининг ўсиши билан ҳамоҳанг нутқнинг грамматик қурилиши ҳам такомилллаша боради. Мактабгача ёшдаги болалар энди боғланишли нутқни ҳам эгаллай бошлайдилар. Уч ёшдан сўнг бола нутқининг такомиллашиши гап таркибининг мураккаблашувига олиб келади. А.Н.Гвоздевнинг белгилашига кўра, уч ёшдан болада барча асосий грамматик категориялар шаклланиб бўлади[2].

[1] Бу ҳақда қаранг: Лапшин В.,Пузанов Б. Основы дефектологии. -М.,1980.-С.66.
[2] Гвоздев А.Н. Вопросы изучения детской речи. - М., 1961.-С.354.

Бизнинг Фарғона шаҳридаги 9-11 сон болалар боғчаларида ва ўз фарзандларимиз устидан ўтказган тажрибаларимиз ҳам буни тасдиқлади.

Тўрт ёшдаги болалар ўз нутқида содда ва мураккаб гапларни қўллай бошлайдилар. Бу ёшда анча кенг тарқалган ифодалар гапларнинг содда қўлланилишидир (Масалан, *"Мен қўғирчоқни шунақа чиройли кўйлакка кийгиздим"*; *"Мен катта, кучли бола бўламан"* каби).

Беш ёшда болалар энди мураккаб бирикмали гаплардан эркин фойдалана бошлайдилар ("*Кейин, биз уйга борган вақтда, бизга совғалар беришди: ҳар хил қантлар, олмалар, апельсинлар*" каби). Мана шу босқичдан бошлаб болаларнинг ифодалари кичик ҳикояни эслата бошлайди. Суҳбат давомида уларнинг сўроқларга жавоблари борган сари катта ҳажмли гапларни қамрайди. Бу ёшда болалар энди қўшимча саволларсиз ҳикоялар тузадилар, 40-50 гапдан тузилган эртакларни ҳикоя қила бошлайдилар. Бу уларнинг нутқнинг турли кўринишлари, жумладан, монологик нутқни ҳам эгаллаганлиги ҳақида гувоҳлик беради.

Бу босқичда болаларнинг фонематик қобилияти ҳам анча яхшиланади: бола дастлаб унли ва ундош товушларни дифференциациялай бошлайди, кейинчалик жарангли-жарангсиз ундошларни ва, ниҳоят, сонор, қоришиқ товушларни фарқлай бошлайди. Меъёрга кўра, болалар тўрт ёшида барча товушларни дифференциациялаши зарур, бунинг учун унда, албатта, фонематик қобилият бўлиши шарт.

Айни мана шу вақтда унда тўғри талаффузнинг шаклланиши ўз ниҳоясига етади ва бола энди аниқ гапира бошлайди. Мактабгача ёшда боланинг матн кўринишидаги нутқи ҳам аста-секин ривожланиб боради.

4-босқич – мактаб ёши босқичи. Бола нутқининг ривожланишида бу босқичнинг ўзига хослиги шундаки, бу босқичда тилни ўзлаштириш онгли равишда амалга ошади. Бу даврда болалар товушлар таҳлили, грамматик қоидаларни қуришни ўрганадилар. Бунда асосий рол нутқнинг янги кўриниши



– ёзма нутқ билан боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, мактаб ёшида болада мақсадга йўналтирилган нутқнинг қурилишига томон ҳаракат бошланади.

Мактабгача тарбия ёшидаги, аниқроғи, кичик ёшдаги бола мустақил нутқи шаклланишининг асосий тайёрлов элементлари тақлид қилиш ва ғудраниш саналади. Улар томонидан талаффуз этилган товушлар иккинчи ярим йилликка бориб ривожланиб, иккинчи ёшига етганда ўзига хос товуш ва сўз ўйини даражасида ривожланган ғудрашга айланади. Биринчи йилнинг сўнгги чорагида болада катталар нутқидаги товуш ва сўзларни тақлид қилишни ривожлантириш мумкин. Тақлид айниқса, иккинчи ёшга бориб интенсив ривожланади.

Биринчи ёшнинг охирига бориб ва айниқса, иккинчи ёшда болада ҳали мустақил нутқни ифодаламайдиган ва қатъий маънога эга бўлмаган биринчи англанган сўзлар пайдо бўлади. Бу – болалар нутқининг шаклланишидаги тайёрлов даврининг 3-босқичи саналади.

Бола нутқининг ривожланишида тайёрлов босқичи жуда муҳим рол ўйнайди. Болаларга бўлган педагогик эътиборсизликнинг мана шу этапда кўриниши улардаги нутқнинг ривожланишига салбий таъсир этиши мумкин.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, бола қўллайдиган дастлабки сўзлар иккита муҳим хусусиятга эгадир: биринчи хусусияти, улар катталар нутқидаги сўзлардан фонетик жиҳатдан кескин фарқланиши бўлса; иккинчи хусусияти ўзининг қамровига кўра кўп-маъноли эканлигидир.

## 2. БОЛАЛАР НУТҚИНИНГ ТИЛШУНОСЛИК ТАРИХИДА ЎРГАНИЛИШИ ВА НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАР

XX асрга келиб, замонавий болалар психологиясидаги патологик ходисалар ва она тилини ўрганиш мақсадида болалар нутқини жадал тадқиқ этиш кескин тус олди. Хусусан, болалар нутқининг лингвистик талқини болалар нутқини нутқий фаолият, яъни нутқий коммуникация учун тааллуқли восита сифатида кўрувчи психолингвистикада ўрганила бошланди. Лекин

болалар нутқининг лингвистик талқини руҳшуносларнинг бу соҳадаги қарашларидан анча ҳоли равишда ривожланди. Болалар нутқини дастлаб системали тарзда ўрганиш XIX асрларнинг ўрталари 20-30 йиллардан бошланган. Рус тилшунослигида болалар нутқининг фонетикасини талқин этиш 1913 йили Б.Китерманнинг “Болалар нутқида бўғин элизиясини ўрганиш тажрибаси” номли мақоласида кўринди. Бу мақолада Китерман болалар тилининг фактлари тил структурасининг маълум муаммоларини очишда асос бўлишини таъкидлайди. У болалар томонидан мураккаб сўзларда бўғинларнинг туширилиш ҳолатини тилдаги бўғинларнинг динамик кучини тавсифлашда материал сифатида қўллаш мумкинлигини қайд этади.

“Бўғинларни ўзлаштириш жараёнида ёки, бошқача айтганда, бўғинларни қабул қилиш ва ифодалашда, бир томондан, бўғинларнинг ҳам кучсиз қабул қилиниши ва туширилишида ҳам – бошқа томондан, асосий ролни бўғин динамикаси ўйнаши лозим. Бунда динамикли, кучлироқ бўлган бўғин тез қабул қилинади ва қатъий равишда аниқланади, динамикли қисман кучли бўлган бўғин эса кучсиз қабул қилинишини A. priori аниқлаш мумкин. Ва бунда икки бўғин қиёсий динамик кучининг англанишида ва элизия фактидан хулоса чиқариш мумкин эмасми, деган савол туғилади. Биз элизия ходисаларининг асосида, албатта, шундай хулоса чиқариш мумкин дея оламиз”[1].

Ҳақиқатан ҳам кўплаб фактлар шуни таъкидлайдики, бўғинларнинг туширилиши уларнинг динамик кучи билан аниқланади. Масалан, иккинчи урғу олди бўғиннинг, биринчи урғу олди бўғинга нисбатан тез-тез туширилиши, урғули бўғиннинг доимий сақланиши шу ҳақида гувоҳлик беради. Шунинг учун биз бу масаланинг шу тарзда қўйилиши тарафдоримиз. Шу жумладан, тилнинг бўғин структураси ҳақидаги таълимотни ривожлантиришда, Б.Китерманнинг бир қатор хулосалари хизмат қилади. Лекин у томонидан болалар нутқи бўйича келтирилган материал тўлиқ хулосалар чиқариш учун етарли эмас, буни унинг ўзи ҳам таъкидлайди.

[1] Китерман Б. Опыт изучения в детской речи слоговой элизии // Русский филол. вестник, 1913.-№1.-С.75.



Системада кўриб чиқилаётган кўплаб назарий тушунчалар билан бойиган лингвистик тафаккур XX асрнинг 40-50 йиллари структурал йўналиш вакилларида болалар нутқининг ривожланиши назариясини яратиш имкониятини туғдирди. Айнан ўз шахсий методологияси билан юзага келган фан – фонологияда Роман Якобсон биринчи структуралистик назарияга асосланган ҳамда энг яхлит гипотеза билан чиқди[1]. Якобсон фикрига қўшилган ҳолда шуни айтамизки, болалар нутқида дастлабки фонологик янгиликлар болалар нутқида талаффуз этилган товушларга аниқлик кирита олиш имконияти туғилган 10-12 ойлардан бошланади. Якобсон учун тил шаклланишига қадар юз берадиган феноменлар – қийқириқ ва ғудраниш фонологик системанинг кейинги ривожланишига ҳеч қандай таъсир этмайди. Шунингдек, болаларда фонологик системани эгаллаш тартиби жуда аҳамиятлидир. Бундаги умумий ўхшашликни турли миллат тадқиқотчилари ҳам аллақачон таъкидлашган. Р.Якобсон назариясига кўра, боланинг фонологик ривожланиши дастлабки нутқий патологиянинг акс таъсири сифатида намоён бўлади. Бунда бола нутқининг дастлабки босқичларида кўринувчи ва биринчи бўлиб йўқолувчи товушлар – сўнгги пайдо бўлувчи товушлар саналади. Демак, катталарнинг тилга бўлган талабларидан йироқ бўлган боланинг сесомотор ривожланиш босқичларида болалар нутқи ўзининг алоҳида фонетикасига эга бўлади. Бу бошланғич фонетика бола томонидан аста-секин уларни ўраб турган катталар тилининг моделига мос келадиган асосий фонологик системанинг қурилиши учун асос бўлади.

Барча структуралистлар ҳам Якобсон таълимотини давом эттирмадилар. Жумладан, Б.Москович боланинг тобора қатъий бўлиб борадиган нутқни изчиллик билан эгаллашини принципга асосланган ходиса деб белгилайди. Тадқиқотчининг фикрига кўра, бу жараён ҳар қандай болада мунтазам равишда вербал ривожланишдан ажралмайдиган қийқириқ даври босқичидан

[1] Бу ҳақда қаранг. Якобсон Р. Избранные работы.-М., 1985.-С.123.

бошланади[1]. Лекин айнан мана шу масалада Б.Москович назарияси Роман Якобсон назариясига томомила зид. Б.Москович фикрича, мелодик чизиқ бола томонидан биринчи бўлиб эгалланади ва ифоданинг қатъий чегарасига олиб келади. Бу дастлабки кашфиёт болада баён қилиш (ифодалаш) сегментларини ва билишга интилиш имконини яратади. Дастлабки **унли-ундош** ёки **ундош-унли-ундош** типидаги бўғиндан бола шахсий конститутив элементлар: **унли** ва **ундош** товушларни талаффуз этиш даражасига келади. Кўринадики, Р.Якобсон ва Б. Москович структурал – генератив йўналиш вакилларидир.

Д.Ольмстед ўз ишларида бихевиоризм ғояларини кенгайтирилганлиги билан улардан фарқ қилади[2]; Стемп ўзига қадар қилинган барча ишлардан воз кечиб, нутқнинг ривожланиши ҳақидаги ўз талқинини фақат юзага келаётган грамматика назарияларига асослайди[3]; Уотерсон эса, Фёрсов томонидан ишлаб чиқилган назарий йўналишга мос келмайдиган ўзининг қарашларини ишлаб чиқади[4]. Шу тариқа фонологик система ва унинг вариантларини эгаллашнинг тўрт қонуни белгиланади. Бу назарияларда илгари сурилган ғоялар бир-биридан кескин фарқланади.

Булардан икки назария “универсалия” мавжудлигини тахмин этадиган ва тилни эгаллашга масъул қандайдир туғма механизм мавжудлигини илгари сурувчи Р.Якобсон ва Б.Москович ғоялари билан боғлиқдир, бироқ бу назариялар воқелик жараёнидаги изчилликка тегишли қарашлари билан бир-бирига зид.

Бошқа яна икки назария эса, (Ольмстед, Стемп) болада нутқнинг ривожланишини атроф-муҳит билан боғлайди ва туғма тил қобилияти мавжудлигини илгари сурувчи масалага қизиқмаслиги билан бир-бирига

[1] Moskowitch B. The acquisition of phonology these de doctorant non publ. University of California, Berkeley, 1971.
[2] Olmsted D.L. Out of the mouth of babies. –Paris, Mouton, 1971.-P.38.
[3] Stempe D. The acquisition of phonetic representation. Paper from the fifth regional meeting - Chicago. Linguistic society, 1969.-P.443-444.
[4] Waterson N. Some speech forms of an English child-phonological study. In: “Translations of the Philological stady Society, 1970.-P.24.



мувофиқлашади, бироқ улар ҳам бир-бири билан нутқ ривожлашини ўзгача талқин этиш билан оппозицияга киришади.

Ўзбек тилшунослигида болалар нутқини, унинг тил хусусиятларини ўрганиш О.Умархўжаева М.Қулиев ва М.Норбошеваларнинг ишларида кўринади холос[1]. Бироқ бу борада мактабгача ёшдаги болалар нутқи педагогик ва психологик йўналишларда кенг ўрганилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз[2].

Антик даврдан бошлаб, то яқин вақтларгача бўлган тилни ўрганишда икки мавзу – нутқнинг кишилик жамиятида юзага келиши ва бола нутқида биринчи сўзнинг пайдо бўлиши масаласи ўзаро боғлиқ ҳолда қаралган. Бу иккиламчи қизиқиш Геродотнинг тарихий ҳикоясидаги[3] шоҳ Псаммитих ҳақидаги латифа билан боғлиқликни намоён этади. Биринчидан, бу ҳикоя ортида ҳар бир боланинг индивидуал ривожланишида барча кишилик жамияти босиб ўтган айрим дақиқалардаги ривожланиши жараёни такрорланади деган тахмин ётса, иккинчидан, болада нутқнинг юзага келиши унинг ички ривожланиш қобилиятига боғлиқ, деб саналганлигини кўриш мумкин.

Тарихда бундай ходисалар, яъни болалар ўз ҳаётининг биринчи 5 йили мобайнида инсонлар билан бўлган барча ижтимоий алоқадан маҳрум бўлганлиги ва гарчи кейинчалик меъёрий ҳаётий шароитларга қайтарилганликларига қарамай, уларнинг ўз муҳити тилини мукаммал эгаллай олмаганликлари ҳақидаги ҳолатлар кўплаб учраган.

Болалар нутқи ривожланишининг асосий масалалари, албатта, миф ёки аниқ соҳага тааллуқли бўлган бу ўтмиш гувоҳлигига ҳам асосланади, масалан, қуйидагиларга жавоб излашда:

[1] Умархўжаева О. Болалар нутқи ҳақида баъзи мулоҳазалар. Самарқанд Давлат университети. – Тўплам,1982. - 60-б. Умархўжаева О. Болалар нутқига хос баъзи грамматик ҳодисалар // Ўзбек тили ва адабиёти,1996.2-сон. Қулиев М., Норбошева М. Мактабгача ёшдаги болаларда нутқ маданиятининг ривожланиши. – Самарқанд Давлат университети. –Тўплам, 1990. –105-б.
[2] Жўраев С. Қодиров F. Кичкинтой нутқини ўстириш (мактабгача тарбия муассасалари тарбиячилари ва ота-оналар учун қўлланма).-Т.: Ўқитувчи, 1995. Тўрахонова Р. Олти ёшли болаларнинг психологик хусусиятлари .-Т.: Ўқитувчи, 1990. Ғозиев Э. Ёш даврлари психологияси.-Т.: Ўқитувчи, 1994.- 74-б. Ғуломов А., Қобилова Б. Нутқ ўстириш машғулотлари.-Т.: Ўқитувчи, 1995. Шодиева Қ.С. Мактабгача ёшдаги болаларни тўғри талаффузга ўргатиш.-Т.: Ўқитувчи, 1995.
[3] Бу ҳақда қаранг: Хомский Н. Язык и мышление. М., 1972.

1. Онтогенез қай даражада филогенезни такрорлайди?

2. Нутқни туғма - ирсий ходиса, унинг ривожланишини эса, генотопик феноменлар ҳаракатига асосланади, дейиш мумкинми?

3. Балки, бунинг акси, нутқни фенотопик жараёнга боғлиқ жамият таъсири натижаси, яъни ижтимоий ходиса сифатида қараш лозимдир?

Гарчи болалар нутқи бўйича ўтказилган кузатувлар белгиланмаган вақтларда олиб борилган бўлса-да, шуни қайд этиш лозимки, болалар нутқига катталар нутқидан фарқланувчи ходиса мақоми берилган вақтдан бошлаб конструктив тадқиқотлар олиб бориш имконияти яратилди. Натижада, 1787 йили немис олими Д.Тидеманн ўз ўғли нутқининг ривожланиши ҳақидаги қисқача маълумотини нашр қилди[1]. Шундан бошлаб, яъни **XVIII** асрнинг охиридан болалар нутқини системали тарзда ўрганиш йўлга қўйилди. Бу ишда қабул этиш ҳаракати ва уларнинг болалар нутқида ифодаланиши ибтидоий халқлардаги тафаккурнинг ривожланиш даражаси билан қиёсланади. Д.Тидеманн ишларида Ж.Пиаже фикрларини қўлловчи, яъни онтогенез филогенезни такрорлайди, бироқ улар тажриба ва тил билан узвий боғланади деган ғоя ётади[2].

Болалар нутқини систематик кузатиш кўплаб олимларнинг диққатини ўзига тортди. Болаларнинг мураккаб грамматик структуралар ва тил қонуниятларини тушунишлари, уларни тўғри қўллай олишлари нимага боғлиқ? Бунда механизмлар қандай рол ўйнайди? Тилни эгаллашда боланинг ҳаракати фаолми? У қоида ва қонуниятларни ахтарадими; сўз маъноси ва грамматикага тааллуқли қонуниятларни қурадими ва такрорлайдими? Шу ва шу каби саволларга ҳозир ҳам аниқ бир жавоб топилгани йўқ. Бироқ бу хусусда бир қанча қизиқарли назариялар ишлаб чиқилган. Жумладан, **ўргатиш назарияси.**

[1] Бу ҳақда қаранг: Лурия А.Р. .Мышление и речь. –М.: МГУ, 1970. –С.93.
[2] Ўша асар: 68-87-б.



XX асрнинг 1-ярмида америкалик руҳшунослар ўргатиш назариясини илгари сурадилар[1]. Бу назария тарафдорлари ҳаракат шаклларининг катта қисмини ўргатиш ва ўрганишни бошқарувчи асосий механизми моделлаштириш ва мустаҳкамлаш деб санайдилар. Шу сабабли ўргатиш назарияси тарафдорлари тил ривожланиши масалаларида нутқни тушуниш жараёнларининг таҳлилидан кўра кўпроқ нутқ маҳсулига эътибор қаратадилар. Масалан, ўргатиш назариясига мувофиқ гўдаклар катталар ва атрофдагиларнинг мақтови натижасида сўзни эслатувчи товушларни талаффуз эта бошлайдилар. Болалар келгусида гапни тўғри ифодалашлари учун анологик жиҳатдан грамматик тўғри гапиришга ўрганиб борадилар. Шу сабабли ушбу назария тарафдорлари болалар нутқи уни ўраб турган катталар томонидан мустаҳкамланувчи ва шаклланувчи хатти-ҳаракат шаклини ташкил этганлиги сабабли катталар нутқига хос хусусиятларни тез орада намоён этади, деган фикрни илгари суради.

**Ўргатиш назариясининг** тарафдорлари болалар томонидан тилни ўзлаштиришда кузатиш, моделлаштириш ва тақлиднинг ролини алоҳида белгилайдилар. Дарҳақиқат, болалар ота-оналаридан эшитганларига тақлид қиладилар ва тил репертуарларига янги сўз ва сўз бирикмаларини қўшадилар. Улар сўз ва грамматик структураларни моделлаштиришсиз ўзлаштира олмайдилар, шу сабабли она тили ҳақида ахборот олиб, масалан, АҚШдаги болалар инглиз тилини, Хитойдагилар хитой тилини, Ўзбекистондаги болалар эса ўзбек тилини ўзлаштирадилар ва ҳоказо.

Ўзаро мувофиқ шакллар ёрдамида болаларни мураккаб грамматик шаклларни қўллашга ўргатиш мумкин. Тажрибавий тадқиқотларда кичик ёшдаги болаларни нутқнинг муайян аспектига: **феъл**нинг турли замон шаклларини, равишлар ва боғловчиларни ўзида ифодалаган мураккаб нутқий қурилмаларни ишлаб чиқишга ўргатадилар. Нутқий моделни тинглаб, болалар уни талаффуз этадилар, бироқ қатъий ўхшашликни сақламайдилар, балки улар

[1] Бу ҳақда қаранг: Лурия А.Р. .Мышление и речь. –М.: МГУ, 1970. –С.68-87.

моделларни кузатиш ёрдамида ўзлаштирганларини умумлаштирадилар ва улар асосида ўзларининг шахсий тил қурилмаларини яратадилар.

Генетик психолингвистиканинг намоёндалари ўргатиш назариясига қарши чиқиб, бу назария боладаги тил билими ва янгиликларни кашф этишда имконият берувчи асосий қобилиятларни очиб беролмайди ва ифодаламайди деб кўрсатадилар.

Ушбу назария тарафдорларининг камчилиги шундан иборатки, улар болаларнинг гапда сўзнинг тартиби ҳамда сўзларни изчиллик билан тўғри бириктириш хусусиятларини онгли тушуниш даражасига қандай етиб келишини эътибордан четда қолдирадилар. Шунингдек, улар яна катталарнинг ҳамма вақт боланинг грамматик тўғри ифодаларни қўллаб-қувватлаши ҳақида жиддий фикр юритадилар Улар кўпроқ болаларнинг грамматик тўғри ифодалари билан қизиқадилар. Тадқиқотларнинг бирида қуйидаги мисол келтирилади. Қизча: *"У силади мени сочим"*, дейди ва онаси ҳақиқатан унинг бошини силаб, мақтаганлигига ишора қилади. Бошқа қизни эса, *"Қандай чиройли аскар!"*, дея аскарга эмас, балки унинг кийимига ишора қилиб, грамматик ҳамда семантик тартибсиз гап тузганлиги сабабли танқид қиладилар[1].

Бу назария намоёндалари яна тилни ўзлаштириш кузатиш ва тақлидга боғланади, деган қатъий фикрни ҳам илгари сурадилар. **Баъзи** ўринларда болалар нутқидаги икки сўзли гапларнинг ифодаланиши ўзида сўзларнинг шундай жуда камёб бирикишини намоён этадики, буни ҳатто катталар нутқида учратиш қийин. Болаларни уй шароитида кузатиш шуни кўрсатадики, айрим болалар тез-тез катталарнинг нутқига тақлид қилади; баъзиларида тилни эгаллаш даражаси тақлид даражаси билан мутаносиб бўлмайди. Болалар кўпроқ тил шаклларининг яқинлиги ва осон ўзлаштирилишига эмас, балки бу шаклларнинг, сўзларнинг улар учун танишлигига кўра тақлид қиладилар. Айрим болалар эса, улар томонидан грамматик қурилмаларнинг

[1] Бу ҳақда қаранг: Лурия А.Р. Мышление и речь.-М.: МГУ, 1970.-С.54.



ўзлаштирилишида айнан янги сўзларга тақлид қиладилар. Хулоса қилиб айтганда, кузатиш ва ўзгалар нутқига тақлид нутқий маҳсулот учун жуда муҳим, бироқ одатий тақлид тилни ўзлаштиришда асосий восита бўла олмайди.

Тилни ўзлаштириш ҳақидаги яна бир назария **нативистик назария** бўлиб, нативистларнинг фикрича, тилни ўзлаштиришда туғма, биологик хусусиятлар асосий рол ўйнайди. Бу назариянинг асосий намоёндаларидан бири Н.Хомский, инсон мияси туғилгандан бошлаб тилни ўзлаштириш учун мослашган механизмга эга, деган фикрни илгари суради[1]. Ушбу назария тарафдорлари болалар қайси тилни ўзлаштиришига қарамай, улар бир хил босқичдан; масалан, қийқирик, биринчи ёшида бир сўзли, иккинчи ёшида икки сўзли бирикмаларни, тўрт-беш ёшларида она тилининг кўплаб грамматик қоидаларини эгаллаш босқичларидан ўтадилар. Кичик ёшдаги болалар нутқидаги биринчи сўзлар ва гаплар барча тилларда семантик боғлиқликнинг асосий тўпламини ифодалайди.

Айрим нативистлар инсон миясининг дастлабки босқичда ривожланиши билан боғлиқ равишда тилни эгаллаш бир ярим ёшдан балоғат ёшигача бўлган даврни ўз ичига олади, деб ҳисоблайдилар. Бу босқичнинг ривожланишида тилни ўзлаштириш қийинчиликларсиз кечади, бироқ ундан ташқарида тилни ўзлаштириш ва эгаллаш қийин. Бу нуқтаи назар шу билан белгиланадики, катта ёшдаги эмигрантлар янги тилни қийинчилик билан эгаллайдилар ва унда қонуний равишда акцент билан гаплашадилар. Айни вақтда уларнинг болалари янги тилни жуда тез ўрганадилар, хатога кам йўл қўядилар ва акцентсиз гаплашадилар. Бу фаразни амалий жиҳатдан текшириб кўриш учун балоғат ёшига қадар ҳеч бир тилни ўзлаштирмаган инсон бу босқичдан кейин тилни эгаллаш қобилиятига эга ёки йўқлигини аниқлаш лозим. Хусусан, 1970 йили Лос Анжелсда тўлиқ ёлғизлик шароитида яшаган ва мутлақо тилни

[1] Бу ҳақда қаранг: Хомский Н. Язык и мышление. –М., 1985. –С.65.

билмаган бир қиз топилади[1]. Бу қиз, яъни Жиннига кўпчиликнинг эътибори қаратилганда у 13 ёшда эди. Қизчани жуда ёмон боқишганлиги сабабли у атиги 24 кг оғирликка эга эди. Унинг ҳаёти умуман нохуш воқеаларга тўла эди. Отаси қизчани узоқ муддат юришга ўрганмаганлиги сабабли руҳий етук эмас, деб ҳисобларди. Аслида эса, бу унинг белидаги деформация билан боғлиқ эди. Қизча бир ёшу саккиз ойлик бўлгач, отаси уни кичик хонага қамаб, ҳамма вақт курисга боғлаб қўяди. Бола бу хонада уни бошқалар топгунларига қадар товушларни эшитмайди. Қиз озод этилгандан сўнг, уни болалар уйига юборадилар ва у меъёрий нутқни эшита бошлайди; дастлаб уни тилга махсус ўргатадилар. Қисқа вақт мобайнида у сўзларни такрорлашни, атрофдагиларнинг исмларини ўрганади. У дастлаб монотон, шивирлаш билан, бироқ кейинчалик баланд овоз ва турли интонациялар билан гапира бошлайди. Жиннининг тилни эгаллаши гарчи баъзи йўналишларда тез натижа кўрсатса ҳам, худди кичик ёшдаги болаларнинг нутқидагидек кечади. Тахминан 5 ойда у дастлаб алоҳида сўзларни спонтан талаффуз этишни, 3 ойдан сўнг эса, икки сўзли ифодаларни ўзлаштиради. Унинг биринчи икки сўзли бирикмалари кичик ёшдаги болалардагидек боғланишни ифодалайди. Қизалоқ тасаввурининг ривожланиши тилни ўзлаштиришга нисбатан тезроқ кечади. Жинни бошидан алоҳида объектни ифодаловчи умумлашган сўзларни талаффуз эта бошлайди. У барча болалар нутқида кеч пайдо бўладиган рангларнинг номланишини ва фарқланишини уларга нисбатан эрта эгаллайди. Бироқ унинг нутқида тилнинг айрим йўналишларини эгаллаш секинлик билан кечади. Қизча тилни ўрганишни бошлагандан 5 йил кейин унинг нутқи "ихчам" нутқ кўринишига эга бўла бошлайди. У шу вақтга қадар инкор шаклидаги ёрдамчи феълларни қўллай олмайди, ўтган замон шаклларини қийинчилик билан ифодалайди: нутқ жараёнида ўзи мустақил саволлар бера олмайди. Бундан кўринадики, қизча дастлабки босқичдан (балоғат ёшига етгандан) сўнг тилнинг асосий қаторларини эгаллаш

[1] Бу ҳақда қаранг: Хомский Н. Язык и мышление. –М., 1985. –С.76.



имкониятига эга бўлади. Қизча грамматиканинг айрим муҳим элеиентларини эгаллай олса-да, тилни ўзлаштиришдаги қатъийлик тўла кўринишга эга бўлмайди.

Шундай қилиб, тил ижтимоийликни касб этади. Йирик руҳшунос А.Р. Лурия таъбири билан айтганда, тил кишининг ирсий хусусияти билан боғлиқ бўлмаган табиий ходиса саналади. Демак, тилнинг мавжуд бўлиши бевосита кишилик жамиятини тақозо этади. Биз тилнинг ижтимоий-тарихий келиб чиқиши ҳақида кўп нарсани билмаймиз ва у ҳақда фақат тахмин қилишимиз мумкин холос. Бироқ биз онтогенезда боланинг эрта ривожланишидаги сўзнинг келиб чиқиши ҳақида кўплаб фикрларни айтишимиз мумкин. Хулоса қилиб айтганда, бола ривожланиши (онтогенез) ҳеч қачон ирсий ривожланиш (филогенез)ни такрорламайди, яъни онтогенезда тилнинг ривожланиши меҳнат жараёнида эмас, балки катталар билан бўлган мулоқот жараёнида ифодаланади.

Кўринадики, тилнинг пайдо бўлиши ва унинг тараққиёт йўлини ўрганиш тилнинг қандай ходиса эканлигини тасаввур қилиш имконини беради. Бу масалани чуқур таҳлил қилган руҳшунослар, жамиятшунослар ва тилшунослар:

1. Тил табиий ходиса эмас.

2. Тилнинг пайдо бўлиши учун кишилик жамияти бўлиши шарт.

3. Тил-нутқ муҳити боланинг чақалоқлигида яратилиши ва чақалоққа бир томонлама тил таъсири ўтказиш муҳим ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

4. Тил ва тафаккур бир вақтда пайдо бўлади, бирга ривожланади, бири иккинчисиз яшай олмайди, деган хулосага келадилар[1]. Юқорида таъкидланганидек, болалар нутқини систематик ўрганишнинг йўлга қўйилиши ва болалар нутқини ўрганишга бўлган қизиқишнинг ортиши натижасида

[1] Ирисқулов Т. Тилшуносликка кириш. –Т., 1992. 35-б.

асримизнинг 30-йилларига келиб, А.Грегуар[1] ўз фарзандлари нутқининг ривожланиши юзасидан жуда аниқ монографик тадқиқотни бошлайди ва 40–йилларнинг ўрталарида бу ишни яна давом эттирди. Бундай кўринишдаги ишларда болалар нутқи ота-онасининг нутқи билан эмас, балки қатъий система, яъни болада тилнинг ривожланишини кузатиш меъёрга асосланган грамматик ҳолатда олиб борилиши лозимлиги таъкидланади. Кўринадики, бундай ҳолатда тилни ўзлаштириш, тил қонунларини эгаллашга аста-секин яқинлашиб бориши, тўғри ифоданинг юзага келишига имкон яратиши кўзда тутилади. Тўғри ифодага яқинлашиш эса, атрофдагилар ва ота-онанинг (улар тил меъёрларини қўллашни эгаллашда воситачи бўладилар, айни вақтда болада нутқнинг тўғри шаклланишини кузатиб борадилар) доимий эътибори эвазига амалга ошади.

[1] ҳақда қаранг: Хомский Н. Язык и мышление. –М., 1985. –С.65.



## ИККИНЧИ ҚИСМ
## БОЛАЛАР НУТҚИНИНГ ФОНОЛОГИК - ФОНЕТИК ХУСУСИЯТЛАРИ
### 1. БОЛАЛАРНИНГ ОНА ТИЛИ ФОНОЛОГИК СИСТЕМАСИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Янги туғилган чақалоқда нутқ бўлмаса-да, уларда қандайдир овоз чиқариш, яъни йиғлаш хусусияти бўлиб, бу хусусият ташқи ёки ички муҳитдан келадиган сигналларга боғлиқ бўлади. Ортиқча қаттиқ товушлар ҳам болани чўчитиб, қўрқитиб юборади. Бола 2-3 ҳафталик бўлгач, унда товушларга жуда оддий тарзда бўлса ҳам таъсирланиш юзага келади. Масалан, чақалоқ атрофида баланд овоз билан ғала-ғовур қилиб гаплашилса, у барча ҳаракатларни тўхтатиб гапга қулоқ сола бошлайди. Ундан кейинги даврда эса, яъни бола 2-3 ойлик бўлгач, товуш билан товуш чиқараётган манбаа ўртасида ассоциация майдонга келади. Бунда бола товуш эшитилаётган томонга қараб бошини бурадиган бўлади.

Мактабгача ёшдаги болалар нутқининг ривожланишига таъсир этувчи ҳолатлардан бири атрофдаги катталарнинг нутқ орқали қилинадиган муносабатларга ижобий қарашларидир. Болалар борган сари катта одамлар билан кўпроқ муносабатда бўлишга интила бошлайдилар. Катта одамларнинг гапларига тақлид қиладиган бўладилар. Тақлид асосида бола нутқи шакллана бошлайди. Бола 6 ойлик бўлгач, айрим товушларни бирлаштириб, масалан, *"айя"; "дада"; "ана"* каби сўзларни қайта-қайта айтадиган бўлади. Кузатувларнинг кўрсатишича, болаларнинг сўзларни тушунишлари ҳар бир сўзни ифодалаб берувчи товушларни аниқ идрок қила олишларига эмас, балки товушларнинг интонацияларини пайқаб ола билишларига асосланади.

Болалар сўзларни ифодаловчи товушларни секин-асталик билан фарқлайдилар. Улар биладиган сўзларнинг миқдори турли болаларда турлича бўлади. Болаларнинг нутқни эгаллашларининг дастлабки пайтлари 2 даврга ажратилади.

Биринчи давр бир ярим ёшгача бўлган давр.

Бу даврда болалар 20-30 та сўзни биладилар[1]. Масалан, *"ойи"*, *"дада"*, *"буви"*, *"нанна"*, *"ашша"* каби. Бундай сўзлар билан бир қаторда болалар ўз эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган сўзларни ҳам қўллайдилар. Чунончи *"ма"*, *"ол"*, *"бер"* каби. Бола одатда, айрим сўзларни узуқ-юлуқ, имо-ишора билан айтиб беради. Бу жараёнда у "ситуатив нутқ"[2] дан фойдаланади. Бола нутқининг тараққиётидаги бу даврнинг характерли белгиси шундан иборатки, бола айтиб бера оладиган сўзлар миқдори жуда кам бўлади[3]. Чунки унинг актив луғати жуда секинлик билан бойиб боради. Бироқ, бола нутқининг ўсиши ўзига хос, яъни катталар нутқини тушуниш қобилиятининг ўсиши йўлидан боради, натижада у ўзига қарата айтилган сўзларни яхши тушунадиган бўлади, лекин ўзи гапира олмайди, бошқаларнинг сўзларини кўпроқ эшитади ва нутқ материалларини сингдириб бориб, шу материаллардан кейинчалик ўз нутқида фойдаланади. Кичик ёшдаги болалар нутқининг шаклланишидаги 2-давр одатда бир ярим ёшга тўлгандан кейинги луғатнинг ўсиши билан характерланади.

Бу даврда боланинг сўз бойлиги фақат сон жиҳатдангина эмас, балки сифат жиҳатдан ҳам анчагина такомиллашади, бироқ бу даврда болалар анча сўз запасига эга бўлишларига қарамай, айрим товушлар (р, л, й, ш, з, кабилар)ни яхши фарқлай олмайди ва шу туфайли сўзларни нотўғри талаффуз этадилар. Лекин, юқорида таъкидлаганидек, бола 1-ёшининг сўнгги босқичларига бориб, катталарга мурожаат қилиши натижасида биринчи сўзни талаффуз эта боради, кейинчалик вербал воситалар орқали фақат катталар билан, 2-ёшидан сўнг эса тенгдошлари билан мулоқотга киришади.

Нутқнинг шаклланиши ва қўлланишида коммуникатив характердаги факторларнинг ўрни ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Бола фақат мулоқот ситуацияси ва катталарнинг талаби натижасида гапира бошлайди. Тадқиқотчи руҳшунослардан Н.М.Шчелеванов, Н.М.Аксарина, М.Ю.Кистяковскаялар,

[1] Фарғона шаҳри, 9-11 сон болалар боғчаларида ўтказилган кузатувлар асосида тўпланган маълумотларга кўра қайд этилди.
[2] Ситуация- нутқ акти юз бераётганда унга таъсир кўрсатувчи шароит.
[3] Юқоридаги маълумотларга кўра қайд этилди.



R.N.Spitsлар биринчи ва энг ишончли тавсия сифатида болалар билан қанча кўп ва тез-тез мулоқот қилинса, унинг нутқи шунча эрта шаклланишини кўрсатадилар[1].

Демак, юқорида таъкидланганидек, катталарнинг нутқдаги ҳамкорлиги, уларга тақлид асосида бола аста-секин нутқий коммуникацияга кириб боради.

Лекин кичик ёшдаги болаларнинг ривожланиши даврида уларнинг нутқида айрим сўзлар бўлаги ёки товушлар гуруҳи тўла ўзлаштирилган ва етарлича ўзлаштира олинмаган кўринишларда бўлади. Мана шу ўзлаштира олинмаган сўзлар разряди кўринишидаги кўрсаткич ва тафовут тил ҳаракатида аҳамиятли рол ўйнайди.

Бироқ, ўзлаштирилмай қолинган кўринишларнинг ўзи муқим эмас, чунки улар, яъни етишмаётган товушлар ёки сўз йўналишлари, болалар томонидан бошқасига алмашилиб ўз кўринишига эга бўлади.

Масалан:

1. Товуш жиҳатдан қараганда, бу кўпчилик болаларда ноаниқ, умумий ҳолда юмшоқ талаффуз характерига эга.

2. Кўпгина товушлар умуман айтилмайди ёки нотўғри талаффуз қилинади.

3. Феъллар, сифатлар, равишларнинг нутқда кам ишлатилиши характерлидир.

4. Бола, кўпинча, яқинда ўзлаштирилган янги сўзларни ўзи учун таниш бўлиб қолган сўзлар билан вазиятга қараб алмаштиради.

5. Кўпинча сўзлар орасидаги грамматик боғланишлар – грамматик воситалар бўлмайди.

Бола учинчи ёшида унинг учун қийин бўлган товушларни сирғалувчи (с, з, ш, х) ва санор ундошлар (л, р)ни талаффуз қилишни эгаллай бошлайди, аммо уларни сўзлар таркибида жуда кам ҳолларда тўғри талаффуз этади. Бу ёшда, ҳатто, олдин ўрганиб олган товушлар п, б, м, ва бошқаларни, шунингдек,

[1] Аксарина Н.М. Важнейшие факторы развития речи раннего детства. -М., 1964. –С.10-33.

кўпинча сўз таркибидаги унлиларни талаффуз этиш ҳам қатъий эмаслиги кўзга кўринади.

Мана шу ўринда болалар нутқини фонетик жиҳатдан кўриб чиқамиз.

Маълумки, фонетика нутқ товушлари ҳақидаги соҳадир. Нутқ товушларнинг бош вазифаси коммуникация воситаси бўлиб хизмат қилишдир. Нутқ товушларининг ўзи талаффуз органларининг маълум ҳаракати билан боғлиқ бўлади. Нутқ товушларининг аниқ ва ноаниқ талаффузи артикуляция аппаратининг фаол ёки нофаоллигига боғлиқ бўлади. Эътибор берсак, тилдаги товушларнинг ҳосил бўлиш манбаи инсон ва ҳайвонларнинг генетик жиҳатдан алоқаси билан боғлиқдир. Турли маймунлар ўнта ва ундан ортиқроқ товушларни талаффуз эта оладилар. Тажрибага кўра, 50 тагача сўзни ёд оладилар, лекин бу сўзларни бир-бири билан боғлай олмайдилар. Бунинг учун тафаккур етмайди. Кейинчалик нутқ аъзолари (тил, лаб, юмшоқ танглай кабилар) тараққий этиб турли товушларни талаффуз қилиш қобилиятига эга бўлган. Аввалига кўпроқ бўғизда овоз чиқарган бўлсалар, кейинчалик оғиз бўшлиғида товушларни аниқ айта бошлаганлар.

Маълумки, тил талаффузда энг асосий хизматни бажаради. Бизнинг товушларни тил олди (и, е), тил орқа (у, о), юқори тил (и, у), қуйи (а, о), ўрта (э, у) унлилари деб аташимиз тилнинг горизонтал, вертикал кўтарилишига боғлиқдир.

Ҳозирги инсон нутқ аъзоларини унинг мияси идора этиб туради. Оғиз бўшлиғидаги нутқ аъзолари (тил, юмшоқ танглай, лаблар), оғиз бўшлиғи ва нафас аъзолари инсон товушининг ҳосил бўлишида хизмат қилади. Демак, оғиз ва бўғизнинг ўзаро мослашуви инсоннинг "маъноли товуш"ларни талаффуз қилишига йўл очган. Тадқиқотларга кўра, беш ҳафталик чақалоқнинг нутқ аъзолари ҳали товушларни айтишга етилмаган, олтинчи ҳафтадан бошлаб, чақалоқнинг нутқ аъзолари ривожланиб, у баъзи товушларни, хусусан, унлиларни ва лаб ундошларини (м, в ларни) айта бошлайди. Демак, кишиларнинг талаффузи уларнинг ёшига, нутқ аъзоларига боғлиқ. Бу ҳол,



айниқса, боланинг талаффузида аниқ кўзга ташланади. Бола сўзларни тўғри талаффуз эта олмаса-да, унинг луғатида ҳали катталар тушунавермаган сўзлар пайдо бўлади. Дастлаб, катталарнинг гўдак билан эмоционал муомаласи болада эркин тетиклашишни ҳосил қилади. Бунинг натижасида болада ўзича ғудраниш, қийқириқ ва товушларга қизиқиш вужудга келади. Демак, боладаги қийқириқ ва ғудраниш ундаги мустақил нутқнинг шаклланишига етакчи омил бўлади.

Маълумки, тилнинг ҳар бир ходисаси ўзаро узвий боғлиқ бўлган икки томон: ички – маъновий ва ташқи – товуш таркиби томонидан иборат. Шунингдек, нутқнинг товуш томони нутқий мулоқотнинг барча аъзоларига ўз тафаккури мазмунини ифодалашга қулай имконият яратади. Нутқий мулоқотни ифодалаш орқали нутқ товушлари социал-ижтимоий функцияни бажаради. Нутқнинг бу хусусиятини, яъни ижтимоий моҳиятини биринчи ўринга чиқариб, тилшунослар фонема ҳақидаги таълимотни яратдилар.

Тилнинг товуш томонини эгаллашда бола тилда мавжуд бўлган турли фонемаларни қачон ва қандай ўзлаштиришини кузатиш жуда муҳим саналади. Биз ҳам қуйида она тилининг товуш томони болалар томонидан қандай эгалланишини аниқлашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Бу масала унга ёндашувда тилни ўрганиш босқичининг хронологик тартиби сақланиши билан характерланади. Бунда болаларнинг катталарга боғлиқ равишда уларнинг тилидан фойдаланиши ўрганилаётган нутқнинг асоси қилиб олинади. Бу одатда хусусий қўлланиладиган сўз-гаплар кўринишида намоён бўлади. Бундай сўз-гаплар энди тилнинг икки томонламалик, тилнинг ўзига хос ходисалари: улар ўз маъносига ва улар билан боғлиқ товуш ифодасига эга бўладилар. Сўз-гаплар болалар нутқида тахминан 1-ёшида пайдо бўлади. Болалар томонидан (турли ёшдаги болаларда) турли вақтларда (3 ёшдан 8 ёшгача) бўлган даврда она тили товуш системасининг тўлиқ ўзлаштирилиши бу босқичнинг сўнгги ҳисобланади.

Сўз-гапларнинг ҳосил бўлишидан олдин юз берадиган қийқириқ ва ғудраниш босқичи кўриб чиқилаётган босқичга кирмайди. Чунки болалар нутқининг бундай кўринишида белгиланган тил элементини эгаллаш сезилмайди. Қийқириқ ва ғудраниш бола ҳаётининг тахминан 1-ёшларини қамрайди. Умумий кўринишда бу қуйидагича характерланади. Яъни қийқириқ ҳам, ғудраниш ҳам нутқий функциядан йироқ, бироқ улар келгусидаги турли талаффузни эгаллаш учун нутқий аппаратнинг ўта муҳим масаласини ҳал қилади. Талаффуз эса нафас аппарати, товуш пайчалари, танглай пардаси, тил, пастки жағ, тишлар каби аъзоларнинг жуда дифференциал фаолиятини талаб этади. Бу билан биргаликда, барча кўрсатилган ҳаракат комплекси эшитиб таъсирланиш ва тасаввур (тушунча) билан координациялашади. Бу нозик ва турли ҳаракатларнинг иш фаолияти энди болада унинг туғилишидан сўнг дарҳол пайдо бўладиган қийқириқ билан боғлиқ бўлади. Қийқириқ (оғриқ, очлик, ноқулай ҳолатларда) кучли органик инкор этувчи ҳис-туйғулар билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун қийқириқлар ўрганиш ва таҳлилни талаб этмайди. Қийқириқларнинг эшитиш қобилиятига боғлиқ эмаслиги шунда белгиланадики, улар эшитиш қобилиятидан маҳрум болаларда ҳам мавжуд бўлади. Фонетик томондан қийқириқлар оғиз бўшлиғининг кенгроқ ёки торроқ очилиши натижасида унли товуш тилнинг, овоз кенглиги, нафаснинг турли босқичида ҳосил бўлишидан келиб чиқади. Бола ҳаётининг учинчи ойида ғудраниш ҳосил бўлади. Унинг қийқириқдан фарқи шундаки, у боладан, масалан, одатда уйқудан, қорни тўйгандан сўнгги ёқимли ҳолатларда ўта кучли характердаги қўзғалишни талаб этмайди. Ғудранишнинг ҳам атрофдагилар нутқига боғлиқ эмаслиги шунда кўринадики, у ҳам қийқириқ сингари кар болаларда ҳам кузатилади. Ғудранишда бола фақат катталарда мавжуд бўладиган ва ҳатто **баъзан** улар ундай талаффуз эта олмайдиган пишқириқ, шовуллаш, қушларнинг чуғурлашини эслатувчи товушларни талаффуз этиши мумкин. Натижада, она тилини ўзлаштириш даврида бола ўзи ҳам бу товуш ва товуш бирикмаларини ҳосил қилувчи қобилиятни йўқотиб боради. Бу ҳол



ғудранишнинг социал-ижтимоий қийматга эга эмаслиги ҳақида гувоҳлик беради.

Нутқ аппаратини таёрлашда ғудранишнинг аҳамияти шундаки, энг аввало ғудраниш бола ҳаётининг биринчи йилидаги ҳатти-ҳаракатида аҳамиятли рол ўйнайди: баъзан бола давомий бидирлайди, ашула айтади. Сўнг ғудраниш келгусида тилни эгаллашда қўлланиладиган бундай талаффуз элементларининг ишлаб чиқилишига ёрдам беради. Шундай қилиб, ғудраниш анча қатъий ва алоҳида товушларнинг муайян артикуляциясига айланади, улар орасида айниқса, қоришиқ ва унли товушларнинг алмашиниши типикдир, шу билан бирга ғудраниш, энди бўғинларга аниқ ажралади, натижада турли кучдаги урғули бўғинлар пайдо бўлади. Ғудраниш учун асосан бир хил таркибли товуш типлари *"да-да-да"*, *"на-на-на"*, *"г-г-г-г"*, *"а-а-а"*, *"у-у-у"* ни такрорлаш характерлидир. Бу билан боғлиқ равишда бола бундай тез-тез талаффуз этилувчи товушларни эшитишга ўрганади ва уларни талаффуз қила бошлайди. Бундан ўзгалар нутқидаги товушларга тақлид қилиш қобилияти шаклланади. Одатда тақлиднинг биринчи босқичи сифатида боланинг ўзи талаффуз этгунга қадар катталар нутқи орқасидан товуш тартибининг талаффузига тақлид қилиши назарда тутилади; сўнг бола (тахминан 7-9 ойларида) ўзи ҳали талаффуз этмаган товуш бирикмаларига тақлид қилишга ҳаракат қилади. Бир йил давомида эшитган товушларни тақлид қилишга интилиш қатъийлашиб боради ва натижада бола энди катталардан эшитган кўплаб сўзларни талаффуз этишга ҳаракат қилади. Бу, айниқса, нутқнинг товуш томонини эгаллаш учун муҳим саналади.

Шундай қилиб, қийқириқ ва ғудраниш талаффуз этишда зарур бўлган бир қатор малакалар учун асос бўлади, бироқ уларда белгиланган ва қатъий талаффузни ифодаловчи ҳамда катталар нутқий талаффузида намоён бўлувчи алоҳида қатъий кўринишдаги доимий такрорланувчи қиёфалар йўқ. Бола томонидан қўлланиладиган сўз ва сўз бирикмаларини ўрганиш уни ўраб турган катталарнинг талаффузига қиёслаш методи асосида олиб борилади. Фонетик

ходисаларни ўрганишдаги бундай ёндашув аниклиги ва соддалиги билан фаркланади. Бу бола томонидан она тилининг турли фонетик элементлари эволюциясининг берилиши ва қайси босқичлар орқали аниқ талаффузга етиб келишини аниқлашга имкон яратади. Хусусан, "р" товушини эгаллагунга қадар шу товуш иштирок этган бола дастлабки ўзлаштирган сўзларда унинг ўрнини қайси товушлар эгаллаган, унинг ўринбосарлари қайсилар, улар қандай алмашган, бу товуш бола нутқидаги ўзи иштирок этган барча сўзларда қачон ва қандай пайдо бўлган, деган савол туғилади. Бу масала ғудранишнинг товуш томонини ўрганиш масаласидан кескин фарқланади: унда она тили фонетик системасига мутлақо тааллуқли бўлмаган турли элементларнинг пайдо бўлиш тартиби ўрганилади[1]. Ғудраниш босқичида фонетик ривожланишни ўрганиш алоҳида методни талаб этувчи масала саналади. Буни ўрганишни мақсад қилиб олиш, бола томонидан тил товуш томонининг ифодаланишини катталарнинг она тили даражасида қандай эгаллашга эришишини аниқлашга имкон яратади. Биз бу соҳада мавжуд бўладиган қонуниятлар ва бу қонуниятларни белгилайдиган жиҳатларни аниқлашга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, бола томонидан қабул қилинган ва англанган сўзнинг маъносидан ташқари унинг товуш томони ҳам мавжуддир.5-6 ойлик болада эшитиш қобилияти жисмонан яхши ривожланган бўлади. Бу вақтда шартли рефлекслар методикаси ёрдамида уларда турли физик товушларнинг жуда нозик дифференциациясини кўриш мумкин.

Хўш, болада қачон нутқнинг фонетик бўлинишига эга бўлган фонематик эшитиш қобилияти ривожланади?

Фонематик қобилият физик товушлар қобилиятига нисбатан жуда мураккабдир, бироқ фақат унинг мавжудлигида бола мустақил нутқининг ривожланиши ва нутқни тушунишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган

[1] Ғудраш босқичида товушларнинг пайдо бўлиш тартиби масалан, Н.А. Рыбникова.Язык ребёнка.-М.- Изд.2. -11б. китобида кўрсатилган



фонематик қобилият шаклланади. Н.Х.Швачкиннинг махсус тадқиқотида[1] эрта ёшдаги болаларда фонематик қобилиятнинг ривожланиши кўрсатилади.

Кузатувларга кўра, *"чиқ-чиқ қани?"* каби саволга ўргатилган саккиз ойлик бола соатни кўрсатади[2]. Унга худди шундай тон-овоз орқали *"жижи (чақалоқ) қани?"* саволи берилса, у яна беихтиёр соатни кўрсатади. Ёки бошқа тажриба, *"ойна қани?"* саволига жавобан болани ойнани кўрсатишга ўргатилди. Кейин айнан мана шу савол худди шундай оҳанг орқали бошқа тилда берилади, лекин бундай ҳолатда ҳам бола яна ойнани кўрсатади. Кўринадики, бола бошқа тилни (ифодани) тушунмайди, бироқ гарчи ҳали алоҳида сўзларни фарқлай олмаса-да, у фразаларни интонацион ва ритмик хусусиятларини англайди. 10-11 ойларга борганда бола фақат тўлиқ жумлани эмас, балки алоҳида сўзларни ҳам англай бошлайди. Бу ҳолатда у ҳали алоҳида фонемаларни, яъни сўзнинг алоҳида товушларини фарқлай олмайди, балки сўзнинг умумий структурасини фиксациялайди, холос. Товушларни эгаллаш аста-секинлик билан шаклланади. Бола дастлаб *"д"* ва *"к"* каби товушларни фарқлайди, бироқ у талаффузига кўра яқинроқ бўлган коррелятив товушлар *"д"* ва *"т"*, *"г"* ва *"к"*, *"з"* ва *"с"*, *"б"* ва *"п"* ни фарқлай олмайди. Унли товушлар муносабатида ҳам худди шундай ҳолат кўринади: бола дастлаб *"о"* ва *"у"* ни фарқлай олмайди. Фақат 1,5-2 ёшига борганда нормал ривожланиши шароитида бола фонематик қобилиятни эгаллай бошлайди.

Катталарнинг болалар билан товушли мулоқоти боланинг иккинчи ярим йиллик ёшида кескин тус олади. Бу вақтда болалар кўп ғудрайдилар, товушнинг яхлит учликларини ва бўғинларини талаффуз этадилар. Ғудраниш (номаълум сўзлаш) нинг товуш состави ўсиб боради ва натижада бола бўғинларни талаффуз эта бошлайди (*"ба"*, *"да"*, *"та"*, *"ма"*, *"га"*, *"гу"*, *"бу"*, *"ву"* ва бошқалар). Кейинчалик 8-10 ойларда иккилик бўғинлар пайдо бўлади: *"да-да"*, *"та-та"*, *"ба-ба"*, *"вов-вов"*, *"дит-дит"* ва бошқалар.

[1] Швачкин Н.Х. Развитие фонематического восприятия речи в раннем возрасте // Известия АПН РСФСР, 1948. - Вып.8.

[2] Фарғона шаҳар 9-сон болалар боғчасида ўтказилган кузатувга асосан қайд этилди.

Болалар нутқида сўз товуш томонининг ифодаланишини беришда дастлаб улар томонидан сўз бўғин таркибининг ўзлаштирилишини караш лозим. Чунки турли товушлар ва уларнинг ифодаси айнан мана шу билан боғланади.

Маълумки, бир қанча бўғиндан таркиб топган сўз, ўзининг кучли ва аниқ талаффузига кўра марказий урғули бўғинга эга. Унга бевосита урғусиз, кучсизликни ифодаловчи бўғинлар боғланади. Она тили бўғин структурасининг ўзига хос хусусиятлари болалар нутқидаги сўзларда жуда аниқ ифодаланади. Бола сўзларнинг таркибидаги барча бўғинларни талаффуз этишни бирданига эгалламайди, яъни маълум босқичда болалар нутқидаги сўзларда бўғинларни тушуриш (элизия) ходисаси кузатилади[1]. Бунинг асосий сабаби сифатида сўз таркибидаги бир бўғиннинг сақланиши ва бошқаларининг туширилишига таъсир этувчи қиёсий кучлиликдир. Масалан, икки бўғинли сўзларда бир кучли бўғин сақланади: *бе'*- (беринг), *о'*- (олинг), *бў'*- (бўжи), *аш'- аша, па'- папа* (иссиқ) ва ҳоказо.

Бундай иккилик бўғинлар болаларнинг ўзи талаффуз этган товушига тақлиди асосида юзага келади. Товушлар таркиби ва инверсиясига келсак, кузатувларимиз шуни кўрсатадики, бола атрофдагилардан жуда кўп ўзлаштиради[2]. Лекин, албатта, у ёки бу товушни талаффуз этиш ёки уларнинг комбинацияси учун артикуляцион аппарат тўла ҳолатда етишган бўлиши лозим. Шу сабабли ғудраниш (номаълум сўзлаш)нинг ривожланишида айрим изчилликни кўриш мумкин. 8-10 ойлик болада ғудраниш фақат *"а-а-а"* товушлари билан чегараланади. Ғудраниш ривожланиб боради. Дастлаб бола иккилик бўғинларни алоҳида, масалан *"да-да"*, кейинчалик уларни биргаликда *"дада"* ҳолатида талаффуз эта бошлайди. Бола олдин бир хил ундош ва унлидан таркиб топган жуфт бўғинларни, (*"да-да"*, *"ба-ба"* каби) сўнг 9-10 ойларга бориб, уларни яхлит сўз тарзида қўллай бошлайди. Фақат

[1] Бу масалага Б.Китерманнинг. Опыт изучения слоговой элизии в детском языке // Русский филологический вестник, 1913.- №1. номли маъоласида фикр берилган.
[2] Марғиёна ( 2 ёш), Темур (8 ой)лар устидан ўтказилган кузатувларга кўра қайд этилди.



кейинчалик, 10-12 ойларида, бола ўз нутқида бошқа-бошқа ундош ва унлилардан ташкил топган жуфт бўғинлар (*нан-на, бо-бов, миёв* кабилар)ни талаффуз эта бошлайди.

Бола янги товуш ва сўзни ўзлаштириб ўз мустақил фаолиятида мустақил ўрганиб боради, ҳар бир янги кашф этган сўзни талаффуз этишга машқ қилади. Бироқ, айнан ўхшаш сўзларни исталган изчилликда такрорлашдан ташқари, бола ўзи товушлар комбинациясини яратади ва барча янги бирикмаларни у бошқа таниш сўзларга кўчиради. Масалан, *"ойи"* сўзини *"ойижон"* сўзига ўзгартиради ва бу комбинацияни бошқа сўзлар (*дадажон, буважон, укажон* ва бошқалар)га ҳам кўчиради[1].

## 2. УНЛИЛАР СИСТЕМАСИ ВА УНИНГ ВАРИАНТЛАНИШИ

Учинчи ойларга бориб, бола нутқида катталар нутқига жавобан *"а-а"*, *"э-э"* товушлари пайдо бўлади, баъзан мусиқий, чўзиқ товушларни талаффуз эта бошлайди. Тадқиқотчилардан Н.Л.Фигурин ва М.Т.Денисовалар[2] бундай эмоционал ижобий ифодаларни, тетиклашиш комплекси деб номлайдилар.

Бу вақтда бола катталарнинг у билан бўлган мулоқотидан таъсирлана бошлайди. Натижада бола тез-тез ва мулоқот тугагандан сўнг ҳам маълум товушларни талаффуз этади. Ривожланиш жараёнида бола талаффуз этаётган товушларнинг сони бир қанча ўсади: товуш таъсирланишида унли товушлар *"а"*, *"э"*, *"у"*, *"и"* ундош товуш *"г"*, *"ғ"* ларни талаффуз этади, баъзи болаларда эса, *"ага"*, *"гиг"*, *"қих"* каби товуш комплекслари кўринади. Ривожланиш давомида бола томонидан талаффуз этиладиган барча товушларнинг характери ўзгариб боради: узуқлик ўрнини давомий оҳангдор (*"а-а-а"*, *"э-э-э"*, *"у-у-у"*) товушлари эгаллайди. Н.Л.Фигурин, М.Т.Денисовалар ўз тадқиқотларида қисқа товушлар ўрнини давомий

[1] Гавҳарой (2 ёш) , Дилнора (3 ёш)лар устидан ўтказилган кузатувларга кўра қайд этилди.
[2] Фигурин Н.Л., Денисова М.Б. Этапы развития поведения ребёнка в возрасте от рождения до 1-го года.-М., 1949. -С.90.

оҳандор товушлар эгаллаши бола хатти-ҳаракати билан бир вақтда юз беради, деб таъкидлайдилар.

Бу тадқиқотчилар томонидан ушбу босқичда бола томонидан товушлар эгалланиши, яъни талаффуз хатти-ҳаракатининг бажарилиши икки томон юқори сезги органларининг фаолияти ва эшитиш қобилиятига боғлиқлиги қайд этилган. Бу фикрнинг изоҳи сифатида туғма кар болаларнинг дастлабки ойларда соғлом болалар сингари маълум товушларни талаффуз этишларини қайд этиш мумкин. Бироқ улардаги бу товушлар 5-6 ойларга борганда эшитиш қобилияти йўқлиги сабабли йўқолиб боради.

Тўртинчи ойга борганда, бола нутқида биринчи ундошлар ва биринчи бўғинлар пайдо бўла бошлайди. Булар билан биргаликда болалар дастлабки унли товушлар: *"а-а–а"*, *"у-у-у"* ларни ҳам талаффуз этадилар.

Вокализациядан бола катталар билан мулоқотида кўп фойдаланади. Н.М.Шчелеванов ва Н.М. Аксарина[1] ҳамда Н.Л.Фигурин ва М.Т.Денисова[2], М.Ю.Кистяковская[3] ва бошқа кўплаб руҳшунослар нутқ олди вокализациясини ҳам боланинг социал хатти-ҳаракати, яъни тетиклашиш комплексига киритадилар.

**1-жадвал**

| **Ёш гуруҳлари (ой хиосбида)** | **Алоҳида социал таъсир этувчи товушларга мойиллик** | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | **Мелодик-мусиқий** | | | | **Нутқий** | | |
| | **а товуши** | **Интонция** | **Ашула** | **Интонацияли фраза** | ***у* товуши** | **Интонацияли фраза** | **Интонациясиз фраза** |
| | **Йўналтирилган таъсирланишларда** | | | | | | |
| 3 | + | 0 | - | - | 0 | 0 | - |
| 4 | 0 | 0 | 0 | 0 | - | 0 | 0 |
| 6 | + | + | 0 | 0 | 0 | + | - |
| 10 | - | + | + | + | - | + | + |
| | **Эмоционал таъсирланишларда** | | | | | | |
| 3 | - | 0 | + | - | - | 0 | 0 |
| 4 | - | - | - | - | - | - | - |
| 6 | - | 0 | 0 | 0 | - | 0 | - |
| 10 | + | 0 | 0 | - | + | - | - |

[1] Щелеванов Н.М., Аксарина Н.М. О воспитании в долях младенцев // Вопросы материнства и младенчества.- М., 1955.-№13.- С.15-22.
[2] Фигурин Н.Л., Денисова М.Т. Этапы поведения детей в возрасте от рождения до одного года. -М., 1949.- С.104.
[3] Кистяковская М.Ю. Развитие движений у детей второго года жизни.- М., 1970. -С.24



Бола ривожланиб борган сари унинг нутқида овоз товушлари интонациясига эътибор кўринади. Бу ҳол айниқса, бола ёшининг иккинчи ярим йиллигида янада аниқроқ ифодаланади. Оддий мелодик таъсир этувчи – а товуши (шунингдек, - у) бир қанча кичик ёшдаги ва олти ойлик болаларда физик аналогияга нисбатан узоқроқ давом этувчи йўналтирилган таъсирланиш (реакция)ни талаб этади. Катта ёшдаги болаларда бу акс таъсир кучсизланади. Буни 1-жадвалда кўрсатиш мумкин:

Бу ердаги жадвалда "+" - нутқ товушига таъсирланишдаги ортиқлик, "о"- нутқ товуши туфайли юзага келган фарқнинг у қадар катта эмаслиги, "-" асбоб товушига таъсирланишнинг ортиқлиги.

Бу даврда болада мелодик компонент – интонацияли нутқ, ашула ва асбоби ёки шовқинга мувофиқ келувчи реакция интенсивроқлиги кўринади.

4 ойлик болалардан бошлаб, барча болаларда: мана шу тенденция биринчи ёшнинг охирига борганда кучлилашади, бироқ, 3 ойлик болаларда бу ҳолат ҳали кўринмайди. Соф нутқ товушлари – монотон нутқ 6 ойгача бўлган болаларда шовқинга қараганда, анча давомий таъсирланишга олиб келмайди, 10 ойлик болаларда эса, бундай товушларни устун кўриш сезилади[1].

[1] Ойбек (3 ой), Хожиакбар (10 ой), Ирода (4,5 ой)лар устидан ўтказилган кузатувларга кўра қайд этилди.

Эмоционал таъсирланишда бунга қарши ҳолат – асосан болаларга оммавий таъсир этувчи кўплаб физик товушларга таъсирланиш жадалрок бўлади.

Социал таъсир этувчиларга нисбатан устун бўлган эмоционал таъсирланиш бир мелодик товушлар гуруҳига тааллуқли бўлган, муносабатига кўра фақат 2 турли кўринишга эга бўлган қуйидаги ҳолатларда аниқ ифодаланади:

1. Энг кичик ёшдаги болаларда ашулага бўлган таъсирланишда;

2. Катта болаларда алоҳида товушлар (а ва у) га бўлган таъсирланишда.

Бундай ҳолатда, эмоционал таъсирланишда мўлжал таосирланишларга нисбатан устун қурилган товуш вариантлари ўртасидаги мослик маълум даражада тескари. Бу билан шуни белгилаймизки, интонация ва ашула кўринишидаги мелодик овоз товушлари интонациялашган ва монотон фразаларда ҳам гарчи анча кучсиз бўлса ҳам муайян ўрин эгаллайди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бола нутқида дастлаб унли товушлар юзага келади. Бола энди аниқ ҳолда *"и"*, *"у"*, *"о"* товушларини тўхтовсиз ўз нутқида талаффуз эта бошлайди. Ўз нутқида сўзларни талаффуз этиш жараёнида ҳали талаффуз эта олмайдиган ундош товушларни чўзиқ унли товулар билан алмаштиради (м. *дии-дит, о'па, а'ка* каби).

Хулоса қилиб айтганда, болалар нутқидаги дастлабки вокализацияни мураккаб дифференциация жараёнида сўз ва гап сингари шаклланадиган ибтидоий семантик-синтактик моҳият деб санаш мумкин.

## 3. УНДОШЛАР СИСТЕМАСИ ВА УНИНГ ВАРИАНТЛАНИШИ

Маълумки, болалар нутқининг ўзгалар (катталар) нутқидан кескин фарқланиши тил системасида бир қанча элементлар гуруҳини очиб беришда керакли маълумотларни яратиб беради.

Юқорида таъкидланганидек, болалар ривожланиши даврида уларнинг нутқида айрим сўзлар қисмлари ёки товушлар гуруҳи тўла ўзлаштирилган ёки



етарлича ўзлаштира олинмаган кўринишларда бўлади. Мана шу ўринда кичик ёшдаги болалар нутқида ундош товушларнинг ифодаланишини кўриб чиқамиз. Кузатувларимиздан шу нарса аниқ бўлдики, барча болаларда ундош товушларнинг қисқартирилиш йўли бир хил ва бу қатъий қонуният асосида кечади[1]. Бу қисқартиришнинг асосий принципи шундан иборатки, бола талаффузида торрок товушлар талаффуз этилади, кенгроқ товуш эса туширилади. Бу қуйидаги ҳолатлар билан боғлиқ:

1. Сирғалувчи ва портловчилар гуруҳидан сўз боши ё ўртасида биринчи ёки иккинчи товуш бўлишидан қатъий назар сирғалувчи товуш туширилади. Масалан, ўзбек болалари нутқида ўзлашма сўзларда: футбол - *утбол* каби, лекин улар кўпинча бошқа товушлар билан алмаштирилади. Масалан, қош - *қос*, бош - *бос*, рўмол - *лўмол*, самосвал - *тамотвал*; футбол – *утбол - хитбол*; арра - *аййа*; фаввора -*аввойа* ва ҳоказо;

2. Икки сирғалувчи "шовқинлилар" *(с, з, ш, х, ф, ж)* ва шовқинсиз (*л, в, й*) лардан шовқинли товуш сақланади;

3. Икки портловчи гуруҳидаги товушларнинг қисқартирилиш йўлида ноизчиллик ва беқарорлик сезилади. Масалан: "*Мен бо хе* (Мен бораман!)", "*Сен бо йўқ* (Сен бормайсан) " каби.

Шуни қайд этиш лозимки, болалар нутқида она тили товушлари тўла талаффуз этилишида мукаммал бўлмаган артикуляцион фаолияти билан бирлашувчи гуруҳ сифатида ўзлаштирилади. Бу, айниқса, кўпчилик болаларда *"н"* товушининг ўзлаштирилиши характерлилиги билан белгиланади. *"н"* товушининг юзага келиши болада портловчи *"т"*, *"д"* товушларининг пайдо бўлиши билан бир вақтда белгиланади. Болалар нутқининг эрта босқичида, яъни 1,7- ойларида *"м"* нинг мавжудлиги ва деярли тўғри қўлланилиши портловчи *"б"*, *"п"* лаб ундошлари ҳамда сирғалувчи "в" лаб товушининг эгалланмаганлиги ва уни портловчи "б" лаб ундоши билан қориштирилиши бурун ва бурун товуши бўлмаган портловчи товушларнинг бир эканлигини

[1] Фарғона шаҳар, 10-сон болалар боғчасида ўтказилган кузатувларга кўра қайд этилди.

кўрсатади[1]. Буларнинг барчаси болалар нутқидаги бурун товушларини алоҳида гуруҳга эмас, балки портловчи товушлар қаторига киритиш лозим деган хулосага олиб келади. Ундошлар гуруҳининг қисқартирилишидаги бу ҳолат уларнинг оғиз бўшлиғидаги артикуляцияси бурун бўшлиғининг иштирокига нисбатан катта аҳамиятга эгалигини кўрсатади. Ундошлар гуруҳининг қисқартирилиш йўллари эса, бўғин таркибига боғлиқ. 1,7 – ойларга борганда, бола нутқида тиш товушлари – *"т"; "д"; "н"; "с"; "л"* лар кўрина бошлайди[2]. Бола нутқидаги ундош товушларнинг берилишида бола икки ундошдан бирини талаффуз этади, бошқасини туширади, бундай ҳолатда уларда шартли равишда туширилган товуш талаффуз этилмайди ёки бошқасига алмаштирилади; уч ундошли гуруҳидаги қисқариш эса, бир ёки икки ундошнинг талаффуз этилишида кўринади. Ундошлар гуруҳининг қисқариши бошқа фонетик ҳодисаларга нисбатан ўзаро унча фарқланмайди. Ундошлар гуруҳининг қисқариш йўлларига изчиллик хос бўлади. Болалар нутқини фонетик жиҳатдан ўрганишда энг аввало товушлар составини аниқлашга тўхталамиз. Эътибор берсак, юқорида таъкидланганидек, кичик ёшдаги болаларнинг сўзларида баъзан катталар талаффузига қиёсан бир қатор товушлар учрамайди, балки туширилади. Бу товушлар ўз навбатида бошқалари билан алмаштирилиб айтилади. Масалан: "*қуоқ*" (қулоқ), "*қосиқ*" (қошиқ), "*йучка*" (ручка) каби.

1. Кўпинча, ёнма-ён келган ундошлар тўла талаффуз этилмай, болалар талаффузида қисқариш ҳолларига учрайди. Масалан: "*матап*" (мактаб), "*тлактой - тйактий*" (трактор), "*матон*" (магнитафон), "*дутий*" (доктор - шифокор), "қупот" (қурут), "*кашота*" (картошка), "*ойоқ*" (оқ ёғ/ ўсимлик ёғи) "*чақи*" (ер ёнғоқ), "*миа?*" (нима?), "*ая, ичим кетим йўқ?*" (ая, хеч қаерга кетмайсизми?) каби[3].

[1] Ирода (1,7 ойлик), Дилноза (2 ёш)лар устидан ўтказилган кузатувларга кўра қайд этилди.
[2] Фарзандим Марғиёна устидан ўтказилган кузатувга кўра қайд этилди
[3] Юқоридаги кузатувга кўра қайд этилди.



Хулоса қилиб айтганда, болалар нутқидаги қисқартиришнинг асосий принциплари қуйидагилар саналади: бунда бола томонидан чўзиқроқ товушлар туширилиб, қисқароқ товушлар айтилади. Масалан:

1. Портловчи ва қоришиқ товушлар сўз бошида, сўз ўртасида туширилади. Масалан: "*ийитка*" (чигиртка); "*уйнал*" (журнал) каби;

2. Жуфт (*п-б, ф-в, с-з, х-г, к-г*) жарангли ва жарангсизлар туширилиб, чўзиқ унлилар сақланиб қолади. Масалан: "*утбол*" (футбол); "*акка*" (хакка); "*итоп*" (китоб); "*алам*" (қалам) ва бошқалар;

3. Ёнма-ён келган товушларнинг сингишиб кетиши доирасида тафовут бўлмагани сабабли сўз таркибидаги портловчи товушларнинг қисқартирилиши тартибсиз – ҳали униси, ҳали буниси қисқартирилади. Масалан: "*тума*" (тугма) ("г" туширилган); "*таний-андий*" (тандир); "*анга*" (танга) каби[1];

4. Баъзи ҳолларда, бир хил шароит бўлса ҳам, қисқартириш кўрсатилган меъёрга тўғри келмайди. Бунда бир пайтда, бир ўринда пайдо бўлган товушлар портловчи+сирғалувчиларда сирғалувчи товуш, бунинг аксида, аксарият портловчи товушлар туширилади. Масалан: а) сўз бошида: "*тлахтий*"- тр-л (трактор); б) сўз ўртасида: "*Малуба*" – тл-л (Матлуба); "*пасек*" – ст-с (пастек) ва бошқалар;

5. Товушлар алмаштирилади. Масалан: "*телевизол*" (телевизор); "*шалиф*" (шарф); "*ахтамобил*" (автомобилр) каби;

6. Баъзан бола товушларни бузиб айтади. Бунда бола ўз луғатида "ш" товушини талаффуз этишни тўла эгаллаган бўлса-да, айтаётган сўзида уни нотўғри талаффуз этади. Масалан, "*хуштак*" сўзида айтилаётганда "*ш*" унга ёқимсиз эшитилади ва "*хустек*" ҳолида қўллайди ва бошқалар[2].

Бола нутқидаги ҳақиқий тилнинг бошланиши, яъни шу тил элементи саналган сўзнинг юзага келиши ҳамма вақт бола хатти-ҳаракати ва унинг катталар билан бўлган мулоқотига бевосита боғланади. Бола нутқидаги дастлабки сўзлар "ғудраниш"дан фарқли равишда боланинг ҳолатини

[1] Юқоридаги кузатувларга асосан қайд этилди.
[2] Юқоридаги кузатувларимизга асосан қайд этилди.

ифодаламайди, балки предметга йўналтирилади ва предметни ифодалайди. Бироқ, бу сўзлар дастлаб симпрактик характерга, яъни амалиёт билан узвий боғлиқликка эга бўлади. Масалан, агар бола *"от"* (ўйинчоқ) билан ўйнаётган бўлса ва *"чўх"* деса, бу *"чўх"* маълум ўринда предмет (ўйинчоқ)ни ва маълум ўринда *"чанани"* ва *"ўтир"*, *"кетдик"*, *"тўхта"* каби ситуацияга боғлиқ ҳолда қандай интонация билан талаффуз этилиши ва қандай ишоралар билан кўрсатилишига қараб турли маъноларни ифодалаши мумкин. Шунинг учун бола нутқидаги дастлабки сўзлар гарчи предметга йўналтирилган бўлса-да, улар ҳали симпрактик характерга, яъни предмет билан узвий боғлиқликка эга бўлади.

"Фақат бола ривожланишининг келгуси босқичларида улар ҳаракатдан узила бошлайди ва аста-секин мустақилликка эга бўлади. Бу жараённи биз жамият тарихида кузатишимиз ва бунда болада нутқнинг ривожланиши тўла ўз аксини топишининг гувоҳи бўлишимиз мумкин"[1].

Бола нутқида пайдо бўладиган оддий диффуз, симпрактик сўзлардан сўнг (тахминан 1 ёшу 6 ой ва 1 ёшу 8 ойларда) бола энди сўзнинг дастлабки оддий морфологиясини ўзлаштира бошлайди ва мана шундагина у *"кетдик"*, *"ўтир"* каби маъноларни ифодаловчи *"чўх"*ни эмас, балки *"от-той-тойчоқ"* маъноларини ифодаловчи сўзларни қўллай бошлайди. Улар от туркумига хос характер касб этади ва отнинг элементар морфологик қўшимчасининг ўзлаштирилиши билан боғлиқ бўлган айнан предметлик маъносини ифодалай бошлайди, энди у ситуацияни эмас, балки ўзининг симпрактик контекстига боғлиқ бўлмаган мустақилликни ифодалайди. Агар бу вақтгача бола луғати исталган маънони англатувчи аморф сўзлардан ташкил топган бўлса, энди сўз маънолари торая бошлайди ва луғат бойлиги ортиб боради. Мана шу даврдан она тили грамматикасини ўзлаштириш бошланади ва симпрактик сўз қурилиши энди семантик қурилишга ўтади, бола энди ўз луғатини бойитишга, яъни нафақат предметларни адекват ифодаловчи янги сўзларни, балки сифат,

[1] Лурия А.Р.Язык и сознание. -М., 1979. -С.80.



ҳаракат муносабатини ифодаловчи сўзларни эгаллашга ҳам мажбур бўлади. Бу босқичда шу нарса характерлики, бола нутқи морфологик формаларга эга бўла бошлаганда, унинг луғатида катта сакраш юз беради. Бу босқичга қадар бола луғатидаги сўзлар миқдори 12-15 сўздан ташкил топган бўлса, энди у дарҳол 60, 80, 150, 200 тага етади. Бола луғатидаги сакрашнинг бу миқдори кўпчилик (В.Штерн (1907), Р.Браун (1973), Мак Карти (1954)) муаллифлар томонидан белгиланган бўлиб, улар юқорида қайд этилганидек, симпрактик характердан семантик характерга ўтиш билан изоҳланади[1]. Мактабгача ёшдаги бола нутқининг шаклланишида ижтимоий муҳитнинг таъсири кучли бўлади. Бунинг натижасида бола нутқида товуш, товушга тақлид асосида сўзлар, сўз бирикмалари, гаплар юзага келади. Бу эса боланинг ўз ҳамда ўзгалар нутқи юзасидан ҳар томонлама онгли фикр юритишлари, ўз қизиқишларини тил ҳодисаларини ўрганиш ва тил фактларини англаш йўлига бура олишларидан далолат беради.

[1] Stem W. Die kindersprache.-Leipzig, 1907.; Brown R. The first language.- Cambridge, 1973.

## УЧИНЧИ ҚИСМ

# БОЛАЛАР НУТҚИНИНГ ГРАММАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

## 1. БОЛАЛАРНИНГ ГРАММАТИКАНИ ЎЗЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Ушбу боб катталар тилининг таъсири натижасида мактабгача ёшдаги боланинг индивидуал нутқида она тили грамматикасининг қандай шаклланишини; болада гапнинг турли типлари ва она тилининг грамматик категориялари қандай пайдо бўлиши ва ривожланишини; уларни ўзлаштиришдаги алоҳида босқичлар қайсилар ва буларда тилдаги меъёрийликдан чекиниш қандайлигини; алоҳида категорияларни изчил ва хронологик пайдо бўлиши қандай кечишини кузатишни мақсад қилади.

Бу билан боғлиқ равишда мазкур ишда грамматик ифодага эга бўлган тил категориялари ва тил мазмунининг болалар томонидан ўзлаштирилиш жараёни ўз ифодасини топади.

Юқорида тилга олинган лингвистик ва психолингвистик ишларнинг кўпчилиги болалар нутқидаги сўз-ижодга тааллуқлидир. Сўз-ижод эса тил грамматик қурилишини ўзлаштиришнинг дастлабки босқичи саналади. Сўз-ижод бола нутқи луғат бойлиги жуда ўсганда ва улар нутқидаги сўзлар қиёсланиш имкониятига эга бўлган вақтдан пайдо бўла бошлайди. Мактабгача ёшдаги болаларнинг тайёр сўзлардан ва сўз-ижоддан фойдаланишидаги турли босқичлар айрим экспериментал кузатишларда қайд этилган[1]. Болалар нутқидаги сўз-ижод тадқиқотчилар фикрига кўра, мазмун билан ифодани талаб этувчи жараёнда тайёр сўзнинг мавжуд эмаслигида кўринади. Шу сабабли болалар нутқидаги ёддан чиқарилган сўзларнинг ўрнини неологизмлар тўлдиради.

Болалар нутқини тадқиқ этиш тилшуносликда умумий масалаларни ҳал этишга ёрдам беради. Тилшуносликнинг асосий масалаларидан бири оддий ва мураккаб тил бирликларининг ўзаро муносабати масаласидир.Кенг тарқалган концепцияга мувофиқ дастлаб оддий элементлар юзага келади. Улардан эса мураккаб элементлар шаклланади (бу тилшуносликнинг бўлиниши тартибида – фонетик, морфологик, синтактик сатҳларда ўз ифодасини топади). Анъанавий концепцияга қарши равишда болалар нутқида мураккаб элементларнинг бирламчилигидан мураккаб элементлар тарқалиши ва улар содда элементларнинг шаклланишида асосий ролни ўйнаши ҳақида тасаввур уйғонади. Бундай қарашга бевосита А.А.Шахматов, проф. А.М.Пешковский, академик В.В.Виноградовлар ҳам қўшиладилар[1]. Ушбу ишдан ҳам шу нарса кўринадики, болада грамматик тузилишнинг шаклланиши уларда дастлаб сўз формалари, гап бўлаклари, сўнг нутқ бўлаклари юзага келувчи ва шаклланувчи гапдан бошланади. Бола нутқида келгусида грамматик категорияларнинг шаклланишида асос бўлувчи бошланғич ядро маънодир. Ўзлаштирилган маъно дастлаб грамматик ифодага эга эмас; фақат кейинчалик аста-секин уни ифодаловчи тил воситалари ўзлаштирилади ва бу грамматик категорияга айланади. Шунингдек, масалан, объектни формасиз сўз орқали белгилаш бола нутқида келишик қўшимчалари шакллари билан ифодалашдан анча эрта кўринади.

Демак, бола нутқи хронологик босқичларга кўра гапдан бошланади. Бу шундан ҳам келиб чиқадики, грамматик қурилишнинг тикланишида гап асосий бирлик бўлади ва у орқали болада грамматик қурилишнинг ривожланиши ўз якунини топади. Гапларнинг аста-секин мураккаблашиши ва дифференциацияланиши алоҳида сўз бирикмаларининг типлари ва у ёки бу грамматик категориянинг шаклланишига шароит яратади. Грамматик категориялар, уларнинг ташқи ифодаланиш йўлларини ўрганиш бола алоҳида морфологик элементларни мустақил қўллай бошлаганлиги белгиланган вақтдан бошланади. Бола нутқида морфологик элементларнинг мустақил қўллаётганига аналогиядан фойдаланишлари, шунингдек, мавжуд формаларнинг ўзаро муносабати ва маъносига кўра тўғри қўллашлари асосий

[1] Черемисина М.И., Захарова А.В. Методика исследования окказиональных прилагательных в детской речи. - Новосибирск, 1972.-С.76.

[1] Гвоздев А.Н. Вопросы изучения детской речи.- М., 1961.-С.20.

кўрсаткич бўла олади. Бола томонидан қўлланиладиган сўз ўзида дастлаб морфологик сўз-ўзак қисмига тўғри келмайдиган яхлитликни намоён қилади. Бундай ҳолат тахминан бир йил давом этади. иккинчи ёшдан бошлаб учинчи ёшга қадар сўзларда морфологик элементларнинг ажралиш жараёни рўй беради. Бу жараён бирдан сакраш характерига эга. Морфологик элементларнинг ажралиши турли грамматик категорияларда бир вақтда рўй беради. Шунингдек, бир ой мобайнида, яъни иккинчи ёшнинг охирларидан учинчи ёшгача турли кўринишдаги грамматик категорияларни ифодалаш учун морфологик воситаларнинг эгалланганлиги ҳақида гувоҳлик берувчи феъл ва отларда аналогик қўллаш юзага келади. Хусусан:

1.Отларда грамматик категорияларни ифодалаш; бирлик ва кўплик (сон категорияси) *"болла"* - болалар;

2. Бош ва қаратқич келишиги – *"ута татек"* (укамнинг туфлиси); *"аямди кўнеги"* (ойимнинг кўйлаги);

3. Жўналиш - ўрин келишиги *"уйда"* (уйга) каби;

4. Эркалаш-кичрайтириш аффикслари; *"бабачоқ"* (қўзи); *"кучуча"* (кучук) каби.

Анология асосланиб феълларни ифодалашда қуйидаги категориялар кўринади:

1. Буйруқ майли *"ёзи"* (ёзинг).

2. Замон ифодаси - а) ўтган замон; *"бойди"* (борди); *"аати"* (айтди) каби.

б) ҳозирги замон - *"ичапан"* (ичяпман); *"телапан"* (келяпман); *"дапийапти"* (гапиряпти), *"уйишапти"* (уришмоқда) каби.

в) ҳозирги келаси замон - *"атади"* (айтади); *"ейади"* (ейди); *"телади"* (келади) каби.

Бу ҳолатлар бола яхлит морфемаларни, уларнинг ўзига хос маъноларини ўзи мустақил эгаллаганлиги ҳақида гувоҳлик беради. Шунингдек, бу ўзида болага она тилининг морфологик ва синтактик қурилишини ўзлаштиришга



имкон яратувчи бурилиш босқичини намоён этади. Мактабгача ёш даврида нутқнинг тезкорлик билан ўсиши боланинг предмет фаолияти билан узвий боғланади. Иккинчи ёшда болада уни атроф-муҳитда ўраб турган барча нарсага қизиқиши ортади; у барча нарсани кўришни, англашни, қўлига олишни хоҳлайди. Бу истаклар бола имкониятини оширади ва натижада у катталарнинг мулоқотдаги ёрдамига муҳтож бўлади. Бироқ болаларда мавжуд мулоқот воситалари (ишора, мимика ва алоҳида сўзлар) мулоқотда энди унинг талабини етарли ифодалай олмайди. Натижада, мулоқотнинг янги шакли – актив мустақил нутқ орқали ечиладиган қарама-қаршилик юзага келади. Мустақил нутққа ўтиш жараёни боланинг бутун психик ривожланишидаги муҳим босқич саналади. Энг аввало бу гўдакликдан кичик ёшга ўтишни ўзида намоён этади. Иккинчи ёшнинг иккинчи ярим йили бола луғатининг интенсив ўсиши билан характерланади.

Мактабгача ёшда нутқни эгаллаш мобайнида бола нутқи мураккаблашиб боради – сўзнинг кўп маънолилиги юксак қатъийлик билан алмаштирилади ҳамда сўзнинг предметга тааллуқлилиги аниқ ифодаланади. Иккинчи ёшнинг сўнги босқичларида бола нутқи луғатининг бойишидан ташқари гап грамматик қурилишининг ўзлаштирилиши билан ҳам характерланади. Бу жараёнда биз 2 босқични ажратамиз:

1. 1 ёшу 3 ойликдан, то 1 ёшу 10 ойликкача;

2. 1 ёшу 10 ойликдан, то 3 ёшгача бўлган давр.

Биринчи босқич бу аморф (барча ҳолатларда ҳам ўзгаришсиз бир кўринишда қўлланиладиган) сўзлардан ташкил топади. Бу ерда бир сўзли гапларнинг босқичи аниқ кўрсатилади. Бола нутқидаги дастлабки бир сўзли гаплар турли кўринишга эга бўлади:

1. Аташ типидаги предметни кўрсатувчи гаплар (*"Тоға"; "Хола"* каби);

2. Шахсий илтимос, истакни ифодаловчи мурожаат гаплари *("Нанна"* (нон), *" Умма"* (сув), *"Аша"* (ош), *"Ўппа"* (кўтаринг) каби);

3. Қандайдир ундов ёки автоном сўз орқали ифодаланган гаплар (*"Чиқ-чиқ"; "Ҳам-ҳам"* каби). Булар кўпинча феъл формалари орқали ифодаланади (*"Уха"* (ухлайман); *"Ўйна"* (ўйнайман) каби).

А.Н.Гвоздев болалар нутқидаги сўз гапларни ўз маъноларига кўра, қандайдир хабарни ифодаловчи тугал бутунлик деб белгилайди. Чунки болалар бундай сўзлар орқали нима қилаётганлиги, нимани кўраётганлиги ҳамда маълум дақиқада нима рўй бераётганлиги ҳақида хабар берадилар. Бу ўринда бола нутқидаги сўз ситуацияни ифодалайди. Демак, бир сўзли гапларга бевосита ситуатив нутқ сифатида ёндашмоқ лозим. У суҳбатдошига фақат имо-ишоралар, мимика ва интонациялар орқали тушунарли бўлади. Икки сўзли гапларнинг юзага келиши боланинг энди ўз истакларини янада аниқроқ ифодалашга бўлган эҳтиёжи билан боғланади. Бу ҳолатни қуйидаги мисол билан изоҳлаймиз: Қизалоқ ойисининг у билан бирга ўйнашини илтимос қилиб, *"айа.., айа.., аййа...!"* деб мурожаат қилади. Унинг талаби жавобсиз қолгач, беихтиёр *"аййа ўна", "аййа қайа"* (ойи қаранг) деб гапириб юборади.

Иккинчи босқич эса, грамматикани ўзлаштириш босқичи. Бу босқич грамматик категориялар ва уларнинг ташқи ифодаланиши билан боғлиқ бўлган гап грамматик структураларининг ўзлаштирилиш босқичи саналади. У содда ва мураккаб гап типларининг тез ўсиши ҳамда кўмакчи сўзларнинг ўзлаштирилиши билан характерланади. Уч ёшга борганда бола деярли барча келишиклар ва предмет муносабатларини эгаллайди.

Уч ёшда нутқни тушуниш ҳажми ва сифати ҳам ўсади. Болалар энди фақат нутқ-инструкцияни эмас, балки нутқ-ҳикояни ҳам тушуна бошлайдилар. Бу улар учун муҳим кашфиёт саналади.

Кичик ёшда бола нутқининг товуш томони ҳам ўз якунини топади. У ўзига тилнинг турли фарқловчи товушларини (фонематик қобилияти) ва товушларни тўғри талаффуз этишнинг шаклланишини бириктиради. Дастлаб бола сўз ва фразанинг ритмик-мелодик структурасини, иккинчи ёшининг сўнггида ва учинчи ёшининг бошларида товушларни тўғри талаффуз этишни



эгаллай бошлайди. Бунда катталар томонидан талаффуз этилаётган барча товушларнинг тўғри ва аниқ, нутқ ритми эса у қадар тез бўлмаслиги жуда муҳим саналади. Агар бола нутқи қандайдир нуқсон – товушларни тўлиқ айта олмаслик, шивирлаш, дудуқликка эга бўлса, унда бундай нуқсонлар катталар кўмаги орқали бола томонидан тўғриланишга ҳаракат қилинади. Шундай қилиб, мактабгача ёшда бола она тили грамматик қурилишини фаол ўзлаштиради. Бунда боланинг катталар нутқига тақлид қилиши янги сўзларни билиб олишида муҳим рол ўйнайди. Шуни айтиш керакки, бола дастлабки сўзларни ҳам тақлид орқали ўрганади. Лекин эндиги тақлид характери кескин ўзгаради. Илгари бола онгсиз равишда тақлид қилса, энди боланинг тақлиди активроқ ҳамда мустаҳкамроқ бўла боради. Илгари бола янги сўзни қийинчилик билан ўзлаштирган бўлса, энди ўз луғатини осонлик билан бойитиб боради. Бу билан боғлиқ равишда бола нутқининг грамматик томони ҳам анча ўзгаради. Дастлабки пайтларда нарсаларнинг номини билдирадиган отлар кўпроқ ишлатилади. Бола иккинчи ёшининг сўнггига бориб иш-ҳаракатнинг белгисини билдирадиган баъзи бир равишларни, масалан, *"орқада", "юқорида", "пастда"* деган сўзларни ҳам билиб ишлатадиган бўлади.

Кичик ёшдаги болаларнинг она тили грамматикаси қоидаларини ўзлаштиришлари мактаб болаларининг тил грамматикаси қоидаларини ўзлаштиришидан тамомила фарқланади. Чунки улар грамматик қоидаларни ўқиб, тушуниб ёдларида сақлаб қолмайдилар. Улар от, феъл, сифат, олмош, келишик каби грамматик категорияларнинг борлигини ҳам, улар нима эканлигини ҳам билмайдилар. Шу сабабли болалар грамматиканинг жуда кўп қўлланадиган энг содда қоидаларини катталар нутқи орқали амалий равишда ўзлаштириб борадилар. Нутқнинг ўсиши жараёнида болалар сўз туркумларидан отларни тез ўзлаштирадилар. Отлардан сўнг болалар сўз туркумларидан феълларни ва сифатларни эгаллай бошлайдилар. Феълларнинг шахс қўшимчаларини осонлик билан эгалласалар ҳам, лекин феълларнинг

замонга қараб ўзгаришини дарҳол тўғри ўзлаштира олмайдилар. Кичик ёшдаги болаларда турмуш тажрибаси жуда кам бўлганлиги туфайли ҳам уларнинг нутқида замон формалари ҳали етарли шаклланмаган бўлади. Шу сабабли улар ўз нутқларида феълларнинг замон қўшимчаларини алмаштирадилар. Қуйида болаларнинг она тили грамматик ситемасини, хусусан, сўз туркумлари, уларга хос морфем хусусиятларни ўзлаштиришлари ҳақида сўз юритамиз.

## 2. МОРФЕМАЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ ВА УЛАРДАН ЎРИНЛИ ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Маълумки, морфологиянинг муҳим вазифаларидан бири сўзнинг грамматик тузилишини ўрганишдан иборат. Нутқнинг кичик бирлиги– маъноли қисми бўлган тушунчани англатувчи сўз маъно жиҳатдан оддий бирлик бўлмай, балки лексик маънодан ташқари грамматик маънога ҳам эга. Сўзлар ана шу хусусиятига қараб маъноли қисмларга ажралади. Масалан, (болалар нутқидаги *“қосиқчалай”* (қошиқлар) сўзининг *“қосиқ”* қисми предметни англатса, *“-ча”* қисми кичрайтириш, *-лай* (-лар) кўпликни ифодалайди.

Мана шу ўринда болалар нутқининг морфологик жиҳатларини кўриб чиқамиз. Аниқки, болалар сўзнинг грамматик тузилишини эгалламай туриб, атрофдагиларнинг нутқини тушунмайди, ўзининг шахсий фикрини ифода эта олмайди. Болалар томонидан нутқнинг товуш жаҳатдан эгаллаб олиниши, ундаги луғатнинг бойиши ҳамда активлашуви билан, айниқса, мустаҳкам боғланади. Болада иккинчи ёшда нутқий сифат ўзгаришлари содир бўлади: бола катталарнинг нутқига тақлид қилиб, тайёр сўзлардан фойдаланибгина қолмай, балки грамматик шаклларни ҳам ўзлаштира бошлайди. Бола нутқида тез-тез учраб турадиган хатолар, бу боланинг ўз фикрини ўзича мустақил ифодалашга ҳаракат қилаётганлигини кўрсатади. Бола учинчи ёшида эркалаш-кичрайтириш қўшимчаларига эга бўлган отларни, отнинг кўплик шаклини қўллай бошлайди. Болада фонетик эшитишнинг такомиллашуви ва предметлар



мажмуаси ҳақидаги тушунчаларнинг ривожланиши туфайлигина, айтилишига кўра бир-бирига яқин бўлган бирлик ва кўплик сонлари (*қосиқ – қосиқлай* - лар: қошиқлар) ни фарқлай оладиган бўлади. Лекин кичик ёшдаги болалар нутқи грамматик мазмундан йироқ, яъни улар отнинг қайси келишикка мансублигини, эркалаш-кичрайтириш аффиксларини, отларнинг бирлик ва кўплик шаклларини, келишик қўшимчаларини камдан-кам ўринли қўллайдилар. Масалан: *уйда* (уйга) каби. Демак, бола нутқидаги сўз грамматик қурилишининг шаклланишида грамматик ифода аҳамиятини англаш имконига дастлаб эга эмас, ифода фақат аста-секин тил имкониятларини ишга солиш билан грамматик категорияга айланади. Масалан, бир объектни сўз билан шаклсиз ифодалаш (*уй*) бу объектни жўналиш келишиги билан ифодалашдан (*уйда, уйга* каби) анча илгари юзага келади.

Болалар нутқининг ўзгачалиги лексик элементларда ҳам яққол намоён бўлади:

1. Болалар нутқида от иккиланиб, шу сўз ифодалаган предмет билан боғланган ўйин номини – болалар ўйинини ҳосил қилади. Масалан: *отот* боғланган ўйин номини – болалар ўйинини ҳосил қилади. Масалан: *отот*

(кўпинча *ототакам* формасида қўлланади, ўғил болалар ўйини) *хола-хола* / *халакасим* (*холакам*: қиз болалар ўйини). Болалар нутқидаги бу ясалишга аналогия асосида, шу моделда ҳосил қилинган янги ўйин номлари (ўйиннинг ўзи ҳам аналогия билан яратилган) ҳам тааллуқлидир. Масалан, *кино – кино, боғча – боғча, такси – такси, доктор – доктор, машина – машина, мактаб – мактаб, хола – хола, тўй – тўй* ва ҳоказо.

Бу ясалишда ҳам такрорнинг ўз ўрни бор: ўйиннинг номини отнинг ўзи кўрсатади, иккиланиш эса бу ўйиннинг икки томон (уларнинг шунга боғлиқ ҳаракатни навбатма–навбат бажариши) билан боғлиқ эканлигини билдиради, демак, бу ўринда ҳаракатнинг такрорини ифодалаш ходисасини кўрамиз;

2. Болалар нутқида тақлид асосида сўз ясаш ҳолларини кўп учратамиз. Бундай ҳолларда болалар нутқида сўз иккиланиб, шу товуш билан ҳаракатланадиган предметнинг номини ҳосил қилади:

а) предмет номи: *бибип (бип-би:* авто; *дудут, дидит, дутдут, дитдит:* енгил машина*), пат-пат* (мотоцикл), *тир-тир* (трактор);

б) ҳайвон номлари: *мўмў* (*мў-мўў*-сигир), *миёв* (*миёв-миёв*-мушук), *туту* (*ту-ту-ту*: товуқ), *баба* (*ба-ба: баа*-қўй), *қуқу* (товушга тақлид асосида сўз ясаш: тухум), *чичи* (*чи-чи*: жўжа), *чи-чи-чи* (чигиртка), *так-так* (туфли, ботинка);

3.Бундан ташқари болалар нутқида ҳаракат ва ҳолатни ифодаловчи сўзлар: *пўм чиқдик* (уришиб қолдик маъносида), *пўм бўлди* (йиқилди маъносида);

4. Предмет, нарсанинг номини ифодаловчи сўзлар ҳам учрайди: Масалан: *қаққа* (қанд) ва бошқалар.

Болалар томонидан сўзларнинг морфологик туркумларга ажратилиши ва сўзнинг алоҳида морфологик элементлари (аффикслар)нинг ўзлаштирилиши масаласи алоҳида эътиборни талаб қилади. Бунда аввало шуни белгилаш лозимки, бола нутқида сўзларнинг ўзлаштирилиши сўзнинг морфологик элементларини ўзлаштириш нуқтаи назаридан кескин фарқланади: бола тез-тез ажратилган (изоляция қилинган) сўзларни эшитади, бироқ у изоляциялашган мофологик элементларни ҳеч қачон қабул қилмайди; улар ҳамма вақт болага анча йирик бирликлар – сўз ва сўз бирикмалари шаклида берилади. Боланинг ўзи ҳам улардан анча йирик бирлик сифатида фойдаланади.

Бунга мувофиқ болалар нутқида учрайдиган айрим элементларга таалluқли масала, яъни бола нутқида ҳақиқатан мустақил бирликлар учрайдими ёки улар сўз бўлаклари сингари ташқи ҳолатда учрайдими, деган савол аллақачон ечилиши лозим эди. Фақат биринчи ҳолатда бола нутқида тилнинг конструктив элементлари мавжудлиги ва иккинчи ҳолатда сўзларнинг энг кичик маъновий элемент сифатида қолиши ҳақида гапириш мумкин. Маълум бўлишича, сўзларнинг морфологик бўлинишида исталган тўғридан-тўғри ташқи белгилари мавжуд эмас. Шунинг учун болалар нутқидаги сўзларни у ёки бу морфологик элементларга ажратиш ва болалар нутқида уларнинг



ифодаси учун хизмат қилувчи грамматик категория ва формаларнинг пайдо бўлиш масаласи алоҳида ёндашувни талаб этади.

Бу мураккаб масалани тасаввур этишда уни аниқ кўрсатиш учун алоҳида мисол келтириш қулай саналади. Масалан, эрта ўзлаштирилган сўзлар қаторида кўпчилик болаларда *"дада"* сўзи пайдо бўлади. Ташқи жиҳатдан бу сўз от сўз туркумига хос, грамматик жиҳатдан бош келишикда, бирлик сон формасида. Бироқ, бу бола сўз билан биргаликда унинг грамматик шаклларини ҳам эгаллайди, дегани эмас, яъни бола нутқида пайдо бўлган дастлабки сўз юқорида таъкидлаганимиздек, маъносига кўра яхлитликни ташкил этади, хусусан, дастлабки сўз-ўзаклар *мў* (сигир), *аш* (овқат) ёки *дидит* (машина) кабилар шулар жумласидандир.

Бундай сўзларни яхлит сўз-ўзак сифатида қабул қилиш уларнинг фақат ўзгаришсиз кўринишда (бошқа келишик шакллари кўринмайди) қўлланилиши ҳақида гувоҳлик беради ва уларнинг исталган барча вазифаларда, хусусан, маънога боғлиқ равишда қўлланилиши лозим бўлса ҳам, ҳеч қандай ўзгаришсиз қўлланилади. Масалан: *мен уй бо* (мен уйга бораман), *сен уха* (сен ухла) каби. Шунингдек, *"дада"* сўзининг бош келишик вазифасига ўтиши семантик функция мувофиқлиги ажралгандагина рўй беради. Бунинг энг муҳим шартларидан бири аввало бу ифодани маълум семантикада (айни субъектнинг белгиланишини) қўллаш ва бош келишикнинг бошқа ифодалари билан (масалан, ойи - "*ая*" каби ўз маъносида қўлланувчи) муносабатини ўрнатишдан иборат. Семантик шартланган ўхшаш муносабатларсиз алоҳида уядан тузилган ифодалар яхлит сўз-ўзак ҳолича қолади. Болалар нутқидаги дастлабки худди шунга ўхшаш "*бей*" (бер!) сўзи ҳам маъно жиҳатдан одатий *"бер!"* сўзига мувофиқ келса-да, эрта босқичда феълнинг бошқа майллари қаторидаги, яъни буйруқ майлининг бошқа шакллари (*борай, боринг, айт!* ва ҳоказо) сингари буйруқ майли формаси деб тан олинмайди. Бола нутқидаги дастлабки

вақтларда улар ҳам ўзининг антоними *"ол"* сингари юқоридагидек сўз-ўзак саналади[1].

Шу сабабли бу масалани ҳал қилишда бола нутқида маълум шакл билан биргаликда унга мувофиқ асосий талабга жавоб бера оладиган ҳамда ўша ўзакка мос келадиган ва маъносига кўра тўғри қўлланиладиган бошқа шаклларнинг ҳам пайдо бўлишига эътибор берилади.

Бундай мувофиқ шакллар сифатида масалан, бир асосдан ифодаланган шакллар:

а) бирлик ва кўплик сон шакллари (*баба-бабала*);

б) ҳозирги ва ўтган замон шакллари (*ичапан-ичдим*);

в) бир сўзнинг келишиклардаги турланиши (*уй-уйга- уйда*);

г) эгалик аффикслари (*татек, татеки, татеким*) ва бошқалар қаралади.

Демак, тил структураси кучига мувофиқ шакллар бирданига иккидан кам бўлмаган гуруҳ кўринишида пайдо бўлади. Шунинг учун масалан, эҳтимол бунинг тасдиғи учраганда феъл (ҳозирги ёки келаси) замонларидан бири бола томонидан бошқасига нисбатан эртароқ ўзлаштириларди. Бошқа замонлар билан ўзаро муносабатсиз у мавжуд бўлиши мумкин эмас, шунинг учун замон шаклларининг пайдо бўлиши фақат энг камида икки замоннинг ўзлаштирилишида кўринади.

Айни вақтда, ўзаро муносабатдаги шаклларнинг мавжудлиги, ҳақиқатан ҳам бола нутқидаги сўзлар морфологик элементларга мос тузилиши шундайлигидами, деган саволга тўла жавоб бўлмаслиги мумкин. Бироқ, асосий кўрсаткичи сифатида бола томонидан мустақил яратилган аналогия - ўхшашликка мувофиқ келувчи ифодаларнинг юзага келиши хизмат қилади.

Болаларнинг ўхшашликлар (аналогиялар) асосида янги сўз ятатишлари ўзгача аҳамиятга эга. Бунда бола бир сўзнинг ясалишини англаб етади-да, бошқа сўзларни ясашда ҳам худди шу усулдан фойдаланади. Бу боланинг

[1] Демак, бола нутқида пайдо бўлган у ёки бу формаларнинг, шунингдек, дастлабки у ёки бу бўлакларнинг пайдо бўлиши унда маълум нутқий бўлаклар ёки категорияларнинг шаклланганлиги ҳақида гувоҳлик бермайди.



сўзнинг грамматик тузилиш қонун-қоидаларидан йироқлигини кўрсатади. Масалан, *чўжача* сўзидаги **–ча** кичрайтириш аффикси ортиқча, чунки *жўжа* сўзининг ўзида кичрайтириш маъноси мужассамлашган.

Кичик ёшдаги болалар нутқида бундай ўхшашликлар асосида сўз ясаш манбаи етарли даражада бой бўлиши билан бирга морфологик тузилишларнинг барча томонларини ўз ичига қамраб олади. Болаларнинг ўхшашликларга асосланиб мофологик жиҳатдан сўз ясашлари тил нормасига мувофиқ бўлмайди. Бундай ясаш тавтология ҳисобланади.

Бунга мисол тариқасида от сўз туркумига кирувчи сўз ифодаларини олишимиз мумкин. Масалан: **-ча.** Ўзбек тилидаги бу аффикс ёрдамида ясалувчи шакл асосан кичрайтириш маъносини ифодалайди. Болалар нутқида у қуйидаги ҳолатларда қўлланилади: *чинчаоқча* (синчалок); *бабачоқча* (қўзи); *кучуча* (кучук); *чўжача* (жўжа); *қуоқча* (қулоқ); *босча* (бош); *жижича* ( кичкина бола, чақалоқ) каби.

Бола сўзларни бундай ясаш орқали предметни атабгина қолмай, балки унга бўлган муносабатини ҳам (бу ўринда эркалаш-кичрайтиришни) ифодалайди. Масалан: **-чоқ** аффикси (бу аффикс ёрдамида *той, келин, қўзи* каби икки-уч сўздагина кичрайтириш маъносини ифодаловчи шакл ясалади). Бу болалар нутқида қуйидаги кўринишларда акс этади: *бабачоқ* (қўзи); *айиқчоғим* (айиқчам маъносида).

Бу ҳолатлар боланинг ўз нутқида тилнинг мустақил элементи сифатида алоҳида морфологик қисмлардан фойдаланишини кўрсатади. Шунинг учун аналогик ифодалаш орқали грамматик қурилишни ўзлаштиришда биринчи даражали маънони кашф этадилар.

Шундай қилиб, грамматик шаклларнинг пайдо бўлишини ўрганишда қуйидаги ҳолатларга:

а) бола томонидан уларнинг эрта қўлланилиши маъно жиҳатдан тўғри ёки нотўғри қўлланилиши ҳисобига боғлиқлигига;

б) ўзаро муносабатдаги шаклларнинг қўлланиши ҳолати, асосан, айнан бир хил ўзаклар, шунингдек, уларнинг маъноси билан боғлиқлигига;

в) ўзаро муносабатдаги шакллар, яъни бола томонидан ўхшашликлар бўйича ифодаланган мустақил ифодаларга эътибор бериш лозим.

Болалар нутқидаги аналогик ифодаларнинг кўплиги ва хилма-хиллиги кўп ҳолатларда бола нутқида маълум форманинг мавжудлиги ҳақидаги масалани ечишни бироз енгиллаштиради. Бироқ, шуни белгилаш лозимки, аналогик ифодалаш ҳамма вақт мумкин эмас, чунки бундай ўхшашликлар маълум шароитлардагина ифодаланади, яъни айнан:

1. Бир хил грамматик бирликлар бола нутқидаги ўз ифодасида товушнинг бир қанча вариантларига эга бўлса (масалан, жўналиш келишиги);

2. Ўзаро муносабатдаги шакллар орасида турли товуш кўринишидаги ўзаклардан ифодаланса, масалан, "*одам*", "*киши*"; "*кетяпман*", "*кетятувди*" каби ёки турли фарқловчи товушлардан тузилган ўзаклар: *рўмол*- рўмол-ча; *ая*-она; *кучучага- кучучалайга*; *сув- сувга* каби;

3. Бола тилда мавжуд бўлмаган шаклларни ифодалаганда, масалан: *кенгуру - кенгур-а* каби.

Маълумки, ўзбек тили ўзининг ўзаклари ва бир хил морфологик элементларнинг бир хил товуш ифодасидаги бой фарқланувчилиги билан бола нутқидаги грамматик қурилиш эволюциясини аниқлашда қулай имконият яратади. Буни, айниқса, кичик ёшдаги болалар нутқида сўз туркумларининг ифодаланишида ҳам кўриш мумкин.

**От сўз туркуми**

Отлар болалар нутқида биринчи сўзлар қаторида пайдо бўлади. Бошида улар гап таркибида, турли шаклларга талаб мавжуд бўлса-да, ўзгаришсиз ҳолатда қўлланилади. Бош келишикнинг бирлик формаси бундай дастлабки шакл саналади. Отга хос бўлган бошқа ўзгаришлар бу дастлабки кўриниши билан ўзаро муносабатда бўлади, натижада отларнинг қолган бошқа шакллари юзага келади.



Болалар нутқида отлар товуш кўринишида камдан-кам ўзгаришга учрайди, масалан, бош келишикдаги *сут* (сут) сўзи тез-тез қўлланиладиган "*сутни бер*" ифодасига боғлиқ ва ҳоказо. Отларнинг бундай ўзгаришсиз ҳолатда қўлланиши бола нутқида дастлабки ўзаро муносабатдаги шакллар; бирлик ва кўплик сон категорияси, эркалаш-кичрайтириш субъектив баҳо формалари, сўнг бош, қаратқич, жўналиш келишиги қўшимчалари пайдо бўлгунга қадар давом этади. Тахминан икки ёшларга борганда отлардаги морфологик элементларнинг ажралиши ва улардан дастлабки категорияларнинг шаклланиши ҳақида гувоҳлик берувчи бу шаклларнинг ўхшаш (аналог)лари пайдо бўла бошлайди.

**Сон категорияси**

Дастлабки узоқ вақт мобайнида бола нутқида отга хос бўлган кўплик сон категорияси формалари умуман кўринмайди. Кузатувларимизга асосан 1 ёшу 9 ойгача бўлган болалар нутқида отлар фақат бирлик шаклида ифодаланади[1]. Бирлик ва кўплик шакллари маъносига кўра биринчи бор тўғри ҳолатда иккинчи ёшнинг бошларига бориб қўлланила бошлаганлигининг гувоҳи бўламиз. Масалан: *бола-болла* (болалар); *опа-опала* (опалар); *нанна-нанналай* (нонлар) каби.

Лексик жиҳатдан кўпликни ифодалаш ҳам тахминан худди ўша вақтга тўғри келади (*кўз, оёқ, қош* каби). Болалар нутқида дастлабки отларга хос категориялардан сон ўзининг аниқ-конкретлигига кўра биринчи бўлиб ўзлаштирилади. Болада бир предметнинг предметлар гуруҳидан ажратиб ифодаланиши бевосита унинг кузатуви билан боғланади. Бунда белгиланган миқдор (иккита, учта ва ҳоказо) кечроқ ўзлаштирилишини белгилаш лозим.

Кўплик формаси –лар аффиксида "р" товуши кўпинча туширилади ёки "й" товуши билан алмаштирилади. Масалан: "*опала – опалай* (опалар);

[1] Фарғона шаҳар 9-10 сон боалар боғчасида (1-2 ёшдаги) болалар устидан ўтказилган кузатувларга кўра қайд этилди.

*мўмўла –мўмўлай* (сигирлар); *питопла – питоплай* (китоблар); *қоғозла – қоғозлай* (қоғозлар) каби. Кўплик сонининг мустақил кўрсаткичи сифатида лексик жиҳатдан жуфт отларнинг бирлик маъносида қўлланиши ҳолатларида ифодаланиши саналади: *калишла* (калишлар), *кўзла* (кўзлар), *папоқла* пайпоқлар), *татекла* (оёқ кийими –туфлилар) каби. Бундай ҳолатда қўллаш изчил саналади ва узоқ муддат (8 ёшгача) давом этади. Бунга санаш мумкин бўлмаган отларнинг қўлланиши ҳам мисол бўла олади. Масалан: *кайтошкала* (картошка); *шакайла* (шакар); *сувла* (сув); "*у ейда узумла бой* (У ерда узумлар бор)", "*оқ қантла бей* (оқ қанд беринг!)" ва ҳоказо.

Бу мисолларнинг барчасида алоҳида предмет гуруҳлари ва уларни онгли равишда кўплик шаклида қўлланилиши ҳақида гап бормоқда. Кўринадики, бирлик формасини қўллашдаги мустақиллик ва онглилик уларнинг бирлик формасига эга бўлмаган (*узумла*-узум, *оқ қантла*-оқ қанд, *шакайла*-шакай каби) отларда ҳам қўлланиши ҳақида гувоҳлик беради. Бу ҳам узоқ вақт (7-8 ёш)гача кузатилади[1]. Бола томонидан отларда қўлланиладиган кўплик шаклларининг сон-саноқсизлиги уларнинг катталар ортидан оддий такрорлашини намоён этади ва бундай ҳолат ҳар бир ходисани алоҳида махсус ўрганишни талаб этади.

Маълумки, одатда кўплик шакли бир қанча предметларнинг жамлигини, кўплигини кўрсатади. Фақат айрим ҳолатларда унинг алоҳида маънода қўлланилиши қайд этилади:

1. Санаш мумкин бўлмаган отларда жамлик маъноси: *сувла музлади*;

2. Фарқловчи турларни ифодаловчи отларда: *Мана боғларда ва ўрмонларда яхши ҳаволар, бошқа етларда эса ёмон* (7 ёш);

3. Конкрет ходисаларни: *Агар мен туғилмаганимда, унда мени туғилганларим* (туғилган куним) *бўлмасди* (4 ёшда)[2]. Хронологик жиҳатдан

[1] Гўзал (8 ёш), **Маҳмуда** (7,5 ёш)лар устидан ўтказилган кузатувга кўра қайд этилди.
[2] **Маҳмуда** (7,5 ёш), Дилноза (4 ёш)лар устидан ўтказилган кузатувларга кўра қайд этилди.



4. бирлик ва кўплик сон категорияси шакллари отдаги келишикларнинг (қаратқич, жўналиш, ўрин келишигига нисбатан) бош келишикнинг шаклига мос келадиган бирламчи кўринишига нисбатан анча эрта ифодаланади.

**Бош келишик**

Бола нутқида пайдо бўладиган от туркумидаги дастлабки сўзларнинг, юқорида белгиланганидек, товуш қобиғида бош келишик қўлланилади. Бу бирламчи кўринишни албатта, сўз-ўзак ҳолида қараш мумкин, чунки бир томондан исталган бошқа ўзаро муносабатдаги шакллар мавжуд эмас ва бошқа томондан – бу "шакл" бошқа келишиклар қўлланиши лозим бўлган ўринларда ҳам қўлланади. Масалан: *санрди* - а) сандиқ; б) сандиқда; *опа* – а) опа; б) опанинг сумкаси каби.

Иккинчи ёшдан сўнг бош келишик кесим сифатида қўлланила бошлайди. Масалан: бу – "*питоп*" (китоб); "*қаққа санрди*" (қанд сандиқда). Ушбу мисолда ўрин келишиги бош келишик 0 (нолр) шаклида ифодаланган.

Тегишлилик, яъни қарашлилик ҳам болалар нутқида кўпинча бош келишик 0 (нолр) шаклида қўлланилади. Масалан: "*йучка опа*" (опамнинг ручкаси); "*хола сумта*" (холамнинг сумкаси) каби.

**Тушум келишиги**

Келишик шаклларини чегаралаш бош ва тушум келишигининг қарама-қарши қўйилишдан бошланади. Бунда ҳаракат объекти анча эрта, биринчи ёшнинг охирга бориб, ифодалана бошлайди, бироқ дастлаб отнинг ўзгаришсиз бирламчи – "бош келишик" шаклида қўлланилади. Кўплаб мисоллар орқали кўринадики, бу ҳолат бола томонидан объект мазмуни у грамматик ифодани олгунга қадар ўзлаштирилиши ҳақида гувоҳлик беради. Демак, бу маъно маълум категориянинг шаклланишида, сўнг она тилидаги (тушум келишиги) грамматик воситаларининг ўзлаштиришида бирламчи элемент саналади. Грамматик ифодадаги субъект ва объект ҳаракатини чегаралаш отлардаги турли қўшимчаларга эга бўлган бош ва тушум келишиги қўшимчаларини чегаралаш орқали юз беради. Шунингдек, дастлаб: *"татек бей"; "омма*

*...йиман"; "питоп ўқи"; "туқум бей"* ҳолатида бош келишик шаклида қўлланилади.

Тушум келишиги, одатда, объект ҳаракати асосан оддий бўлган, яъни предметларни узатиш, жойлаштириш каби маъноларни англатган (бермоқ, солмоқ, қўймоқ, ташламоқ) феълларга боғлиқ равишда қўлланилади. Объектни ифодалаш мақсадида тушум келишигини ишлатишдаги мустақиллик, шунингдек, бу шаклдан жонли предметларни ифодалашда ҳам фойдаланишда кўринади. Тушум келишиги ўзлаштирилиб бўлингандан сўнг, жонсиз предметлар билан бир хил шаклларнинг қўлланиш тенденцияси аниқ ифодаланади ва айнан мана шунда жонли ва жонсиз объектларнинг умумий ифодаси намоён бўлади. Ва аста-секин фақат жонли объектлар тушум келишиги қўшимчасини олади ҳамда жонсиз объектдан бевосита ажрала бошлайди. Отлардаги жонли предметларни ифодаловчи тушум келишиги қўшимчаси бош келишик орқали икки ёшдан тўрт ёшгача қўлланила бошлайди.

**Қаратқич келишиги**

Қаратқич келишиги бола нутқида деярли тушум келишиги билан бир вақтда пайдо бўлади ва дастлаб маъноси жиҳатидан қисман ҳаракат объектини ифодалашига кўра тушум келишиги маъносига яқин туради. Бу келишик қўшимчасининг бош келишик қўшимчаси билан ўрин алмашуви камдан-кам ҳолатларда кузатилади: *сумта опа* (опамнинг сумкаси) каби.

Кузатувларимизга асосан, бу келишик қўшимчаси кўпинча тушум келишиги қўшимчаси орқали ифодаланади: *утани татеки* (укамнинг туфлиси); *аяни хоҳойи* (ойимнинг кўйлаги) каби[1].

**Жўналиш келишиги**

Жўналиш келишиги тушум ва қаратқич келишигига нисбатан анча кеч пайдо бўлади. Унинг қўлланишида маъно жиҳатдан унча хилма-хиллик кўринмайди: *ая бо* (ойимга бораман); *уй бо* (уйга бораман); *дада бе* (дадамга беринг); *опа бе* каби.

[1] Замира (3 ёш), Дилшод (2,5 ёш) лар устидан ўтказилган кузатувларга кўра қайд этилди.



Болалар нутқидаги жўналиш келишиги кўпинча, ўрин-пайт келишиги орқали берилади. Бунда –да ўринни-статик белгини эмас, балки жўналиш келишигидаги –га нинг эваз-динамик белги маъносини ифодалайди: *уйда боямап* (уйга бораман); *утада бейаман* (укамга бераман) каби.

**Ўрин-пайт ва чиқиш келишиги**

Бу келишик қўшимчалари бола мустақил нутқни эгаллаган, адабий тилнинг грамматик меъёрларини ўзлаштирган вақтлардан қўллана бошлаганлиги сабабли бу келишик формалари бошқа келишик шаклларига нисбатан кеч кўриниши кузатилади.

**Феъл сўз туркуми**

**Феъл** сўз туркумини эгаллашга тайёргарлик дастлабки сўзлардан бошланади. Бир сўзли гаплар босқичида (1.5–2 ёшгача) ҳаракатни ифодаловчи сўзлар юзага чиқади. Уларнинг кўпчилиги ўзида буйруқ майли (*бо-бор!*) ва инфинитив (*бей-бермоқ!*) шаклларининг ўзлаштириб олинганлигини кўрсатади. Уларнинг ҳар иккиси ҳам бир хил талаб ва истакни англатади. Айнан мана шу белги болалар нутқида **феъл**ларнинг шаклланишидаги асосий пункт саналади. Улар билан биргаликда болалар нутқида ҳаркатни ифодаловчи махсус болалар сўз-ўзаклари мавжуд бўлади (*утта* – айланмоқ; *ўппа* – кўтармоқ каби).

Кейинги босқичда, икки сўзли гапларда, буйруқ майлидан ташқари субъект томонидан бажарилаётган ҳаракатни ифодалаш кўрина бошлайди. Бу ҳаракатлар асосан болаларга хос сўзлар орқали ифодаланади. Масалан: *ута алла* (укам ухлади); *ўтоқ и-и-и* (йиғлаяпти).

Айни вақтда фақат субъект ва объектга эътибор берилади, ҳаракат ўрни сўз орқали камдан-кам ифодаланади, ҳаракат номи эса туширилади. Масалан: (*дада сув* –дадам сув қуйди) каби.

Ҳаракат номи пайдо бўла бошлаганда, энди феъл гапнинг сўнгида, яъни объект номидан сўнг жойлаштирилади. Масалан: *опа питоп ўқи* (опам китоб ўқияпти) каби.

Дастлабки феъл категориялари бола нутқида умуман сўзнинг морфологик элементлари пайдо бўла бошлаган бир ярим-икки ёшгача бўлган босқичда кўрина бошлайди. От сўз туркумига (масалан, бош келишик сингари) қарши ўлароқ, фарқли равишда феълларда бошқа барча ўзаро муносабатдаги ўзлаштирилган формалар сингари бирламчи формация мавжуд эмас. Турли феъллар дастлаб турли "шакллар"да пайдо бўлади. Алоҳида феълларнинг бундай дастлабки "шакллари" кўпинча 2-шахс бирлик формасида қўлланади. Феъл категориялари шаклланишининг бошланишида ўзлаштирилган феъл запаслари биринчи ёшнинг охири, иккинчи ёшнинг бошларида бола луғат составида 50 сўзни ташкил этади. Бундан кўпчилиги буйруқ майлидаги феъллардан иборат бўлади. Яъни: *бей* – бер!, *ўппа* – кўтар!, *ёзи* – ёзинг! каби: кейинги ўринни инфинитив формадаги феъллар эгаллайди. Масалан: *уха* (ухламоқ), *бей* (бермоқ), *яз* (ёзмоқ) каби.

Бола нутқи ривожланган сари ўтган замон шакллари ифодалана бошлайди. Масалан, "*татек йўқ*" (йўқолди), "*ая йўқ*" (кетди) каби. Ҳозирги замон шакллари: "*бабў ав-ав*" (ит вовиллаяпти); "*ўтоқ и-и-и* "(ўртоқ йиғлаяпти) каби.

Бу формаларга феълнинг яна янги ҳосил бўлувчи шакллари келиб қўшилади. Натижада бу билан боғлиқ равишда феълнинг грамматик маъно ва ташқи ифодага эга бўлган ҳақиқий шакллари юзага келади[1]. Мана шу вақтдан бошлаб феълнинг турли категорияларини интенсив ўзлаштириш бошланади.

### Сифат сўз туркуми

Болалар нутқида сифатлар жуда кеч пайдо бўлади. А.Н.Гвоздевнинг таъкидлашига кўра ҳам, икки ёшгача болаларда гарчи от, феъл ва уларга хос турли грамматик категориялар ўзлаштирилишига қарамай, улар томонидан фақат уч сифат ўзлаштирилганлиги аниқланган[2].

Сифатларнинг дастлабки белгилари ва семантик кўринишлари болалар нутқида катталар нутқига боғлиқ равишда қўлланиладиган жумлаларда

[1] Маълумотлар кузатувларимизга кўра қайд этилди.
[2] Гвоздев А.Н. Вопросы изучения детской речи. - М., 1961.- С.437.



семантик пайдо бўла бошланишидан белгиланади. Масалан, *хохой тўйнек* (янги кўйлак); *хохой татек* (янги туфля); *таатта бабў* (катта ит); *қиха опа* (ёмон опа) каби.

Икки ёшдан сўнг болалар нутқида бошқа сўз туркумларига нисбатан гарчи кам кўринса-да, сифатларнинг қўлланиши тез суръатда ортади. Айни мана шу вақтда уларнинг пайдо бўлиши бола нутқида алоҳида категориянинг юзага келганлиги ҳақида гувоҳлик беради.

От сўз туркумига қарши ўлароқ, сифатларнинг ўзлаштирилиш жараёнидаги миқдори жуда кам[1]. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, икки ёшдан икки ёшу олти ойгача бўлган даврда болалар нутқидаги сифатларнинг сони 23 тани ташкил этади. Уларнинг кўпчилиги сифат-белгини ифодаловчи сифатлар: улар сифатларнинг асосий адресини ташкил этади. Бундай сифатлар қуйидагилар:

1. Ҳажм (*таатта-катта; чичина-кичкина* каби);
2. Ранг: (*опоқ – оппоқ; қиҳ – қий – қора; кижил-қизил; сайиқ-сариқ* ва ҳоказо;
3. Маза–таом: (*шийин – ширин; ачук – аччиқ* каби);
4. Ҳароратни: (*папа – иссиқ; шовуқ – совуқ* каби).

Болалар нутқида сифатларнинг от ва феълга нисбатан кечроқ қўлланиши ва отга хос сўзлар олдидан уларнинг ифодаланиши болалардан алоҳида ўзлаштиришни талаб этади.

### Олмош

Маълумки, морфологик жиҳатдан олмошлар ўзига хос қатор хусусиятлари билан бошқа сўз туркумларидан фарқ қилади.

Олмош - ўз шаклларининг кўплиги, уларнинг айримлилиги ва хилма-хиллига қарамай, бола нутқида пайдо бўлган вақтдан бошлаб тўғри ҳолатда қўлланилади. Бу, эҳтимол, шу билан изоҳланадики, олмошлар катталар нутқида қандай қўлланса, болалар томонидан айнан ўзлаштирилади. Балки бу

[1] Маълумотлар Фарғона шаҳар 9-11 сон болалар боғчасида ўтказилган кузатувларга кўра қайд этилди.

шаклларнинг ўзига хослиги яна уларнинг она тилидаги сўзнинг типик морфологик структурасидан кескин чекиниши билан ҳам боғлиқдир. Барча эҳтимолларга қарамай, олмошлар бола учун от ва сифатлардан фарқли ўзак ва қўшимчага аниқ ажратиладиган морфологик ифодага эга эмас. Бунинг изоҳи, аввало, улар катталар нутқи намуналарига мувофиқ тўғри ҳолатда ишлатилишидаги ўзига хослигидадир. Олмош шаклларининг мустақил конструкциялашга уринишни намоён этувчи шакллардан баъзи ҳолатларда чекиниши, бу ҳолатларда юқорида қайд этилган тенденциянинг қўлланиши ҳақида гувоҳлик беради. Бу қуйидаги ҳолатларга тааллуқлидир:

1. Олмошлардан дастлаб кишилик олмошлари эгалланади: *мен, сен, у, биз, сиз*, лекин уларни бола кўпинча, бирликда қўллайди. Кўпликда бу олмошларнинг қўлланишида – лар кўплик аффикси туширилади. Бола олмошларни эгаллаганда *сен* ва *сиз* олмошларини алмаштиради. Кўп ҳолатларда ҳурмат маъносидаги "*сиз*" ўрнида "*сен*" олмошининг қўлланилиши, бола нутқида кўплик, яъни "з" фонемасининг кичик ёшдаги болалар нутқида ҳали эгалланмаганлиги ҳақида далолат беради. Бу асосан бола эрта ёшида юқорида қайд этилганидек сирғалувчи товушларга нисбатан бурун ундошларининг анча эрта эгалланиши билан ҳам боғлиқдир;

2. Сўроқ олмошларидан фойдаланишда бола дастлаб соф сўроқ юкламалари шаклларини қўллай олмайдилар. Улар кўпинча - а? шакли орқали ифодаланади.

Боланинг актив луғати ўсиб борган сари унинг нутқида *Нима? Нимага, Нима учун? Уларнинг ойиси ҳам уришадими? У ҳам яхши болами*? каби сўроқлар билан мурожаат қилиши ортиб боради. Болалар нутқида *Нима? Нимага? Нима учун? Нима сабабдан?* каби сўроқ олмошларидан *Нима*? сўроқ олмоши энг актив қўлланилади.

Шу ўринда олмошларнинг алоҳида шакллари қандай пайдо бўлишига мисоллар келтирамиз:



I шахс бирликда "*мен*", қаратқич келишиги "*мени йучкам*", тушум келишиги "*мени уришдилар*", жўналиш келишиги "*менда бей*", ўрин келишиги "*менда бой*". Ушбу формаларнинг семантик хусусияти бола нутқий ситуациясида ойдинлашади. Масалан: *менда бей* – жўналиш келишиги (менга бер); *менда бой* – ўрин келишиги (менда бор); *менда ол* – ўрин келишиги (менда, ол) каби;

II шахс бирликда: сен, сени, сенинг. Масалан, *сени тўйдим* – тушум келишиги (сени кўрдим); *сени алам*–қаратқич келишиги (сенинг қаламинг); кўпликда: *сиж – сизи*, – қаратқич келишиги; *сизи, сиза* – жўналиш келишиги; *сизда* – ўрин келишиги; *сиздан* – чиқиш келишиги каби.

Олмошларнинг бундай ҳолатларда қўлланишида у қадар ўзига хослик кўринмайди.

## Сон сўз туркуми

Болалар нутқида соннинг эгалланиши жуда секин кечади, улардан дастлабки сонлар онгли равишда мактаб ёшига етганда ўзлаштирилади.

Кузатувларимиз давомида ҳам, соннинг болалар томонидан эгалланиши анча узоқ муддатни ва кўп вақтни ҳамда махсус тайёргарликни талаб этишининг гувоҳи бўлдик[1]. Болалар нутқида сонлардан дастлаб эрта ёшда 1 сони кўрина бошлайди. Боладан унинг ёши сўралса, бола онгли равишда эмас, балки сонни нутқида аниқ ифодалай олмаса-да, шартли равишда бармоғи орқали ифода этади.

Сонлардаги морфологик структура ва синтактик боғланишни ўзлаштиришнинг ўзига хослиги уларнинг отлар билан бирикувидан келиб чиқади. Шунингдек, бола сонга хос алоҳида формаларни эгаллашдан олдин уларнинг аниқ миқдорини ўзлаштира бошлайди. Болалар нутқида учраб турувчи шундай бирикмалар ("100ой", "1000та ҳарф") булар юқоридаги фикрларни тасдиқлайди.

[1] Маргиёна (2,5 ёш), Темур (8 ой) лар устидан ўтказилган кузатувларга кўра қайд этилди.

Сонларни синтактик қўллаш эса мураккаб жараённи, яъни уларнинг отлар билан боғланиши ва сонлар боғланаётган предмет сонини ўзлаштиришни тақозо этади.

## 3. СИНТАКТИК ИМКОНИЯТЛАР. БОЛАЛАР НУТҚИДА ГАПНИНГ СТРУКТУР ТИПЛАРИ

Болалар томонидан тилни эгалаш жуда тезлик билан кечади. Бу бола биринчи ёшининг охирига бориб, дастлабки сўзни эгаллаган вақтдан бошланади. Қисқа вақт мобайнида, тахминан икки ярим йил оралиғида бола нутқи энг оддий ифодадан англанган ифодагача, грамматик тўғри гаплардан тузилган қочириқ нутққача шиддат билан ўсади. Болалар она тилининг грамматик қонунларини тўрт-беш ёшида махсус ўқитишсиз эгаллайдилар ва бу ёшда улар кўплаб морфологик ҳамда синтактик қонуниятлардан тўғри фойдаланадилар. Бу қонунлар ўз ичига сўз формаларини тўғри ифодалаш ҳамда гапларни тўғри тузиш қонун-қоидаларини ҳам қамрайди.

Синтаксисни эгаллагандан сўнг болалар сўз маънолари ва гаплар семантикасини ҳам жуда тез ўзлаштирадилар. Болалар нутқи лексик қатламининг ўсиши ҳам, албатта, гапириши, тушунишига боғлиқ равишда ортиб боради. Бироқ уларни ўраб турган атрофдагилар билан тўлиқ мулоқот қилишлари учун грамматик қонуниятлар ва сўзларнинг маъноларини тушунишнинг ўзи кифоя қилмайди. Болалар яна албатта, ўз ифодасини ва кўзлаган мақсадни тўла ва аниқ етказиб бериш имкониятини эгаллашлари лозим. Бунинг учун тилнинг прагматик аспектларини: суҳбатлашиш қоидаларини, одамларга нисбатан хушмуомалалик шаклларини, тенгдошлар ва катталар билан қандай гаплашиш лозимлигини, қисқаси турли социал шароитларда тилдан тўғри фойдаланиш имкониятларини ҳам эгаллашлари зарур.

Болаларнинг тилни эгаллаши ва қўллашида тез натижаларининг асосий сабаби нимада? Лингвистик структуралар нутқ, тафаккур ва эслаб қолишда қандай кўринишда ўзлаштирилади ва қўлланилади? Тилни эгаллаш биологик факторларга қай даражада боғлиқ? Эрта кичик ёшда ўқитиш ишларининг олиб борилиши лингвистик қобилиятнинг ривожланишига таъсир этадими? Бу ва бунга ўхшаш кўплаб саволлар болаларнинг она тили имкониятларидан тўғри ва таъсирли фойдаланишини таҳлил қилиш масалалари билан шуғулланувчи психолингвистларнинг тадқиқот предметига айланди. Лекин бир неча бор қайд этилганидек, болалар нутқининг лингвистик томонлари фанда ҳамон очиқ қолмоқда.

Маълумки, кичик ёшдаги болалар ўзлари талаффуз этаётган сўзларга нисбатан кўп сўзларни биладилар ва тушунадилар. Шундай кўринишда тушуниш ифодалашга нисбатан тезроқ кечади. Болалар кўпинча, гапиришни эгаллашларига қадар *“Сўргичинг қани?”*, *“Сут идишинг қани?”*, *“Мушукни эркала”* каби саволларга хатти-ҳаракати орқали жавоб қайтарадилар. Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, болалар 10 та сўзни талаффуз этиши ва ўртача 50 сўзни тушуниши мумкин. Иккинчи ёшнинг бошларига борганда бола луғати янги сўзлар билан бойийди, унинг луғатига яна 20-30 та сўз қўшилади, бироқ у 9та янги сўзни талаффуз эта олади[1]. Боланинг сўзни англаш даражаси ундаги нутқнинг ўсиши билан белгиланмайди, чунки кам гапирган бола кўп сўзни қўллай оладиган ва мураккаб конструкциялардан фойдалана биладиган болага нисбатан кўп сўзни билиши мумкин.

Бола нутқидаги биринчи сўзлар кўп ҳолларда бир ёки икки бўғиндан иборат бўлади. Масалан: *“ойи”*, *“дада”*, *“нанна”* каби. Бу сўзлар одатда, бола учун муҳим ва характерли кўринган маъноларни ифодалайди:

1. Ҳаракат (*бер, юқорига*);
2. Бола учун муҳим шахсни (*ойи, дада*);
3. Овқатни (*сут, нон* каби);
4. Юз аъзолари (*бурун, кўз, қулоқ*);
5. Кийим ва пойабзал (*шапка, пайпоқ, туфли*);

[1] Фарзандларим Марғиёна ва Темурлар устидан ўтказилган кузатувларга кўра қайд этилди.

6. Ҳайвонлар (*баба, бабў, миёв*);

7. Идиш-товоқ (*пиёла, қошиқ*);

8. Ходиса ("*увв*"- шамол, баъзи ўринда учди);

9. Автомобил (*дидит, тиртир*) каби.

Бола бу вақтда *стол, стул, парта* каби сўзларни жуда кам ҳолатларда қўллайди. Биринчи пайдо бўлган сўзлар орасида баъзида, "*истайман*", "*қорним оч*" каби бирикмалар ҳам учрайдики, бу боланинг фақат предмет, ходиса номини атовчи сўзларнигина эмас, балки киши ҳолатини ифодаловчи сўзларни ҳам қўллай олишини кўрсатади.

Болаларнинг бу ёшда бир сўзли гапларни ишора ёки интонациялар орқали кўплаб ғоя, илтимос ўрнида қўллаши ҳам кузатилади.

Тахминан бир ярим-икки ёшларда болалар сўзларни қўшиб қўллай бошлайдилар: "*Менинг бабўим*"; "*Дада ани?*"; "*Ая, миа? (ая, нима?*", "*Уста миа? (уста ким?)*", "*Мени утам*", "*Жумў йиқил (Темур йиқилди)*", "*Дадам ишта*", "*Татек йўқ*", "*Аиша қил*" ва ҳоказо. Бу вақтда болаларда "ихчам" (кўринишдаги) нутқ пайдо бўлади. Бунда болалар нутқидаги энг биринчи икки сўзли бирикмалар катталар нутқидаги отлар, феъллар ва иккинчи даражали бўлаклардан тузилган гаплардан фарқли равишда қисқа вариантда ифодаланади. Бундай гаплар телеграмма типида бўлиб, уларда қонуний равишда қўшимчалар туширилади, боғловчилар, кўмакчилар, замон ва майл формалари ифодаланмайди. Агар икки-уч ёшли боладан "*Майлими, мен сигирни томоша қилсам*" типидаги гапни такрорлашни сўрасак ва кузатсак, у "*сигий томоша қил*", ёки "*мен сигий кўяман*" тарзида такрорлашининг гувоҳи бўламиз. Бола гарчи бир қатор сўзларни ташлаб айтган бўлса-да, у гапни (ифодани) тўғри тузади, барча зарур сўзларни қўллайди. Болалар томонидан қўлланиладиган икки сўзли гапларда сўз тартиби деярли тўғри қўлланилади. Демак, болалар бошидан грамматиканинг қонунларига қисман бўлса-да, амал қилишга ҳаракат қиладилар.



Болалар нутқидаги ихчам кўринишдаги гаплар турли маъноларни ифодалаши мумкин:

1. Предмет номи, ўрни – "*мана олма*", "*питоп ўна*" (китоб ана бу ерда);

2. Талаб, истак – "*яна сут*", "*қаққа йиман*";

3. Тугалланганлик, мавжуд эмаслик – "*сут йўқ*" "*қаққа обў*";

**4.** Инкор – "*миёвмас*", "*бабамас*", "*ичим йўқ (ичмайман)*", "*атим йўқ (айтмайман)*";

**5.** Тегишлилик – "*китоп меники*", "*мена қаққа*"; "*қопотим (менинг китобим)*", "*мекам (меники)*";

**6.** Аниқлаш, белгилаш – "*татта бибип*", "*чичина бола*", "*чиёли ёйоқ (чиройли кўйлак)*" каби;

7. Киши-ҳаракат – "*дада йўқ*" (*кетди*), "*ая утта*" каби;

**8.** Ҳаракат-ўрин ҳоли – "*ўтий стул*" (стулда ўтирибди) "*ути бесик* (укам бешикда ухлаяпти)";

9. Ҳаракат-реципиент – "*бой дада*" (дадамга бораман), "*Дадам Геча*" (Дадам Грецияда);

*10.* Ҳаракат-асбоб – "*кес пичоқ*" (пичоқда кесинг!);

11. Сўраш – "*сўса ани*" (соска-сўрғич қани?), "*тўп ани*" (коптоқ қани?) ва ҳоказо.

Келгуси бола нутқи ривожидаги 2 ёки 3 сўзли ифодалар бевосита ҳамма вақт атроф-муҳит таъсири билан боғлиқ. Улар асосан десигнатлардан ташкил топади ва бундай гаплар худди бирлаштирувчи воситалар туширилган катталар нутқидаги "тўлиқсиз гаплар"даги сўз таркибининг акси сифатида намоён бўлади. Болалар томонидан синтактик янгиликларнинг кашф этилишини перцептив-мотор ўрганиш жараёни сифатида қараш мумкин: бола бунда сўзларнинг мувофиқ позицияларини ёки катталарга хос бўлган матнларда учровчи гапларни ўзлаштиради. Бу жараёнда уларга гап билан бирга юзага чиқадиган интонация ва урғу катта ёрдамчи восита бўлади.

Бола нутқида маълум босқичда дастлабки сўз фразалар сифатида функциялашадиган “сўзлар” борган сари дифференциациялашадиган сўзлар синфига ажралади. Натижада, муҳим ва икки маъноли бўлмаган семиотик функцияга эга бўлган сўзлар гуруҳи кичик ёшдаги бола нутқида яхлит гуруҳлар сифатида намоён бўлади. Амалий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, тилни эрта эгаллаш босқичларидаги сўз гуруҳларининг бирлашиши яхлит муносабатдаги семантик акустик–артикуляр бирикмаларнинг акс таъсири саналади. Шундай қилиб, сўз маънолари ва синтактик кўникмалар ўзаро узвий боғлиқлигини ташкил қилувчи ифода қачонки унинг сегментлари деконтекстуализациялашса ҳамда специфик функциялар референцияси ва синтагматик имкониятлар сифатида ўз мақомини кашф этса, ана шунда у гапга айланади.

Учинчи ёшга борганда бола нутқида икки сўзли гаплар мураккаблаша бошлайди. Масалан: “*Сен чақир, у келади*”; “*Мен ўйлаяпман, буни синдириб қўймиманми?*” “*Мен биламан, бу қаерда*”; “*Мен катта бўлганимда, сени кўтараман*” каби. Болалар сўз, фраза, гаплар, мураккаблашган гапларни тузиш ва уларни қўллашда - *ва, билан, бироқ, нима учун, шунинг учун* каби ёрдамчиларни билишлари шарт. ***Нима учун?*** *қачон? нима? нимага? шундайми?* каби сўроқ олмошлари болалар нутқида *бироқ, агар, кейин, шундай* каби ёрдамчи сўзларга нисбатан тез-тез қўлланади. Болалар нутқидаги биринчи мураккаб гаплар турли маъноларни англатиши мумкин.

Болалар нутқида иккинчи даражали бўлаклардан биринчи бўлиб тўлдирувчи ҳосил бўлади. Масалан: “*Сен буни кўтарсанг, мен буни кўтараман*”. Улар кетидан замон ва сабабни ифодалаш шаклланади. Масалан: “*Сен яхшиси уни ахтар, уйга келганингда*”; “*У қўлига ип боғлаб қўйди ва яхши бўлди*” каби.

Бундан сўнг бола нутқида қарама-қаршиликни боғлаш (масалан: “*Мен роса чарчаган эдим, энди чарчаган эмасман*”), таъкидлаш (“*Тоға келди, эшик қиладиган*”), кўрсатиш маъносини ифодалаш (“*Қара, мен нима қиляпман*”) юзага келади. Кичик ёшдаги болаларнинг она тилини эгаллаш жараёнини



солиштиришда турли миллат болаларида ўхшашлик кўп ва фарқ кам кузатилади. Буни когнификатив ва лингвистик қобилиятларнинг асосий универсалияси натижаси сифатида изоҳлаш мумкин.

Бу билан боғлиқ равишда кичик ёшдаги туғма кар болаларнинг ишора (жест) тилини ўзлаштириши юзасидан ўтказилган тадқиқот бу жараён босқичлари нормал эшитувчи болаларнинг сўзлашув нутқида тил компетенциясининг ривожланиш босқичларига аниқ мувофиқ келишини кўрсатади. Бундай хулоса кар болаларнинг эрта босқичда ишораларнинг алоҳида маъноларини эгаллашлари, кейинчалик бу ишораларни турли семантик ифодалар мақсадида комбинациялаши ва, ниҳоя,т систематик ўрин эгаллаши, бу биринчи комбинациялардан аста-секин мустаҳкам грамматик тўғри ифодаларга ўтишлари кузатилган тадқиқот натижаларига асосланади[1].

Кузатилган болалардан энг кичиги кузатув бошида саккиз ойлик эди. Кузатилган қизча ўн тўққиз ойлик бўлгунга қадар қисқа вақт мобйнида жуда кўп ишора запасини ўзлаштиради ва 117 турли ишораларни бемалол қўллай бошлайди. Бошқа кар болалар сингари унда ҳам ишора тилини эгаллашда дастлабки муносабатдаги ишоралар дастлабки сўзларнинг қўлланишига мос тушади. Дастлабки ишоралар референцияга кўра тез-тез ташқи умумлаштирувчи эди ва бундан ташқари уларнинг кўпчилиги галофрастик, яъни бир ишора ёрдамида мураккаб ёки яхлит тушунчаларни ифодаловчи характерда эди. Болаларда қўлланилувчи “*бабў*” ва “*хайр*” ишоралари дастлаб маъноларни ташқи умумлаштирувчи сўзлар сифатида хизмат қилади. “*Бабў*” ишораси ҳақиқий кучукка тегишли эди, “*хайр*” ишораси эса дастлаб барча яқинлик ва узоқликни ифодалаш мақсадида қўлланган, “*салом*” маъносидаги ишора эса, бу қизчанинг ишора – луғатида кейинроқ пайдо бўлгани кузатилади. Клима ва Беллуджи ўз навбатида тадқиқот ўтказган болаларда умумлаштирувчи маънодаги яна бир қатор ишораларни белгилайдилар.

---

[1] Klima E.S., Belludji U. The signi of language in child and chimpanzec. In: “ Communication and Effekt”. N. Alloway (ed).- N.Y.: Press, 1972.- P. 67-96.

Гарчи ишора (жест)лар кар болаларнинг тилни ўзлаштиришдаги муҳим қадами саналса-да, бироқ бундай болалар фақат ишораларни комбинациялаш йўли орқалигина турли маъноларнинг кенг доирасини тўғри ифодалаш қобилиятига эришадилар. Ишора комбинациялари ҳақидаги бу маълумотлар ишораларни ўзлаштириш ва нутқни эгаллаш жараёни ўхшаш моделлар асосида кечишини исботлаш учун хизмат қилади.

Маълум бўлишича, бу болалар ҳам соғлом болалар сингари икки жестли "таянч тип" кўринишидаги, кўп сонли конструкцияларга жуда ўхшаш комбинацияларни қўллайдилар. Бу конструкцияларда айрим сўзлар (масалан, *"илтимос"*, *"меники"*, *"яна"*, *"кел"* каби) "таянч" сифатида қўлланилади ва биринчи ёки сўнгги позицияни регуляр эгаллаш хусусиятига эга бўлади. Бауэрман тадқиқотларидан олинган натижалар[1] асосланган ҳолда, таянч ишоралар алоҳида учраши (масалан, *"илтимос"*) ёки бошқа таянч ишоралари комбинациялари (*"илтимос"*, *"яна"*) билан қўлланиши ҳам мумкин дея оламиз.

Ушбу тадқиқотга мувофиқ:

1. Муносабат: **Агент - ҳаракат – объект.** *Бола+темти+уй; Одамла+иш; Ая+еч+татек;*

2. Ҳаракат ( датив ) - *Бей+менда+нон;*

3. Инкор - *Баба+йўқ; Хўл+йўқ; Йўқ+уша*(ушлама) каби;

4. Аниқловчи (атрибутив): *Чиройли+қиз; Кўп+қаққа* каби;

5. Эгалик: *Опке+телевизий+мени+хонам; Мени+кўйнегим* каби;

6. Локатив - *Опа+темти+уй+мактаб, Дада+келади+кеч, Дада+иш.*

Юқорида келтирилган ишорали қурилмалар бошқа кўплаб конструкциялар билан биргаликда мактабгача ёшдаги соғлом болалар нутқидаги структура ва маъноларни эслатади. Ифодадаги маъноларнинг сони ва аниқлиги тилни келгусида англаш даражаси билан боғлиқ равишда ўсиб

[1]Bowerman M.F. The pivot-open class distinction.- M.S.: Harvard University, 1969.- P. 87.



боради. Кар болаларнинг ифодаларни эгаллаш тажрибаларининг ортиши улардаги ишора запасларининг тез ўсишида кўринади. Луғатнинг кенгайиши билан пареллел равишда болалар борган сари узун ва мураккаб ишоралардан фойдаланадилар. Инкор ишораларининг қўллана бошлаши эса мураккаб таркибнинг изчил ривожланишидаги кўрсаткич саналади.

Болаларнинг инкор ишорали ифодаларни қўллашларида улардан махсус техника талаб қилинмайди, балки бундай қўллашнинг ўзи уларда, Беллужи таъкидлаганидек[1] соғлом болалардаги сингари маълум изчиллик асосида кечади.

Кўринадики, кичик ёшдаги болаларнинг нутқни эгаллаши, грамматик қонуниятлардан фойдаланишлари, улар нутқининг ривожланиш босқичлари (синтактик конструкциялардан фойдаланишлари) уларнинг қайси миллат вакили ва соғлом ёки нуқсонли бўлишига қарамай, умумий ўхшаш жараён асосида ривожланиб боради.

Д.Мак Нейл тилни ўзлаштириш жараёнини текширишни: "Агар тилни ўзлаштиришнинг дастлабки босқичида гапларнинг ҳосил бўлиши ва англаниши болаларга тушунарли бўлмаганда, тилни ўзлаштириш фактлари бундай бўлмас эди", деган қатъий таъкид билан бошлайди[2].

Унинг фикрича, боланинг гапиришга уриниши болалар томонидан ўзи истаган шаклда қабул қилинадиган ва тилдаги катталар нутқига мос гап – кашф этиши мумкин бўлган изчил гипотезалар қатори сифатида қаралиши лозим. Шунингдек, айтилган фикрларга қўшимча равишда шуни айтиш мумкинки, бу тушунчалар тилни ташувчиларнинг ҳамкорликдаги фаолиятида ривожлантирилиши зарур. Юқорида шакллантирилган умумий ҳолат бир оз нотўлиқ, бироқ у умумийлик рўйхатининг ўсишини давом эттирувчи тилни ўзлаштиришни характерловчи ҳолат саналади. Бауэрман семантик муносабатдаги ифода узунлигига кўра 1,3 да 1,5 морфемагача бўлган фин,

[1] Belludji U. The acquisition of negation / Unpub. Doct. Disser.- Harvard Univ., 1967.
[2] Mak Neyl D. Semiotic extention, paper presented at the loyola symposium on consition, -Chicago, April 1974. - P.36.

луо[1], инглиз ва соман тилларидаги грамматик формаларни ўзлаштириш бўйича материалларни ўрганади ва уларни эрта босқичдаги "биринчи даража" термини билан атайди[2]. Биз буларни М.Бауэрман вариантларидан бир оз фарқланувчи модификациялашган терминлар билан атаймиз. Универсалиялар:

*1.* Агент – ҳаракат (масалан, "*Айа, кўтай*"; "*Опа, бей!*");

2. Ҳаракат – объект (масалан, " *Уха диван*");

3. Эгалик ("*Ака дитдит*);

4. Кўрсатувчи маркер (масалан, "*У ейда мўмў*");

5. Белги маркери (масалан, "*Татта бабў*") каби.

Ярим универсалиялар:

*1.* Локатив маркер: объект (масалан, "*дитдит уй*"); ҳаракат (масалан, "*ўтий стол*");

*2.* Инкор (масалан, *"нанна йўқ");*

3. Реккуренция (масалан, *"Яна қаққа*")[3].

Ўртача узунлиги 2,0 морфемаларгача бўлган ифодалар билан характерланувчи "биринчи даража"нинг анча кейинги босқичида ҳаракат субъекти – ҳаракат (масалан, "*Менга китобни кўрсат!*"; "*Қара менга*") универсал саналади. Р.Браун тадқиқот ўтказган болаларида қуйидаги 3 муносабатни белгилайди[4]:

**1.Агент – ҳаракат; 2. Ҳаракат – объект ва 3. Агент – объект**. Улар ўзида учликнинг қисман реализация формаларини намоён этади, яъни агент - ҳаракат-объект. Браун томонидан тилни ўзлаштиришдаги босқич бўйича яна бир семантик операция ўтказилади. Бунда у: **номинатив, мавжудликни инкор этиш, реккурентлик, локатив, посессив** ва **атрибутив** муносабатларни ўрнатишни белгилайди.

[1] Луо тили Кения ва Танзания районларида тарқалган шарқий судан тиллари оиласига тааллуқлидир.
[2] Bowerman M.F. The Pivot – open class distication.- M.S: Harvard University, 1969.
[3] "Реккуренция" боланинг ифодаси ситуация такрорини фиксациялаëттанда ëки бирор нарсани такрорлаш истаги ва хоказо холатларини ифодалаши учун хизмат килади.
[4] Brown R.A. Fist language: the early stages.- Cambridge. Mass.: Harvard University Press, 1973.



1. Эрта босқичда болаларнинг ҳаракат ёки ишора билан бир сўзли ифодаларни қандай уйғунлаштиришларини кузатиш орқали Гринфильд ва бошқалар содда гаплар пайдо бўлмасдан илгари унга мос муносабатдаги ифодалар рўйхатини тузадилар[1]. Шлезингер эса, бу дастлабки Гринфильд ва бошқалар томонидан белгиланган биринчи муносабатларни боланинг **агент** опперацияси учун кенгайган ва дифференциялашган тушунча сфераси сифатида изоҳлайди.

Демак, шунга ўхшаш турли гуруҳдаги асослар боланинг дастлабки эрта босқичларда тилдан фойдаланиши кимнингдир ҳамкорлигига боғлиқ, деган хулосага олиб келади. Бу ерда фақат агент эмас, балки ҳаракат ва объектнинг иштироки ҳам зарурийдир. Бола нутқининг бундай қисмлари ушбу жараёнда иштирок этувчи предметлар ва одамларга эътибор беришни тақозо этади, яъни улар нутқидаги номинация, кўрсатувчи маркерлар, мавжудликни инкор этиш, **маъқуллаш**, локатив ва бошқа эътибор қаратилган нарсалар, белгини ифодалашда асосий аҳамиятга эга. Уларнинг мазмуний томонлари эса бевосита нутқий вазиятда ойдинлашади.

## 4. БОЛАЛАР НУТҚИДА ГАПНИНГ ИФОДАЛАНИШ МАҚСАДИГА КЎРА ТУРЛАРИ

Маълумки, гап бола нутқининг ривожланишида асосий ролни ўйнайди. Ўзида маълум ифодани, мурожаатни ва хабарни маълум қилиши туфайли гап тафаккур ва мулоқот қуроли сифатида нутқнинг асосий бирлиги саналади. Она тилини ўзлаштириш асосан турли типдаги гапларни ўзлаштириш жараёнида кечади. Сўз бирикмалари айнан гапларда шаклланганидек, алоҳида морфологик категориялар ҳам гаплар таркибида ўзининг ташқи ифодаси билан уйғунлашади. Бола нутқининг шаклланиши ҳам гапларда улар томонидан киритилган элемент (сўзлар)нинг миқдор жиҳатдан кўра мураккаблашиши ва

[1] Greenfield P., Smit J., and Laufer B. Communication and the beginings of language: the development of structure in one – word speech and beyond. Unpublished manuscript, 1972.

бу элементларнинг ўзаро муносабатига боғлиқ бўлади. Гап тараққиётининг асосий пункти унинг сўз-гап сифатида ифодаланадиган типи саналади.

Сўнгги йигирма йил мобайнида болалар эгоцентрик нутқининг тадқиқи, хусусан, L.Kohlberg, J.Yaeger, E.Hjertholm, P.Goudena, J.Wertsch ларнинг ишлари Л.С.Выготскийнинг назарий ва экспериментал анализи хулосаларини тасдиқлайди. Биринчи тадқиқотда бундай тадқиқот фақат тўрт-олти ёшдаги болалар нутқи учун характерли бўла олиши; унинг ривожланиши тўлқинсимон (ўсиш, кўтарилиш, чўкиш хусусиятига эга), бироқ Ж.Пиаже таклиф қилганидек, монотон чўкиш характерига эга эмаслиги кўрсатилади[1].

С.Добкиннинг эслашича, талабалигининг сўнгги йиллари унга 3 китоб қаттиқ таъсир этади. Улардан бири ажойиб рус тилшуноси А.А.Потебнянинг “Фикр ва тил” (“Мысль и язык”) китоби эди. Бу китобда (1862), кейингиси – “Рус грамматикаси юзасидан мактублар” китобидаги сингари Потебня болалар нутқига мурожаат қилади. У болалар нутқидаги бир сўзли ифодаларни характерлаш билан бирга, уларни апперцепция акти сифатида таърифлайди. У икки фикрий бирлик: изоҳланувчи (субъект) ва изоҳловчи предикатни белгилайди[2]. Бундай гапда сўз орқали фақат кесим ифодаланади. Потебнянинг фикрича, кесим апперцепция ифодаси сингари бутунлай алоҳида сўзда қолади. Эганинг апперцепция сўз орқали ифодаланиши – тилнинг болалар нутқида бир хил кўринишга эга бўлмаган, узоқ давр мобайнидаги ривожланиши маҳсули саналади[3].

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, Л.С.Выготский ўз ишларида бир бўлакли репликаларнинг диалогда предикативлиги ҳақида гапирганда (Л.П.Якубинскийнинг эмас, балки,) айнан А.А.Потебнянинг фикрига таянади[4]. А.А.Потебня фикрига қўшилган ҳолда биз ҳам болалар нутқидаги биринчи ифодаларни (масалан, *дада*, *опа*, *ая*, *нанна*) предикативдир, дея оламиз.

[1] Kohlberg L., Yeger J., Hjentholm E., Privote Speech four studies and ariview of theories // Child development, 1968.- P. 39.
[2] Потебня А.А. Из записок по русской грамматике.- М., 1958.-Т.1,2.- С.81-82.
[3] Ўша асар:138-139б.
[4] Ахутина Т.В., Наумова Т.Н. Смысловой и семантический синтаксис. Психолингвистические проблемы семантики.- М., 1983.- С.56.



А.Н.Гвоздев ҳам болалар нутқидаги бундай сўз-гапларни ўз маъноларига кўра, қандайдир хабарни ифодаловчи тугал бутунлик деб белгилайди[1].

Болалар нутқидаги бир сўзли ифодалар билан замонавий тадқиқотчилар E.Bates, P.G.Greenfield, J.Smith, P.Zuhow ва ҳам шуғулланадилар. Жумладан, E.Bates, бола нутқидаги бундай ифодаларда унинг ўзи учун энг аҳамиятли бошқалар бола нутқидаги бундай ифодаларда унинг ўзи учун энг аҳамиятли бўлган яхлит вазиятнинг информатив элементи ифодаланиши, унинг қолган қисми эса тафаккурланиши ва сенсомотор босқичда қолишини таъкидлайдилар[2]. Бундай ҳолатда болалар нутқидаги биринчи сўз ифодалар қуйидаги структурага эга бўлади: “мана шу (данное) – (у учун) “янги” бўлса ёки қаерда topik – тафаккурланса (presupposed) ситуация қисми, ситуацияланган коммент эса – унинг элементи саналади. Э.Бейтс фикрича, ситуация маъноли қисмининг ажралиш механизми мўлжал рефлекс механизми билан боғлиқ, жисмни (фон) шароитдан ажратишда - бола унинг эътиборини кўпроқ тортган нарсанигина сўз орқали ифодалайди. Унинг нутқидаги “янги”нинг бирламчи ифодаланиши тасодифий эмас, чунки айнан фарқ уларда биринчи бўлиб англанади[3]. Фундаментал тил механизмларининг когнификатив механизмларга боғлиқлигини Ж.Брунер ҳам белгилайди. У “топик-коммент” предикацияси механизмини инсон табиий эътибори механизмига боғлиқ деб санайди[4].

Е.И. Иесенина термини билан айтганда, қачонки турли типдаги: силжувчи, мимик ва интонацион ифода ишоралари ўз ўрнини эгаллаганда, болалар нутқидаги икки сўзли ифодалар аналогик структурага эга бўлади[5].

Гринфильд ва Жукова ифодаланадиган ситуация элементини танлаш қандай кечиши масаласи билан махсус шуғулланадилар ва бола учун элементнинг (номаълумлиги, янгилиги) информативлилигига, перцептив айримлигига, субъектив афзаллигига (бошқа тадқиқотчиларнинг перцептив

[1] Гвоздев А.Н. Вопросы изучения детской речи.- М., 1961.- С.353.
[2] Бу ҳақда қаранг: Ахутина Т.В. Порождение речи. Нейролингвистический анализ синтаксиса.- М., 1989. С.30.
[3] Ўша асар:35-6.
[4] Брунер Дж. Онтогенез речевых актов // Психолингвистика.- М., 1984.- С.34.
[5] Иесенина Е.И. Дословесный период развития речи у детей.- Саратов, 1989.- С.89-91.

айримлик принципига асосланган ҳолда: масалан, суратли алрбомни кўздан кечираётган бола ҳамма вақт нима тасвирланишига қарамай *конток* деб кўрсатади) боғлиқ деб таъкидлайдилар[1].

Бунда муҳим субъектив айримликнинг биринчи принципи нутқий қаторлашиш саналади (эслатиб ўтамизки, субъектив маъноми бунда Л.С.Выготский терминига мувофиқ маъновий қаторлашиш деб аташ мумкин).

Агар Гринфильд ва Смит мисолларига мувофиқ болалар нутқидаги бир сўзли ифодаларнинг мундарижасига мурожаат қилинса, уларда айрим такрорланувчи семантик ролни учратишимиз мумкин, шунингдек, бир сўзнинг ўзи ситуацияга боғлиқ ҳолда турли вазифани бажариши мумкин[2].

Мисол сифатида болалар нутқидаги қуйидаги ҳолатни кўрсатиш мумкин: Гавҳарой *"сандиқ"* сўзини бир ўринда предметни аташ, иккинчи ўринда ўйинчоқ сандиқнинг орқасига тушиб кетганлигини ифодалаш мақсадида қўллайди.

Гринфильд ва Смит таҳлилларига мувофиқ болалар бир сўзли ифодалар босқичида бир сўзни қуйидаги семантик ролда қўллайдилар:

1. **Агенс**, 2. **Объект, ҳаракат,** 3. **Реципиент** (кимга?), 4. **Эгаси** (кимники?), 5. **Ҳаракат ўрни**. Бу таснифнинг асосида Ч.Филлморнинг ички келишиклар ғояси ётади[3].

Гарчи айрим ҳолатларни қўллаш таснифи ихтиёрий деб тан олинган бўлса-да, шунингдек, Гринфильд ва Смитларнинг фикрича, агар бола отасининг оёқ товушини эшитиб, кейин уни кўргандан сўнг *"дада"* деб айтса, биринчи ҳолатдаги *"дада"* **агенс** функциясини, иккинчи ўринда **объект** вазифасини бажаради, бироқ ҳеч иккиланишсиз айтиш керакки, болалар бир сўзли ифодаларнинг сўнгги босқичларига бориб, бир қанча семантик функцияларни фарқлай бошлайдилар. Бу, айниқса, юқорида қайд этилган семантик функция

[1] Greenfield P.M., Smit J.H. The structure of communiction in early language development.- N.Y., 1979.- P.54.
[2] Greenfield P.M., Smit J.H. The structure of communiction in early language development.- N.Y., 1979.- P.55.
[3] Филлмор Ч. Дело о падеже// Новое в зарубежной лингвистике.- М., 1981.- Вып.10.- С.37.



тартибига мос тушадиган улардаги дастлабки икки сўзли ифодаларда аниқ кўринади.

Бунда сўз тартибининг семантик функцияларга боғлиқлигида уларнинг ифодалардаги синтактик ташкилланиш роли ҳақида гап боради.

М.Боуерманнинг маълумотига кўра, унинг катта қизининг нутқида **агенс** семантик функцияси билан ҳамма вақт **ҳаракат** ва **объектни** номлашда мувофиқлик кўринади.

Гринфильд ва Жуковаларнинг юқорида қайд этилган мақолаларида Д. Хорганнинг бир сўзли ифодалардан икки сўзли (гаплар узунлиги 1,08 дан 1,59 гача бўлган морфемалар) ифодаларга ўтиш босқичидаги болалар томонидан суратларнинг изоҳланиши бўйича ўтказилган тадқиқоти юзасидан маълумотлар келтирилган. Болалар ўзининг бир сўзли ифодаларида перцептив айрималик принципига асосланадилар, икки сўзли ифодаларнинг асосий ўзига хослиги эса, қайд этилган агенсдан (актив ҳаракат қилувчи шахс) объект (ҳаракат йўналтирилган предмет ёки шахс)гача бўлган ҳолатда кўринади.

Гарчи агенс перцептив кам ажралмаса ҳам (масалан, реал ситуацияда ҳаракатланувчи элемент камдан-кам фондан ажралади) семантик ролдаги қаторлашув, эҳтимол, перцептив (субъектив маъновий) жиҳат билан генетик боғлиқдир, бироқ бу кейинчалик, албатта, ўзининг асосидан ажралади ва у билан конкуренциялашади. Агенс пресуппозицияси қатъий сўз тартибига эга бўлган катталар нутқининг таъсири билан изоҳланиши мумкин, бироқ у сўз тартиби эркин бўлган гаплашувчи болалар нутқида ҳам қатъий равишда аниқланади. Масалан: *"Қуён"; "Сандиқ"; "Тоға сув"* (Гавҳарой нутқида).

Ҳатто дунёдаги объектга алоқадор тилларга таалуқли бўлган тагалог тилида (бундай тиллар Ж.Гринберг маълумотига кўра, 2% ни ташкил этади) ҳам агенс пресуппозициясига эга бўлган конструкциялар осон саналади. Типологик жиҳатдан қатъий ёки эркин сўз тартибига эга тилларда

гаплашувидан қатъий назар тўрт ёшдаги болаларда агенсни ифодаловчи ном сўз тартибининг таянчи сифатида белгиланган[1].

Бу маълумотларнинг барчаси болалар нутқида синтаксиснинг қурилишида семантик функцияларнинг ўрни баландлиги ҳақида гувоҳлик беради. Синтактик категория сифатида субъектни, яъни эгани тўла эгаллашдан олдин унинг прообрази ёки айнан "топик" ва агенсни эгаллаш юз беради. Синтактик категориялар сифатида фокуси билан боғлиқ "топик" ва "коммент" ҳамда унга семантик функциялар билан зид қўйилувчи "агенс" субъектив танланишни ифодаласа, иккинчи – объектив қаторлашув (семантик тилни ташувчи ситуация воситаси орқали кўрадиган) қатъий категориал тўрни ташкил этади. Синтактик ривожланишнинг қуйидаги тасвири: маъновий ("топик-коммент") – семантик (агенс – ҳаракат – объект) - ташқи (S -V - O) синтактик мавжудлик – реалликнинг назарий асосланишидир. Бунда албатта, ранг-баранг кўринишни назарда тутамиз: айрим болаларда бу изчиллик аниқ кузатилса, айримларида у қадар сезиларли эмас. Масалан, М.Бауэрманнинг таъкидлашича, кичик қизида каттасидан фаркли равишда бир сўзли ифодаларни тезда анча пухта семантик системага айлантириш ҳолати кузатилади ва унинг икки семантик гипотезага" муносабати яхши бўлмаганлиги сезилади.

Демак, она тилини ўзлаштиришнинг биринчи босқичи бола нутқида товуш бирикмаларининг маъно билан боғланишидан бошланади. Ёки бошқача айтганда, бу алоҳида бир сўздан таркиб топган гапга тенг бўлган оддий синтактик бутунлик тўла ҳукмронлик қила бошлаши билан характерланади. Шунга таянган ҳолда болалар нутқининг синтактик хусусиятларини ёритишда биз гапларни тузилиш жиҳатдан иккига:

1. Бир сўздан тузилган гаплар;

2. Икки сўздан тузилган гапларга ажратамиз.

[1] Кемпс В. Ориентация на порядок слов в понимании предложений у русских и немецких детей // Дипл. раб. МГУ, 1985.



Болалар нутқида талаффуз этиладиган сўзлар йирик синтактик бутунликлардан узилган қисм эмас, балки ўз маъноси ва интонациясига кўра яхлит гапдир. Ўз маъносига кўра улар маълум хабарни ифодаловчи тугал бутунликни ташкил этади ва бу билан катталар нутқидаги гапларга тенглашади. Масалан, *"Ашша"*, *"нанна"* сўзлари катталар нутқидаги *"Менга нон беринг"*, *"Нон еймап"*, бошқа ўринда эса, *"Бу нон"* гапига тўғри келади. Бола соатга ишора қилиб, "*чиқ-чиқ*" (ана соат) дейди ёки китобга интилиб "*питон*" деб талаффуз этади ёки отасини кўрсатиб *"те"* деб чақиради ва ҳоказо.

Болалар нутқини тадқиқ этувчилар бола нутқидаги бундай дастлабки синтактик босқичларни сўз-гаплар сифатида таърифлайдилар[1]. Биз ҳам бундай синтактик шаклларни бир сўздан тузилган гаплар ёки "сўз-гаплар" деймиз. Бундай сўз-гапларнинг мисоли сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

1. Шахсни ифодаловчи гаплар (*"ойи"*, *"дада"*, *"Раҳно"*, *"болалай"*, *"хола"* ва ҳоказо);

2. Ҳайвонларни ифодаловчи гаплар (*"мусук"* (мушук), *"бабўв"* (ит), *"қуқу"* (товук), *"мўмў"* (сигир) каби);

3. Тана аъзоларини ифодаловчи сўз-гаплар (*"қуоқ"* (қулоқ), *"қос"* (қош), *"бунни"* (бурун), *"қўл"* ва ҳоказо);

4. Предмет номларини ифодаловчи гаплар (*"согот"* (соат), *"тув* ёки *умма"* (сув), *"қаққа"* (қанд), *"той"* (чой )каби);

5. Ҳаракат-ҳолатни ифодаловчи сўз-гаплар (*"уха"* (ухлаяпти), *"йиға"* (йиғлаяпти), *"нанай"* (ўйинга,рақсга тушяпти), *"тетти"* (кетди), *"ати"* (айтди) ва ҳоказо).

Бундай гапларда қўлланилувчи сўзлар она тилига хос грамматик формага эга эмас. Яъни бундай мисолларда айнан бир сўз ўзгаришсиз, одатда тилда турли нутқ бўлаклари ва турли сўз формалари орқали бериладиган турли

[1] Богородицкий А.В. Общий курс русской грамматики.- М., 1935.- С.203.

маъноларни ифодалаш учун хизмат қилади. **Баъзи** ҳолатларда бу ифодалар интонацияга боғлиқ равишда тушунарли бўлади. Демак, бола нутқидаги бундай дастлабки сўзлар аморф сўз-ўзаклар саналади. Бу билан боғлиқ равишда болалар нутқидаги специфик миқдордаги болаларга хос аморф сўзларнинг (*"вов-вов"*(ит), *"дит-дит"* (автомобил), *"мўмў"* (сигир), *"бўжи"* (салбий маънодаги сўз) каби) ифодаланиши ҳам аҳамиятлидир. Бундай сўз-гаплар функциясидаги фарқлари билан характерланувчи алоҳида типларга ажратилади; одатда улар ташқи интонацион фарққа ҳам эга бўлади. Масалан:

1. Айрим гаплар талаб, истакни (буйруқ гаплар) ифодалайди (*"қаққа!"* (қанд бер!), *"Бей!"* (нон бер!) каби);

2. Бошқалари номланаётган предметлар ёки ҳодисаларнинг мавжудлигини ифодалайди. Масалан, *"ўйтоқ"* (ўртоқ), *"ута"* (ука), *"омма"* (бу-олма), *"ўқи"* (бу- китоб) каби;

3. Учинчи типдаги гаплар бола чақираётган шахсларни: *"опа"*, *"айа"* (ойи келинг!) (чақириқ оҳанги билан) ифодалайди.

Болалар нутқида гап ривожланишининг дастлабки қадами бир гапда икки сўзнинг бирикишидан иборат бўлади. Уларнинг ўзига хослиги сифатида бундай гапларнинг бола томонидан катталар нутқини такрорлаш эмас, балки мустақил қуриш орқали хосил қилинишини кўрсатиш лозим.

Болалар нутқидаги икки сўзли гаплар интонацион томондан катталар нутқидаги гапга мос тушади. Талаффузда ҳар икки сўз ўзаро бирлашади ва бу бирикма интонацион тугалликка эга бўлади. Бу хил гапларнинг қуйидаги типлари бор:

1. Буйруқ гаплар: "*Омма бей!*" (олма беринг!), "*Татек кий!*" (туфлямни кийгизинг!) каби;

2. У ёки бу ҳодиса ҳақида хабар берувчи дарак гаплар: "*Бабў вўввўв*" (ит хуряпти), "*Ака дитдит*" (акам машинада келди) ва ҳоказо.



Бундай хабарлар у ёки бу даражада эмоционал бўёқдорликка эга бўлади.

Бундай гаплар таркибига кирувчи алоҳида сўзларнинг хусусиятига кўра унча катта бўлмаган фарқловчи маъновий категорияларга гуруҳланади:

1. Нутқ қаратилган шахсни ифодаловчи гаплар: *"Дада, утта"* (дада кўтаринг), "*Айа, ашша*" (қорним очди) каби;

2. Ҳаракат субъектини ифодаловчи гаплар: *"Қуқу йўқ"* (товуқ йўқолди), "*Ута уха-уха*" (укам ухлаяпти) каби;

3. Ҳаракат ёки предмет ҳолати (келтирилган мисоллар);

4. Объект ҳаракати: "*Қаққа бей!*" (қанд беринг!), "*Нанна бей!*" (нон беринг!) ва ҳоказо;

5. Ҳаракат ўрни: "*Ута утта*" (укам кетди), "*Нанна ситол*" (нон столнинг устида) ва ҳоказо.

Субъект, объект ёки ҳаракат ўрни кўрсатилаётганда, феълнинг туширилиши икки сўзнинг бирикишидан кўра каттароқ бирикувни кўрсатади. Болалар нутқининг ривожланишида сўзлар ўртасидаги ўзаро муносабат аста-секин ўзининг ташқи грамматик ифодасига эга бўла бошлайди. Бу сўз ўзгариши воситасида амалга ошади. Сўз-ўзаклар ўрнида энди маъновий элементларга тўғри келувчи сўзлар пайдо бўла бошлайди; бу элементлар гапларда сўзларнинг ўзаро муносабатидаги синтактик ифода учун хизмат қилади. Гапларнинг бундай грамматикаланиши узоқ муддатли босқичда амалга ошади. Бу босқичнинг фарқловчи жиҳати гаплардаги маълум синтактик (ва семантик) муносабатнинг ифодаланишидаги тебранишларда кўринади. Масалан, ҳаракат объекти отнинг ўзгармас формаси орқали ифодаланиши мумкин: "*Опа питоп ўқи* (опам китоб ўқияпти)", "*Айа яшши кўяман* (ойимни яхши кўраман)" каби. Гаплардаги бундай ҳолатлар, яъни бир синтактик муносабат грамматик ифодасига эга бўлиши ёки аксинча бўлмаслиги кам учрайди: *"Ўйтоқ ситол ўтий"* (ўртоқ стулда ўтирибди) каби. Ушбу гапда ҳозирги замон формаси эгага мослашган, от эса гапнинг бошида келган.

Бу босқич учун сўзлар билан бирга формасиз соф болаларча сўзларни қўллаш ҳам характерлидир. Уларнинг қўлланилиши шунингдек, гапнинг грамматик ва семантик қурилишини бузади. Масалан: *"ая, исипетим"* (ая, совуқ қотдим маъносида), *"ичим кетим йўқ?"* (ая, сиз ҳеч қаерга кетмайсизми? маъносида), *"чанени ким йиртди?"* (чойнакни ким синдирди? маъносида), *"наннани йитин!"* (нонни синдиринг! маъносида) каби. Болалар нутқида яна шундай сўз-ўзаклар қўлланадики, уларнинг синонимлари, яъни катталар нутқидан олинадиган ҳолатлар ҳам ўзига хосликни ифодалайди. Масалан: *"миёв тет"*, *"бабўв хов-хов"* каби.

Бунда бола ўзининг дастлабки сўзини қўллаш орқали катталарнинг қизиқишига мос умум сўзларни қўшади ва қўллайди. Шунингдек, бола бир "тилдан" айнан ўша тилга "таржима" ҳам қилади; *"ука уха"* бирикмасини айтиш билан, "*алла бўли*" бирикмасини ҳам ортидан қўшади ёки (копток) "*тўп йўқ*" бирикмасини айтиш билан, "*тўп йўқоди*" бирикмасини такрорлайди.

Болалар нутқининг ривожланишида турли типдаги гапларнинг грамматизацияланиши бир вақтнинг ўзида кўринмайди бу, албатта, алоҳида грамматик категорияларни ўзлаштириш билан боғлиқ бўлади. Уларнинг баъзилари эрта ўзлаштирилади, бошқалари эса аксинча, жуда кеч. Бу албатта, шаклсиз гаплар босқичида қўлга киритилади, шу сабабли грамматик шаклланадиган гаплар ўз таркибига кўра анчагина мураккаб ва хилма-хил туюлади. Болалар нутқининг ривожланишида бу жуда тезлик билан амалга ошади.

Хулоса қилиб айтганда, бу босқичнинг, яъни бир ва икки сўзли сўз-ўзакдан тузилган гаплар эгалланишининг якуни тахминан боланинг иккинчи ёшига тақалади. Бу якун бола нутқида пайдо бўладиган уч ва тўрт сўзли гаплар билан белгиланади. Бунинг биринчи ҳолати ўзида икки сўзли гапларнинг асосини ташкил қилувчи инкор маъносини ифодаловчи сўз билан мураккаблашишни намоён этади. Масалан: "*сенда қаққа йўқ*" (сенга қанд йўқ), *"сенда берим йўқ"* (сенга бермайман), *"ухамим"* (ухламайман), *"Ая, энди қимим йўқ"* (Ая, энди бошқа қилмайман) каби. Бундай гаплар ўз таркибига кўра субъект ва объект ҳаракатининг ифодасидан ташкил топган ўзига хос икки сўзли гапларнинг ривожланишига ёрдам беради: улардаги ҳаракат ифодасининг туширилиши энди она тилидаги одатий сўз тартибига мос тушмайдиган ҳаракат объектининг номи ортидан жойлаштирилади. Бу гаплардаги сўз тартиби бола нутқидаги гапларнинг тараққиёти сифатида характерланади:



1. "*Айа*";

2. "*Айа питоп*" (бу китоб);

3. "*Айа питоп ўқи*" (ойим китоб ўқияпти). Бунда янги қаторни намоён этувчи сўз, охирги ўринни эгаллайди. Бу эса сўз-гаплар кетидан пайдо бўладиган икки ёки уч шаклсиз сўзлардан тузилган гапларнинг дастлабки ривожланиши синтетик ҳолатда: бола нутқидаги дастлабки элемент – сўзларнинг бирлашиши кўринишида кечишининг кўрсаткичи саналади.

Сўз-гапларни икки ёки ундан ортиқ маъноли қисмларга ажратиш имкони йўқ. Чунки, бир томондан, бундай гаплар бола томонидан ҳали қўлланилмайди, иккинчи томондан – қўлланилаётган сўзлар морфологик элементларга мос тушади, дея олмаймиз, шунинг учун уларни аморф сўз-ўзаклар сифатида қараш лозим. Сўзларни морфологик элементларга ажратмаслик шундан ҳам келиб чиқадики, бола бир ўзакка боғланувчи ўзаро муносабатдаги шаклларни мутлақо қўлламайди: бундай сўзлар ўзининг турли фонетик кўринишида қўлланилишига қарамай ўзгаришсиз саналади. Бунда бола нутқида қўлланиладиган сўзларнинг фонетик кўриниши кўпинча қандай ҳолатларда маъносига кўра қандай қўлланиши, лозим бўлган бирикма қандай ўрин тутишига эътибор бериш лозим. Шунингдек, отлар одатда, бош келишик формасида, яъни атов гапларга мос шаклда, феъллар эса – буйруқ гапларга мос келувчи буйруқ майли ва инфинитив формада қўлланилади. Сўзлардаги морфологик категорияларнинг мавжуд эмаслигини кўрсатувчи мисоллар сифатида қуйидаги ҳолатларни келтириш мумкин:

1. Сўзлар ўринсиз, тил нормаларига номувофиқ формаларда қўлланади. Масалан: “*дада*”, “*Айа*”, “*Хола*”, “*Гули*” каби шакллар – “дадамники”, “ойимники” ва ҳоказолар ўрнида – бу шахсларга тааллуқли буюмларни кўрсатишда қўлланади. Яъни бола холасини кўрсатиб, “*хола*” дейди. Иккинчи ҳолатда эса холасининг сумкасига ишора қилиб, “*хола*”, деб бу сумка холасиники эканлигини кўрсатади. Ёки бола сандиқни “*санди*” деб атаган ҳолда, иккинчи ҳолатда, ўйинчоғининг сандиқ ва девор оралиғига тушиб кетганини кўрсатади ва илтимос оҳанги-маъносида яна “*санди*” деб атайди ва ҳоказо;

2. Бола томонидан гап типида қўлланган ва тайёр формада ўзлаштирилган сўз, масалан: “*сут*” сўзи (кўринишидан “сут ичасанми”, “ма сут” фразаларидан олинган) шунингдек, “мана сут”, “бу сут” каби маъноларни англатувчи гапларга ҳам тенг келади.

Юқорида таъкидланганидек, боланинг иккинчи ёшидан сўнг унинг нутқи интенсив равишда жуда тез ўсади. Натижада бола нутқида қўлланилувчи гаплардаги сўзлар грамматик структурага эга бўла бошлайди; гапнинг мақсадга кўра турлари ҳам айнан мана шу даврда юзага келади. Бола нутқида дастлаб формасиз қўлланиладиган буйруқ гаплар (*“бей!”* (бер!), *“те!”* (кел!), *“о!”* (ол!) каби) энди махсус шакллар орқали ифодалана бошлайди. Бунда ҳал қилувчи категориал буйруқ ўзига хос буйруқ оҳанги – инфинитив шакл орқали ифодаланади: “*ат*!” (айт!), “*оп те*!” (олиб кел!). Феъл категорияларидаги дастлабки инфинитив, энди шаклга айланади. Одатий **буйруқ гаплар** энди буйруқ майли орқали ифодалана бошлайди: *“обей!”* (олиб беринг!), “*бей*!” (бер!), “*қайа*!” (қаранг!) ва ҳоказо.

Буйруқ майлининг махсус формалари, шунингдек, махсус буйруқни ифодаловчи сўзлар (*“бўл!”; “кел!”* (кел, карачи) *“-чи”, “доим”, “Ҳай доим қаққа оптесин”* кабилар) буйруқ майлини ҳосил қилади.

Махсус грамматик ифода воситаларига эга бўлмаган ундов гаплар интонациянинг хилма-хиллиги билан характерлана бошлайди. Натижада уларда ундов (оҳангидаги) олмошлар, равиш ва юкламалар юзага келади: *“Мана ўйинчоқлай!”; “Алале!”* (уят!); *“Нимча қоонғи”* (намунча қоронғу!) каби.



**Тасдиқ гаплар** болалар нутқида икки сўзли гаплар босқичида юзага келади. Дастлаб улар субъект ва унинг ҳаракати ёки ҳолати бирикмасини ифодалайди. Масалан, “*Болла югуй*” (болалар югуришмоқда); “*Айа аш опке*” (ойим овқат олиб келяпти); “*Сoгот чиқ-чиқ*” (соат чиққиллаяпти) каби.

**Инкор гаплар** болалар нутқида тасдиқ гапларга нисбатан анча кеч пайдо бўлади ва уларнинг ифодаланиши маълум қийинчиликларни намоён қилади. Дастлаб бола нутқида қўлланилувчи бундай гапларда инкор туширилади. Бу айниқса, *“керак эмас”* типидаги инкорнинг эрта босқичда айнан инкорни эмас, балки хоҳламасликни ифодалашда “*кейек*” ҳолида қўлланилишида янада аниқроқ кўринади. “*Кейек*” сўзи дастлаб фақат шу маънода қўлланилади ва бола нутқида характерловчи интонация ва ишора орқали ифодаланади. Бола нутқи ривожланишининг кейинги босқичларида *-мас* инкор шакли *-маш* (кўринишида) ҳосил бўлади ва *“кейемаш”* шаклида қўллана бошлайди. Бошқа ҳолатларда туширилган инкор ўрнида “йўқ” қўлланилади ва у тасдиқ кўринишига эга бўлган гапга қўшилади. Масалан, “*Йўқ, бей қалам*” (қаламни бермайман); “*Йўқ, уха*” (ухламайман) каби.

Болалар нутқида **“йўқ”** сўзи дастлаб қуйидаги ҳолатларда инкор ўрнида қўлланилади:

а) қачонки ниманингдир мавжуд эмаслигига ишора қилинса: “*Йўқ ким*” (ҳеч ким); “*Йўқ бабў*” (ит эмас); “*Мен косиқ йўқ*” (менда қошиқ йўқ) каби;

б) ўзганинг фикри инкор этилиб, ўз фикри маъқулланганда: *“Йўқ, дада иш тетти”* (йўқ, дадам ишга кетди); *“Сен бой йўқ, ҳе!”* (сен бормайсан), *“Йўқ, мен тиш ю хе”* (мен тишимни юваман), *“Йўқ, мен теон гапиш, хе”* ( йўқ, мен телефонда гаплашаман) каби.

Кичик ёшдаги болалар нутқида **сўроқ гаплар** тахминан бир ярим ёшларида кўрина бошлайди. Сўроқ гапларнинг турли кўринишлари бола нутқида дарҳол ўз ифодасини топмайди, яъни дастлаб интонация орқали

ифодаланадиган сўроқлар пайдо бўлади ва уларда ифодаланган фикр адресатнинг муносабатини билишга қаратилади. Масалан, *“Айа қаққа апке?”* (ойим қанд олиб келдими?); *“Бабўв тетти?”* (ит кетдими?); *“Опа алў?”* (опам телефонда гаплашяптими?); *“Ашша қивичими?”* (овқат тайёрламайсизми?), *“Ая, миа тақ-тақ?”* (Ая, нима тақиллаяпти?) ва ҳоказо.

Бундай гаплар таркибида сўроқ интонацияси билан ифодаланган -а сўроқ юкламаси кўрина бошлайди. Кўп ҳолларда бундай сўроқ гаплар фақат мана шу юклама талаффузи орқали берилади, гапнинг ўзи эса сўроқ оҳангига эга бўлмайди. Масалан, “*Мен Тоскен бор-а?*” (мен Тошкентга бораман-а?); “*Мен аш йе-а?*” (мен овқат едим-а?); “*Мен болла ўйна-а?*” (мен болалар билан ўйнайман-а?); “*Дада, тойғизда “т” витамин бор-а?*” (дада, тарвузда “т” витамини бор-а?) каби.

Бундай сўроқ гапларда сўроқ оҳанги билан бирга тасдиқ маъносининг ҳам ифодаланиши кўринади. Сўроқ сўзлари билан ифодаланган сўроқ гаплар юқорида кўрилган сўроқ гаплардан маълум жавобни талаб этиши билан фарқ қилади. Қайд этилган гаплар сўзловчи ва тингловчига маълум бўлган фикрга айнан жавоб беришни эмас, балки рад этиш ёки розилик билдиришни талаб этади ва бундай гапларга фақат *“ҳа”* ёки *“йўқ”* жавоблари талаб этилади. Сўроқ сўзлари билан ифодаланадиган сўроқ гаплар сўзловчига маълум бўлмаган ўрин, вақт, сабаб, мақсад каби маъноларни ифодалашига кўра бир қанча мақсадларда қўлланилади. Бундай гаплар улар англатган маъносига боғлиқ равишда пайдо бўлади.

Кўринадики, таъкид, сўроқ, дарак, ҳис-ҳаяжон, буйруқни ифодаловчи барча гапларнинг типлари болалар нутқида анча эрта пайдо бўлади. Айни вақтда бу гап типларининг алоҳида турлари уларнинг маъносидаги мураккабликка боғлиқ равишда кечроқ ифодаланиши кузатилади.



## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ


1. Абдуазизов А. Тиллар оламига саёҳат.-Т.: Ёш гвардия, 1988.- 112-б.
2. Неъматов Ҳ.Ғ. Тил ва нутқ дифференциацияси / Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1987.- 4-сон.
3. Разбоева Э.М., Аҳмедова Х.А. Нутқ ўстириш методикаси. - Т., 1978.
4. Тўрахонова Р.О. Олти ёшли болаларнинг психологик хусусиятлари.- Т.: Ўқитувчи, 1990.
5. Умархўжаева О. Болалар нутқига хос баъзи грамматик хусусиятлари / Ўзбек тили ва адабиёти.- 1996.- 2-сон.
6. Шодиева Қ.С. Мактабгача ёшдаги болаларни тўғри талаффузга ўргатиш.-Т.: Ўқитувчи, 1995.
7. Қулиев М., Норбошева М. Мактабгача ёшдаги болаларда нутқ маданиятининг ривожланиши.- Самарқанд давлат университети.- Тўплам. 1990.- 105-б.
8. Ғозиев Э. Ёш даврлари психологияси. - Т.: Ўқитувчи, 1994.
9. Ғуломов А., Қобилова Б. Нутқ ўстириш машғулотлари. -Т.: Ўқитувчи, 1995.
10. Ахутина Т.В. Порождение речи: Нейролингвистический анализ синтаксиса. -М.: Изд. МГУ, 1989.- 215с.
11. Авдеева Н.Н., Мещерякова С.Ю. Вы и младенец: у истоков обучения.- М.: Педагогика, 1991-158 [1] с; -С.20.
12. Аксарина Н.М. Важнейшие факторы развития речи детей раннего возраста. В кн: Вопросы педагогики раннего детства.- М.- 1964.- С. 10-33.
13. Блумфильд Л. Язык. М.: Прогресс, 1968.
14. Боскис Р.М., Морозова Н.Г. О развитии мимической речи глухонемого ребёнка и её роли в процессе обучения и воспитания глухонемых // Вопр. учебно-воспит. работы в школе для глухонемых. Бюлл.№7.- М. 1939.
15. Боскис Р.М. Глухие и слабослышащие дети.- М. 1963.

16. Брудный А.А. Семантика языка и психология человека.- Фрунзе.- 1972.

17. Вайнштейн А.М. Особенности экспрессивной номинации в детской речи // Функционирование литературного языка в уральском городе. – Свердловск. 1990.-С. 34-43.

18. Ветрева И.Т., Сибирякова И.Т. Грамматические варьирование в детской речи // Детская речь и пути её совершенствования.- Свердловск. 1989.- С. 74-82.

19. Ветрова В.В., Смирнова Е.Д. Ребёнок учится говорить.- М. 1989.

20. Выготский Л.С. Мышление и речь // Собр.Соч.- М. 1982.- Т.2.

21. Выготский Л.С. Орудия и знаки в развитии ребёнка // Собр. соч.- М. 1984.- Т.6.

22. Выготский Л.С. Проблемы сознания// Собр. соч.-М. 1983.-Т. 3.

23. Выготский Л.С. Психология искусства.- М. 1968.

24. Выготский Л.С. Развитие высших психических функций.- М. 1960.

25. Гак В.Г. К проблеме синтаксической семантики: Сем. Интерпретация "глубинных" и "поверхностных" структур // Инвариантные синтаксические значения и структура предложения.- М. 1969.

26. Галунов В.И. Структура речевого процесса // Модели речевого процесса в норме и патологии.- Л.- 1980.

27. Гвоздев А.Н. Вопросы изучения детской речи.- М.- 1961.

28. Горелов И.Н. Проблема функционального базиса речи в онтогенезе.- Челябинск. 1974.

29. Горелов И.Н. Соотношение невербального и вербального в коммуникативной деятельности // Исследование речевого мышления в психолингвистике.-М. 1977.

30. Гринфильд П.М. Информативность, пресуппозиция и семантический выбор в однословных высказываниях// Психолингвистика. - М. 1984.

31. Жинкин Н.И. Механизмы речи.- М. 1958.

32. Жинкин Н.И. Речь как проводник информации.- М. 1982.

33. Жинкин Н.И. Психологические основы развития речи // В защиту живого слова.- М. 1966.

34. Зайцева Г.Л., Фрумкина Р.М. Психолингвистические аспекты изучения жестового языка.- М.:Дефектология, 1981.

35. Запорожец А.В. Развитие произвольных движений.- М. 1959.

36. Иесенина Е.И. Дословесный период развития речи у детей.- Саратов. 1989.

37. Исследование речевого мышления в психолингвистике. Сборник / Отв. ред. Е.Д. Тарасов.- М. 1985.

38. Карпова С.Н. Психология речевого развития ребёнка. М. 1987.

39. Китерман Б.П.Опыт изучения слоговой элизии в детском языке / Русский Филологический Вестник.- 1913, №1.

40. Кистяковская М.Ю. Развитие движений у детей второго года жизни.- М. 1970.- С.204.

41. Кольцова М.М. О формировании высшей нервной деятельности у ребёнка.- Л. 1950.

42. Кольцова М.М. О возникновении и развитии второй сигнальной системы у человека.- М. 1949.- Т.2.- С.43-51.

43. Кольцова М.М. Ребёнок учится говорить.- М. 1979.

44. Леонтьев А.А. Слово в речевой деятельности.- М. 1969.

45. Леонтьев А.А. Внутренняя речь и процессы грамматического порождения высказывания // Вопросы порождения речи и обучения языку.- М. 1967.

46. Леонтьев А.А. Исследование детской речи // Основы теории речевой деятельности.- М. 1974.

47. Лехтман-Абрамович Р.Я. и Фрадкина Ф.И. Этапы развития игры и действий с предметами в раннем детстве.- Л.:Медгиз, 1949.

48. Лисина М.И. и др. Общение и речь: развитие речи у детей в общении со взрослыми.- М. 1959.

49. Лурия А.Р. Проблемы и факты нейролингвистики // Теория речевой деятельности: Проблемы психолингвистики.- М. 1968.

50. Лурия А.Р. Речь и развитие психических процессов у ребёнка. Эксперим. исследования.- М.: Изд-во. Акад. пед.наук. РСФСР, 1959

51. Лурия А.Р. Мозг человека и психические процессы. Т. 1–2. -М. 1963, 1970.

52. Лурия А.Р. Язык и сознание.- М. 1979.

53. Лурия А.Р., Юдович Ф.Я. Речь и развитие психических процессов у ребёнка.- М. 1959.

54. Лямина Г.М. Развития речи у детей в раннем возрасте. М., 1964.

55. Лямина Г.М. Развитие речи у детей второго года жизни // Вопр. Психологии. 1960.- №3.- С.106 -121.

56. Павлова А.Д. Дневник матери.- М. 1924.

57. Павлов В.М. Языковая способность человека как объект лингвистической науки // Теория речевой деятельности.- М.- 1968.

58. Пиаже Ж. Речь и Мышление ребёнка.- М.- 1932.

59. Пиаже Ж. Избранные психологические труды: Психология интеллекта. Генезис числа у ребёнка. Логика и психология.- М.- 1963.

60. Пантелеев Л.В. Наша Маша.- Л.:Детская литература, 1976.

61. Попова М.И. Особенности речевых появлений у детей второго полугодия жизни // Вопр. псих. 1969.

62. Попова М.И. Грамматичесике элементы языка в речи детей дошкольного возраста // Вопр. психологии, 1958.

63. Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. Т.1,2.- М. 1958.

64. Потебня А.А. Эстетика и поэтика.- М.- 1976.

65. Речь: Артикуляция и восприятие / Чистович Л.А., Кожевников В.А., Аляркинский В.В. и др.- М. – Л., 1965.

66. Рыбников Н.А. Язык ребёнка.-М. 1926.

67. Розенгарт-Пупко Г.Л. Формирование речи у детей раннего возраста.- М. 1963.

68. Слобин Д. Языковое развитие ребёнка // Слобин Д., Грин Дж. Психолингвистика.- М. 1984.

69. Слобин Д. Когнитивные предпосылки развития грамматики // Психолингвистика.- М. 1984.

70. Соссюр Фердинанд де. Труды по языкознанию.-М. 1977.

71. Тамбовцева А.Г. О дифференцированном подходе к детскому словотворчеству и словообразованию // Проблема индивидуального подхода к детям дошкольного возраста.- Пермь. 1978.

72. Уфимцева Н.В. Опыт экспериментального исследования и развития словесного значения // Психолингвистические Проблемы семантики.- М. 1983.

73. Ушакова Т.Н. Проблема внутренней речи в психологии психофизиологии // Психологические и психофизиологические исследован речи.- М. 1985.

74. Филмор К. Новое в зарубежной лингвистике.- Вып.10.- М.: Прогр 1981.

75. Фигурин Н.Л., Денисова М.П. Этапы развития ребёнка в возрас рождения до 1-го года.-М. 1949.

76. Фрадкина Ф.И. Возникновение речи у детей// Уч. зап. Лен Изд. Пед. Инс-та, 1955.- Т.112.

77. Хомская Е.Д. Мозг и активация.- М. 1972.

78. Хомский Н. Аспекты теории синтаксиса. М.: Изд. МГУ, 1972

79. Хомский Н. Синтаксические структуры // Новое в лингвист 11.- М. 1972.

80. Чуковский К. И. От двух до пяти. М.: Педагогика, 1990.

81. Черемухина Г.А. Некоторые особенности номинативных процессов в детской речи.- В кн: Проблемы реализации системы синтаксиса.- Пермь, 1981.- С.159-169.

82. Швачкин Н.Х. Экспериментальные исследования ранних обўений ребёнка. Изв. АПН СССР.- Вып.54.- М. 1954.

83. Щелеванов Н.М. О воспитании в домах младенца // Вопросы материнства и младенчества. 1955.- № 3.- С.15-20.

84. Эльконин Д.Б. Детская психология.- М.: Учпедгиз, 1960.

85. Якобсон Р. Избранные работы.- М. 1985.

86. Шахнарович А.М., Лебединский В.В. К проблеме развития речи в онтогенезе // Проблемы психолингвистики.- М. 1975.

87. Bellugi U. Studies in sign. Language. –In "Psycholinguistics I. Total communication: The state of the Art.-N.Y. 1972.

88. Bowerman M. The pivot – open class distinction.- MS, Harvard University, 1969.

89. Carroll B. The study of language.- Cambridge (Mass).- 1953.

90. Furth H. Papers in linguistics.- London, Oxford University

91. Greenfield P., Smith J., Communication and the beginnings of language: the development of structure in one – word speech and beyond.- Unpublished manuscript, 1972.

92. Jakobson R. Language enfantin et aphasic / Paris. Edition de mint.- 1969.

93. Jakobson R. Child language, aphasia and phonological universals.- The Hague: Mouton, 1968.

94. Klima E., Bellugi U. The signs of language in child and Chimpanzes.-In: "Communication and affect".- N.Y. 1972.

95. Mc. Neil D. Semantic extention, Paper presented at the loyola symposium on confiction.- Chicago. 1974.



**Илмий нашр**

**Сайидирахимова Насиба Сайидмахамадовна**

**БОЛАЛАР НУТҚИНИНГ**
**ПСИХОЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**
**(Монография ўзбек тилида)**

**Масъул муҳаррир:**
филология фанлари доктори, профессор
**Абдулхамид Нурмонов.**

**Тақризчилар:**
филология фанлари номзоди, доцент
**Муяссар Сапарниёзова**
филология фанлари номзоди, доцент
**Неъмат Маҳкамов**